

*Абдиба  
жамият*



# МАТОНАТ манзумаси

- Сув келтирған элда азиз
- Жаҳолатта қарши маърифат
- Ўз болангни ўзинг асра
- Китобсиз келажак йўқ
- Адабиёт атомдан кучли

Сироҳиддин  
САЙИД |

*Адиб  
ба  
жамият*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«ИКОД» ЖАМОАТ ФОНДИ



# МАТОНАТ

## манзумаси

- Сув келтирған элда азиз
- Жаҳолатга қарши маърифат
- Ўз болангни ўзинг асра
- Китобсиз келажак йўқ
- Адабиёт атомдан кучли

Сирожиддин  
САЙИД

ТОШКЕНТ  
«MASHHUR-PRESS»  
2018

"Ватаним деб сени уйғондим, Даре каби уйғоқ үттурман" деб езганида устоз Ҳамид Олимжон том маънода фарзандлик ва шоирлик бурчини назарда тутган эди. Янги давру замон шиддати, Ватанимиз файзу камоли барчамиздан бедорлик ва дахлдорликни талаб қиларкан, бир зум бўлса-да, бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Давлатимиз Раҳбари элдошларимиз билан бўлган учрашувлардан бирида "Менга ўзини, жонини қийнайдиган одамлар керак!" деганида айнан шундай бедорликни назарда тутган эди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бугунги кунда Юрт эгасидан тортиб, унинг оддий фуқаросигача кенг қуламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар йўлида завқу шавқ ва бунёдкорлик ишқи билан меҳнат қилмоқда.

"Биз ёзмасак ким ёзгайдир бу кунларнинг "Хамса"син" дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид ўзининг "Матонат манзумаси" номли мазкур китобидан жой олган бағишловларидан бирида.

Бойсун шаҳри ва унинг атрофидағи қишлоқларда неча замонлардан буен тоза ичимлик сувига ташна бўлиб яшаётган аҳолининг кўп йиллик орзуармонлари айнан Президентимиз ташаббуси билан ҳисқа муддатда рӯёбга чиққани, бепоён Устюрт даштларидағи янги-янги конлар, она диёримизнинг энг шимолий сарҳадида қад ростлаган "Қорақалпоғистон" шаҳарчасининг қандай матонат билан бунёд этилгани-ю заҳматкаш замондошларимиз сиймоси ҳаётий, жонли мисоллар орқали очиб берилган. Китобнинг "Жаҳолатга қарши маърифат", "Адабиёт атомдан кучли" деб номланган фаслларида бугунги глобаллашув даврида яшаётган ижодкор қалби уйғоқ бўлиши, айни пайтда адабиёт ҳамиша Президентимизнинг эътиборида бўлиб келаёттани ҳақидаги янги шेърлар, маңзума ва мақолалар жамланган.


Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
"Ижод" жамоат фонди ҳомийлигига чоп этилди.

ISBN 978-9943-5567-6-8

© Сирожиддин Сайид, 2018  
© «MASHHUR-PRESS», 2018

**ВАТАН УЧУН. МИЛЛАТ УЧУН.  
ХАЛҚ УЧУН**

---





Она юртим, сен бир йилда  
топган нашъу намолар  
Минг йилда ҳам бўлмаган дер  
юздан ошган момолар.



Кечани кеча демай,  
кундузни кундуз демай,  
Юлдузларга ҳам тонгда  
дам берган, ором берган,  
Халқ бормикан дунёда  
ҳалол, заҳматкаш сендей:  
Тоғ келса гар – емирган,  
сув келса гар симирган.



## СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

---

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан  
Бойсун шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда неча  
замонлардан буён тоза ичимлик сувига ташна бўлиб  
яшаётган аҳолининг кўп йиллик орзу-армонлари қисқа  
муддатда рӯёбга чиққани воқеасига багишланади.

Сув келтирган элда азиз.

Сув келтиргай мард киши,  
Ўз халқини рози қилмоқ  
матонатли мард иши.

Сув келтирмоқ – мард ишидир,  
                  экин экар ҳар киши,  
Халқ иши – давлат ишидир.  
                  Давлат иши – халқ иши.  
Сув йўли ҳам сўз йўлидай  
                  мехнатлари оғирдир,  
Сувсиз ерлар меҳрга зор  
                  бағирлардай яғирдир.  
Донишманд халқ оқар сувнинг  
                  оқишига қара дер,  
Шунга қараб элнинг  
                  истак-хоҳишига қара дер.

Минг йиллардир гарчи асру  
                  замонларнинг ораси,  
От чопса гар гумбурлайди  
                  ҳамон тофлар дараси.  
Инсоният ибтидосин  
                  Тешиктошга қаратган,  
Мард элимсан, ор-номуснинг  
                  қўроғонларин яратган.  
Неандертал одамнинг ҳам  
                  кўзлари чақнаб келгай,  
Асрларнинг қаъридан у  
                  шўрлик ҳам чанқаб келгай.

“Сув!..” дегандай теграсида  
хазон боғлар “увв...” дейди,  
Минг йилларким Бойсун эли  
“Сув!..” дейди-ё, “Сув!..” дейди.  
Фаддорлигу фирромлика  
хуши йўқ, уқуви йўқ,  
Мехридарё элдир ўзи,  
лек ичмоқقا суви йўқ.  
Ойбалдоғим, Ойсулувим,  
Ойсанамим, Ойсинглим,  
Юз йилларким қўлда челак,  
кўзёшлари сой, синглим.  
Сув келтирган элда азиз,  
Сув келтирмоқ – мард иши,  
Давлат иши – халқ ишидир,  
Халқ иши – давлат иши.  
Минг асрлик соғинчлардан  
жимиirlар жону таним,  
Менинг жисму жоним сенсан,  
жисму жоним Ватаним!  
Улуғларинг умрларин  
тупроғингга қорғанлар,  
Бир ариқ сув сўраб  
ҳатто Масковгача борганлар.

Гапдон, эпчил элчиларинг  
пойтахтларга юбориб,  
Ўз сувингни ололмадинг  
минг йиглаб, минг ёлбориб.  
Келдилар сўнг ўҳшаб бир қоп  
шалвираган хашакка –  
Тоғдай-тоғдай райисларинг  
михландилар тӯшакка...  
Элдошларим, жонингизга  
Оллоҳ бермиш тӯзимлар –  
Емирилди Сизни эзган  
у мустабид тузумлар.  
... Бу бир мунглуғ ривоятдир.  
Бу бир ғамгин ҳикоят:  
“Бойсунга сув келтиринг...” деб  
жон бердингиз ниҳоят.  
Қуруқшаган боғларингиз  
кечалари зирқирар.  
Руҳингизнинг қушларидир:  
“Сув...”, “Сув...” дея чирқирар.  
Чирқираиди улар ҳали  
чорак аср тинмайин,  
То бу элнинг шон-шавкатли  
Раҳнамоси келмайин.



Сув келтирмоқ – мард ишидир,  
бахра олгай ҳар киши,  
Халқ иши – давлат ишидир,  
Давлат иши – халқ иши.  
Сув келса гар – нур келгайдир,  
яшнар кенту қышлоқлар,  
Юз минг қалбда гүё бирдан  
порлар минг-минг чироқлар.  
Тешиктогим – бешиктогим,  
мен нечун бўлмай мафтун,  
Қатлам-қатлам ҳикматдирсан,  
қатлам-қатлам тамаддун.  
Термизийлар айвонидан  
боқсам агар оламга –  
Ҳам отамга ўхшайдирсан,  
ҳам ўхшайсан онамга.  
Дўумбиранинг қўш тори ё  
Ойбарчин кокиллари –  
Кирларингнинг кифтларидан  
тушган темирийўллари.  
Баланд-баланд тоғларингдан  
ғурур олмиш, қалб олмиш,  
Ҳар қизинг бир Ойбарчинидир,  
ҳар ўғлинг – бир Алпомиш.

Қиш ўртаси – бодомлару  
олчаларим гуллаган,  
Бутун воҳа, боғу роғлар  
мисли хушбўй гул лаган.  
Она юртим, сен бир йилда  
топган нашъу намолар  
Минг йилда ҳам бўлмаган, дер  
юздан ошган момолар.  
Шу замоннинг шаштларига  
мен мослай қадамимни,  
Қайроқсойнинг тошларига  
чархлайн қаламимни.  
Қаён боқсан – ҳар қадамда  
боғ пайдо, чаман пайдо,  
Янги уйлар, янги тўйлар,  
юрт пайдо, Ватан пайдо.  
“Баҳр ун-нажот”, “Наҳр ул-ҳаёт”  
деган қутлуғ каломлар –  
Сўз мулкининг сultonидан  
авлодларга саломлар.  
Сув дегани нажот демак,  
Сув – бу обиҳаётдир,  
Сув – бу гўзал турмуш демак,  
Сув келган жой – ободдир.

Аслида-ку, сел дуч келса,  
сен симирган халқидирсан,  
Тоғ келса ҳам мардоナвор  
сен емирган халқидирсан.  
Эй ёронлар, халқни күринг,  
күринг орзу-ҳавасин,  
Биз ёзмасак ким ёзгайдир  
бу күнларнинг "Хамса"син?!  
Эл шод бўлиб, мамлакат ҳам  
обод бўлмоғи керак,  
Ҳар бир фарзанд энг камида  
Фарҳод бўлмоғи керак!  
Бойсундан то Зомин қадар,  
Урганчдан то Андижон,  
Она юртим, дурахшонсан,  
Ота юртим – ҳурафшон.  
Мен ҳам сенинг қирларингда  
ўсган майса-лолангман,  
Бир бойчечак висолига  
chanqoq shoir болангман.  
Жамолингни кўз-кўз айлаб  
кўз ўйнатгим келади,  
Бойчиборни ўйнатгандай  
сўз ўйнатгим келади.

Сув йўли – бу нур йўлидир,  
Сув келтиргай мард киши,  
Давлат иши – халқ ишидир,  
Халқ иши – давлат иши.  
Сув келгайдир Бойсун томон  
Хўжамаҳихонадан,  
Ўн саккиз минг уй ва эшик,  
ўн саккиз минг хонадон –  
Менинг яхлит қўнглим янглиғ  
ёришгайдир бир зумда.  
Элдошларим кўзидағи  
ёшлар – менинг юзимда.  
Дуога қўл очинг демак,  
Хожи Бобо, оқсоқол:  
Токи шу эл, шу халқ, Ватан  
асло топмасин завол.  
Дунё тургунча бор бўлсин,  
Парвардигор ёр бўлсин,  
Сув келтирган мардларининг  
Давлати пойдор бўлсин!

20–24.01.2018 й.



## **БЕДОРЛИКНИНГ ЙЎЛ ХАРИТАСИ ёхуд ОБОД ҚИШЛОҚ МАНЗУМАСИ**

---

Янги давру замон қасри  
ўз-ўзидан бино бўлмас,  
Ўз-ўзидан ҳеч бир дилбанд  
Беруний ё Сино бўлмас.  
Бўлган каби оламларнинг  
қиёси йўқ Дурадгори,  
Ҳар даврнинг шак-шубҳасиз  
бўлгай ўз Бунёдкори.  
Дунёдир бу – турфа олам,  
пасту баланд турмушдир,  
Кимлар Расадхона, кимлар  
ҳасадхона қурмишдир.

\* \* \*

Эл ҳар сўзни англаб айтар,  
элнинг сўзи дур-гуҳар:  
Яхши одам юрт тузар-у,  
ёмон одам юрт бузар.  
Билким, ҳарири либосларда  
мисли тантиқ келинчак,  
Осмонлардан парашютда  
тушиб келмас келажак.  
Боболаринг ҳар ҳикматни  
йўз бағрин тилиб айтган,  
Юртингизни обод қилиб  
яшанг деб билиб айтган.  
Ёмғир билан ер кўкарап,  
тинчлик билан эл кўкарап,  
Эл огирин эр кўтарар,  
эр йигитни эл кўтарар.  
Юрт қуёши – юрт бошида,  
юртнинг тогу тошиндадир,  
Эл бошига тушган ҳар иш  
Элбошининг бошиндадир.  
Тонг саҳардан кўрган йўлинг  
чию ошингда пайдо,  
Аҳволингдан огоҳдайин –  
шу зум қошингда пайдо.

Дарё каби доим бедор,  
даврондайин шиддаткор,  
Эл корига мададкор-у,  
эл ҳолидан хабардор.  
Бир онахон айтди у кун:  
– Болам, кўпдир-да иши,  
Тиним билмас экан асло,  
ухламаскан бу киши...

\* \* \*

Дунёдир бу – турфа одам,  
пасту баланд турмушдир,  
Кимлар Расадхона, кимлар  
ҳасадхона қурмишдир.  
Демак, айтгил: “Обод қишлоқ”  
на дастурдир бу дастур?  
Янги онг ва тафаккурдир,  
янги онг ва тафаккур.  
Токи ҳар бир хонадонда  
файз-барака, қут бўлсин,  
Ҳар оила тинч яшасин,  
рўзгори ҳам бут бўлсин.  
Уйлари ҳам, тўйлари ҳам  
бўлсин доим чароғон,

Эңг аввало күнгиллар түк,  
мехр бўлсин фаровон.  
Катталари кичиклардан  
олмасин то хавотир,  
Кичиклар ҳам катталарин  
иззат қилсин, юз-хотир.  
Токи ёлғон гапирмасин  
ҳеч одамга ҳеч одам,  
Эңг аввало ўз роҳатинг,  
оромингдан кеч, одам!  
Бу дунёда сендан қолар  
порлоқ, ёруғ изларинг –  
Кўз ўнгингда яшнагай то  
гул-гул ўғил-қизларинг.  
Инсонлигинг токи топгай  
бунда қадру эътибор –  
Бу мамлакат мустаҳкамдир,  
бу мамлакат – устувор.

\* \* \*

Бир Ватанким, поёни йўқ,  
кўз илғамас адоги,  
Юрт биносин қурган зотлар,  
жонлар Сизга садоға!

Кўрдим бунда беҳад кўркам  
замоннинг биносини,  
Англадингми, дўстим, сен ҳам  
“Манас”нинг маъносини?..  
Обод қишлоқ дастурини  
тафаккур қил, тафаккур,  
Бедор бўлгил, бедор бўлгил,  
бедор бўлгил бир умр!  
Умринг ўтар Ўриклисой  
сувларидай шарқираб,  
Иzlарингдан нурлар қолсин,  
йўллар қолсин ярқираб.  
Боққил, тошқин дарё мисол  
уйғонмиш бир халқ букун,  
Халқинг учун сен ҳам уйғон,  
тошқин солгин, қалқ букун!  
Мен ҳам замон суръатидан  
гоҳ ер-у, гоҳ фалакман,  
Ваъда берган достонимни  
битказолмай ҳалакман.  
Гарчи гирром тузумлардан  
оҳувой чекиб келдим,  
Қанча ўру қирлар, қанча  
балчиқ-лой кечиб келдим –

Англадимки, бу оламда  
юрт таңхо, Ватан таңхо,  
Хаёлимни банд этган шу  
боғ таңхо, чаман таңхо<sup>1</sup>.  
Эсгандайин бўлди ногоҳ  
жаннатларнинг шамоли,  
Очилди-ку кўз ўнгимда  
бир гўзал юрт жамоли.

\* \* \*

Остонадан бошлангайдир  
асли таълим-тарбият,  
Ахлоқ-одоб дарслари ҳам  
маърифат, маънавият.  
Қирқ беш кунда пайдо бўлмиш  
кўз олдингда зап шаҳар,  
Бу мўъжиза қайдан келди,  
ўйладингми, ҳамشاҳар?  
Тошкитоблар битган қадим  
тош маҳаллар айтсинлар,  
Ҳазрат Бобур гапирсинлар,  
Тожмаҳаллар айтсинлар.

---

<sup>1</sup> Устоз А.Орипов сатрлари.

Дунёдир бу – турфа одам,  
пасту баланд турмушдир.  
Кимлар Расадхона, кимлар  
ҳасадхона қурмишдир.  
Сўз биносин қурган зотлар,  
жонлар Сизга садоға,  
Устоз Абдулла Ориф ҳам  
Чингиз Айтматов оға!  
Сиз энг қийин замонларнинг  
заққумларин ютгансиз,  
Элингизга шон келтириб,  
эл учун жон тутгансиз.  
Гўё ҳаргиз ўлмагансиз –  
худди иссиқ нафасдай,  
Суратлардан қарайдирсиз  
Алпомишдай, Манасдай.  
Ўхшайдирсиз мангу сўнмас  
маънавий қуёшларга,  
Буюк ибрат мактабисиз  
Сиз бугунги ёшларга.  
...Уч минг, тўрт минг хонадондан  
таралгай меҳр иси,  
Беш юз чевар қиз-жувоннинг  
ёришганда чехраси.

Не-не зулмат асрларни  
қаламим-ла ағдардим,  
Мен шеъримга нур-зиёни  
шу уйлардан ахтардим.  
Битсайдим гар Термиздан то  
Қандим, Шуманай қадар,  
Завқу шавқим, ҳайратларим  
бүлгайди юз минг дафтар.

\* \* \*

Дунёдир бу – турфа олам,  
пасту баланд турмушдир.  
Кимлар Расадхона, кимлар  
ҳасадхона қурмишдир.  
Бир Ватанким, поёни йўқ,  
қўринмайдир адоги,  
Юрт биносин қурган зотлар,  
жонлар Сизга садоға!  
Обод қишлоқ, бир кўчангда  
қанча қўрку тароват,  
Қанча орзу-ҳавас кўрдим,  
қанча файзу фароғат.  
Бир гўшангда дуо айлар  
мушфиқ онажонларим,

Қанот ёзсин, улғайсин деб  
мурғак полапонларим.  
Оиланг тинч, Ватанинг тинч,  
демак, ухла, болам, тинч.  
Ширин, сокин тушларингдай  
бўлсин рўйи олам тинч.  
Шавкатли эл фарзандисан –  
дуогўйинг шу элдир.  
Ўз элингта шаън келтиргил,  
шараф келтир, шон келтир.  
Бир кўнгилни шод айламоқ  
мушкул эрур бағоят,  
Бутун элни обод қилмоқ  
мардликдир ҳам матонат.  
Бу хислатлар пойқадами  
қутлуғларнинг ишидир,  
Ўз халқини рози қилмоқ  
улугларнинг ишидир.

8.04.2018 й.  
23.07.2018 й.



## МАТОНАТ МАНЗИЛИ

---

Тошкентдан 1530 километр, Нукусдан 450 чақирим олисда Ватанимизнинг энг чекка шимолий сарҳадида Президентимиз томонидан қисқа муддатда обод этилган “Қорақалпогистон” шаҳарчасида яшаётган матонатли юртдошларимиз ҳамда шаҳарча овул фуқаролар йигини раиси Кутли Қошимбетовага бағишиланади.

\* \* \*

Хаёт надир – матонатдир,  
шижоатдир, замондош,  
Яшаш надир – курашлардан  
иборатдир, замондош.

\* \* \*

Поездлар бу ўлкалардан  
қайдан қайга кетарди?  
Шарқдан Фарбга кетар эди,  
Фарбдан Шарққа кетарди.  
Элнинг тақири сахро янглиғ  
фикру ёдин бургулаб,  
Эл кўнглига туну кунлар  
солиб ваҳму қўрқувлар –  
Эшелонлар кечакундуз  
қатнар эди бетиним,  
Бир зум бунда тўхтамайин,  
бир зум топмайин қўним.  
Шимолдан Жануб томонга,  
Жанубдан Шимол томон,  
Жазира мақюнлардан  
изғирин шамол томон –  
Эл дардига бирор малҳам  
беролмай, бир йўқловсиз,  
Қатнов кетар эди тун-кун  
аёвсиз ва тўхтовсиз.  
Одамларнинг кифтларидан  
ўтгандай темир излар,  
Элни янчиб кетгай эди  
у мустабид поездлар.

Қанотларин ўшал қаттол  
паровозлар қайирди,  
У поездлар элни не-не  
парвозлардан айирди.  
Бор газнаю хазинасин  
вагонларга орттириб,  
Бойликларин ташир эди  
элни юпун қолдириб.

\* \* \*

Мен бекорга келтирмадим  
Айтматовдан тимсоллар,  
Бу ерларда халқ яшарди,  
яшар эди инсонлар.  
Бу манзиллар нурсиз эди,  
зулмат эди зим-зиё,  
Яратганнинг эсидан ҳам  
чиқиб кетгандай гүё.  
Бир миллатнинг чегараси,  
бир давлатнинг ҳудуди –  
Ночорлигу абгорликдан  
зирқиради вужуди.  
Элнинг уй-жойи вайрон-у,  
бундан эл күнгли вайрон,



Уй-жойи элга ҳайрон-у,  
эл күнгли бунга ҳайрон.  
Дунёнинг бир чеккаси, деб  
биров кўриб-кўрмаган,  
Ахволинг не, кимсан дея  
ҳеч ким ҳолин сўрмаган...

\* \* \*

Ҳаёт надир – матонатдир,  
шижоатдир, ёронлар,  
Яшаш надир – курашлардан  
иборатдир, ёронлар.  
Одамзодга нима керак?  
Бир рағбат, бир эътибор,  
Шу он кўнгил даштларида  
бошлангайдир навбаҳор.  
Бир манзил гар обод бўлгай,  
минг кўнгил обод бўлгай,  
Гўё минг бир дарду ғамдан  
минг кўнгил озод бўлгай.  
Мен ҳам бошга қия қўйиб  
қорақалпок бўркини,  
Кўрсам Устюрт қирларидан  
Она юртим кўркини.

Күз илғамас кенгликларга  
түлгән күңглим етгайдир,  
Уфқларга қадар күңглим  
бир ястаниб кетгайдир!  
Яңги конлар очилмоқда  
гүё яңги қалблардай,  
Ернинг юрак уришлари  
қалблардаги зарблардай.  
Яңги орзу-ниятлардан  
завқланар, жүшар гүё,  
Күшмоқчидай яңги давру  
замонларга нур-зиё –  
Ер қаъридан ногоҳ гурлаб  
чиққан ялов-машъала  
Шу миллатнинг қалб ўтидир,  
келажагин машъали.  
Мўйноқдан Қўнғирот қадар,  
Нукусдан то Шуманай –  
Мен ҳам яңги замонларнинг  
ҳавосига чулғанай.

\* \* \*

Ҳаёт надир – матонатдир,  
шижоатдир, замондош,

Яшаш надир – курашлардан  
иборатдир, замондош.  
Янги орзу-умидлардай  
уй-жойлар бўлар пайдо.  
Кўрган киши жамолига  
шу онда бўлар шайдо.  
Ҳайратлардан ёзилгайди,  
ярқираб жабинлари<sup>1</sup>,  
Ажиниёз боболарнинг  
минг йиллик ажинлари.  
Сўз қарзини жони бирлан  
тўлаб борган боболар,  
Устоз Иброҳим оға ҳам  
Тўлепберген боболар.  
Томирларда қонлар қайнар  
Ер остида конлардай,  
Ер остида конлар қайнар  
томирларда қонлардай.  
Янги давру замонларнинг  
дашту кенгликларида  
Конлар узра қатор кетган  
ундов белгиларидай –

---

<sup>1</sup> Жабин (араб.) – манглай, пешона.

Пайдо бўлган ҳар минорни  
мехримга қўйсам дейман,  
Давру замон даъватидай  
шеъримга қўйсам дейман.

\* \* \*

Ҳаёт надир – матонатдир,  
шижоатдир, ёронлар,  
Яшаш надир – курашлардан  
иборатдир, ёронлар.  
Қутли дейми, Қутлугми ё  
Кутлугбика дейинми,  
Опа, айтинг, бу дунёда  
Ватан қуриш қийинми?  
Бир эътибор-эъзоз билан  
яшнаб кетса маконлар,  
Энг аввало инсонлигин  
ҳис қилгайдир инсонлар.  
Кўчаларнинг чироқлари  
эл дардини аритгай,  
Кўчалармас, энг аввало,  
эл қалбини ёритгай.  
Сизсиз ўтмас бу масканда  
биорор тўй ё маърака,

Исмингизда хосият бор,  
файз бор, қут-барака.  
Сиз сингари беҳаловат,  
шижоатли ва ҳалол  
Ватандошлар то бор экан –  
Ватан топмагай завол.  
Эл күнглида барг ёзгайдир  
қанча орзу-матлаблар,  
Қад ростласа янги уйлар,  
кўркам қасру мактаблар.  
Шоду хандон полапонлар –  
ўғил-қизу болангиз,  
Ҳар бири бир майсангиздир,  
ҳар бири – бир лолангиз.  
Мактаб аро гарчи ҳозир  
ғунчадир, гулғунчадир,  
Келажакнинг Бердақлари,  
Абайлари шундадир.

\* \* \*

Ҳаёт надир – матонатдир,  
шижоатдир, замондош,  
Яшаш надир – курашлардан  
иборатдир, замондош.

Матонатли эл, дебон лутф  
этганда Юрт Раҳбари –  
Жимирлади ёшу қари  
элдошларнинг қалблари.  
Огоҳ зотлар дилхоҳ элда  
эл ҳоли ҳеч таңг бўлмас,  
Дилхоҳ зотлар огоҳ элда  
элнинг кўзи нам бўлмас.  
Қонглиқўлдан ғангиллабон  
учган гозларим бордир,  
Женгай десам, бика дейди,  
Қутлуғ созларим бордир.  
Давру замон авжларига  
созлай мен ҳам торимни,  
Ярқираган кенгликлардай  
сочай дилда боримни.  
Ҳар манзилда бир ўзгариш,  
Сурғилми ё Хўжайли –  
Эй элдошим, келгил, биз ҳам  
ҳиссамизни қўшайлик!  
Тўқсон кунда бўй кўрсатса  
шаҳарлардай орзулар.  
Ҳаёт ўзи матонатга  
берар янги мавзулар.

Маманбийдай, Эдигейдай  
ботирларин сўраштири:  
Хаёт асли матонатдир,  
яшаш асли курашдир!  
Умринг асли бошдан-оёқ  
курашдандир иборат,  
Матонатдир асли, билсанг,  
ҳар бино, ҳар иморат.  
Бўлгандайин кенг йўлларда  
пасту баланд, чукурлар,  
Дилларда ҳам бордир ҳали  
қанча ўнқир-чўнқирлар.  
Ҳар мактабинг, маърифатли  
ҳар бир пухта ишингдир –  
Жаҳолатга қарши қўйган  
сенинг битта фиштингдир!  
Мехру шафқат манзилидир,  
баҳт-саодат манзили,  
Бу – матонат манзилидир,  
бу – матонат манзили!  
Бу уйлар, бу маконларда  
миллат яшар, қалб яшар,  
Матонатли эл яшайди,  
саодатли халқ яшар.

20–27.11.2018 й.



## ҮЗГАРИШЛАР ДАВРИ

---

Дунё ўзгаради. Одам ўзгарар.  
Одам ўзгаради. Олам ўзгарар.

Майли, нима деса десин ўзгалар.  
Бу мангу тириклик ҳар дам ўзгарар.

Үзгаришлар билан гүзалдир ҳаёт,  
Яңгиликлар билан тирик одамзот.

Үзгача эсмоқда субҳидам еллар,  
Йиллардан фарқ қилиб бормоқда йиллар.

Ҳар тонг кўнглингга ҳам тутгил қўзгулар,  
Тонгинг ўзгаради – онгинг ўзгарар.

Зангор қирларинг ҳам бўзариб борар,  
Орзу-ниятларинг ўзгариб борар.

Умринг – бу беш кунлик сайру томоша,  
Қумрилар учмоқда боғу том оша.

Одамга саҳардан ризқу рўз келар,  
Фикринг ўзгаради, зикринг ўзгарар.

Ўй ва хаёлларинг борар тозариб,  
Турмуш кўз ўнгингда борар ўзгариб.

Кўнглингда қанчалар завқу таманно,  
Бир янги кўпrikдан изладинг маъно.

Ўзинг-чи, бир дилга завқ беролдингми –  
Кўпrik сололдингми, йўл сололдингми?

Кетдилар, битдилар эски доғларинг,  
Шовуллар яшнаган янги боғларинг.

Яңги боблар очар яңги сақарлар –  
Қаршингда қад ростлар яңги шаҳарлар.

Биродар, манзилу маконингга боқ,  
Андин сўнг шу давру замонингга боқ.

Юртни юрт айламиш яңгича фурур,  
Яңги онг ва шуур, яңги тафаккур.

Элда қанча ҳайрат, яңгиланишлар,  
Қолган ёнишларинг – яңглиш ёнишлар.

Меҳрларинг сингдир банд-бандларингга –  
Гул-гул Ватан қолдир фарзандларингга.

Токи бунёдингни зурёдинг берсин,  
Оллоҳ буңдан сўнг ҳам муродинг берсин.

Дунё ўзгаради. Одам ўзгарар.  
Одам ўзгаради. Олам ўзгарар.

Эзгу ишлар билан ёнсин жон ва тан,  
Ўзгаришлар билан Ватандир Ватан.

2014, 2017



## ЯНГИ УЙЛАР ҚАСИДАСИ

---

Яңги уйлар қад күтәрәп, ён-атрофим  
Тұлиб борар қатор кетгән  
чиннидай оқ биноларга,  
Яңги уйлар ўхшар әртак, рүёларға.  
Юздан ошған боболарим, момоларим  
Дуо айлар, видо айтиб  
эски намат, бўйроларга.

Келинларга айтинг тезроқ  
тахласинлар бўхчаларни,  
Сувлар сепиб супурсинлар  
остоналар, кўчаларни.

Қуёш ўзи Ерга тушиб,  
томулар, деворлардан ошиб,  
Бир-бир кириб, бир-бир күрар  
бу уйлар, бу гүшаларни.

Хар янги уй – янги тилак,  
янги мақсад, хур ниятдир.  
Бугун қўйган ҳар бир гиштинг –  
хур Ватандир, хурриятдир.  
Юртимнинг кўрк-жамолига  
Боқиб дарё мисол, дўстлар,  
менинг тўлиб-тошгим келар,  
Шу уйлар, шу биноларга  
Мен ҳам шеърий китобимни  
Бир гишт каби қўшгим келар.  
Азиз ўғил-қизларингиз  
ўхшар қуёш ҳам ойларга,  
Уйларингиз тўлиб кетсин буғдойларга!

Янги уйлар қад кўтарар.  
Барпо бўлар янги гузар ҳам мавзелар,  
Ҳаёт ўзи яшамоқ-чун  
бермоқда янги мавзулар.  
Бўй чўзмоқда янги турмуш,  
янги боғ, янги орзулар,

Янги дил, янги түйгулар  
Оромингиз олиб тунлар,  
кетгайдир сиздан уйқулар.

Эй сиз, азиз элдошларим, дилдошларим,  
Изингиздан нурли-нурли излар қолсин,  
Йўллар қолсин, йиллар қолсин,  
Кетсангиз ҳам ортингиздан  
порлоқ-порлоқ юлдузлардай  
Ҳаёт узра нур таратиб  
диллар қолсин, диллар қолсин!  
Янги уйлар қад кўтарар.  
Инсон қўли гул дейдилар,  
Инсон қўли  
Гулга кўмар бул Ватанни  
безаб гўзал рўёларга.  
Қўш кокилдай темирйўллар  
Салом элтар тоғларимдан  
уфқларга, самоларга.  
Сувлари булбул Ватанни,  
Жаннатлардан аълороқ шу гул Ватанни,  
Энг бебаҳо шул Ватанни, шул Ватанни  
Алмаштиргим келмас сира  
дунёларга, дунёларга.

2014, 2016



## ОБОДЛИК

---

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”.  
“Йигирманчи мақолат”

Давлат пойдевори – адлу диёнат,  
Шудир мамлакатнинг икки асоси.  
Тинч бўлур бу юртда эл ва сиёсат,  
Кор қилмас оламнинг жаңжал, низоси.

Кундан-кун юксалиб боргайдир даврон,  
Ризқу насибаси элнинг бутундир.

Мұхташам қасрдир агарда замон,  
Адл ва диёнат икки устундир.

Бундай мамлакатда түқдир күнгиллар,  
Четлаб үтгай уни балою қазо.  
Жаннат дарсін олиб бунда булбуллар,  
Сувлар булбуллардай тараттай наво.

Рубоб торларидай йүллар солған из,  
Күпприклар – келажак киприкларида.  
Күзу қош мисоли ҳар бир ўғил-қыз,  
Киприклар – тириклик күпприкларида.

Осмонлар бургутлар парвозига мос,  
Орзулар учтайлар юксак ва озод.  
Ниятлар боғлардай гуллагай қийғос,  
Юрт обод – эл обод, күнгиллар обод.

Түккіз фалакдан ҳам күрингай аён,  
Заминдан таратған нур-зиёлари.  
Бу юртни сақлагай рухлари омон,  
Асрагай азизу авлиёлари.

Нимадир аслида юртга сарварлик –  
Мехрпарварлиkdir, миллатпарварлик.

Қай элнинг шундайин сиймолари бор –  
Унинг дунё аро дунёлари бор.

Матонат шу танти зотларга тандир.  
Улар тимсолида мардлик жам фақат.  
Уларнинг тимсоли – буюк Ватандир,  
Обод мамлакатдир, обод мамлакат.

2015



## ЭЛ ВА ЭЛ БОЛАСИ

---

Одамий эрсанг демагил одами,  
Оники йүк халқ гамидин гами.

“Үн учунчи мақолат”

\* \* \*

Бир дам улус меңнатидин ком йүк,  
Бир нафас эл жавридин ором йүк,

“Йигирманчи мақолат”

Эл боласин бор-йүғи шул эл била,  
Күнгли баҳор-у, йўли гул эл била,  
Неки бўлур бўлгуси ул эл била,  
Эл била бўл, эл била бўл, эл била.

Эл сени шоистай даврон этар,  
Ном ила шонингни ул осмон этар,  
Қарғаса эл – ер била яксон этар,  
Эл сени инсон этар, инсон этар.

Дилни фақат эл ғами-ла тифлагил,  
Үзни эмас, эл ғамини илғагил,  
Йиғласа эл, эл била сен йиғлагил,  
Элни тани, элни дегил, элни бил.

Гарчи сенга бир нафас ором йүқ,  
Гарчи улус меңнатидин ком йүқ,  
Эл ғамидин тинч саҳару шом йүқ –  
Англаки, элсиз шарафу ном йүқ.

Ерга ҳаёт нақшини кўк солдирур.  
Юлдузу ойдан яна кўрк солдирур.  
Эл боласи элини юксалтирур,  
Эли эса ўғлини юксалтирур.

Эл боласи эл ишини сайлагай,  
Ўзини ҳам кўнглини сел айлагай.  
Хос ҳар эрни фақат эл айлагай,  
Айласа ҳар не фақат эл айлагай.

Эл назари, номи била ном тарат,  
Эл назари номи учун ном ярат.

Айла ҳазар эл ҳазаридин фақат,  
Қолма фақат эл назаридин фақат.  
Эл била түл, эл била сүл, эл била,  
Эл била бүл, эл била бүл, эл била.

2015

## УЛУГЛАР ВА КИЧИКЛАР

---

Кимки улугроқ анга хизмат керак,  
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

“Олтинчи маңолат”

Дунёда ҳар кимга мәжнат керакдир,  
Файрат керакдир ҳам заҳмат керакдир.  
Кимки улугроқдир – хизмат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – шафқат керакдир.

То элда топгайдир обрў-эътибор,  
Одамзод тирилиб ўлгайдир минг бор.  
Кимки улугроқдир – ҳурмат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – иззат керакдир.

Гарчи кўп дунёning яхши, ёмони,  
Бир сўз тиклаб берар қайта дунёни.  
Кимки улугроқдир – раҳмат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – рағбат керакдир.

Азалий одоб бу, абадий зийнат –  
Каттага ҳурмат-у, кичикка иззат.  
Кимки улугроқдир – даъват керакдир,  
Кимки кичикроқдир – тоат керакдир.

Панду насиҳатдир аслида ҳаёт,  
Бир томони ном-у, бир томони ёд.  
Кимки улугроқдир – суҳбат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – муҳлат керакдир.

Оlamда эллар бор – каттаю кичик,  
Кимлар баҳтин топмиш минг йил кечикиб.  
Кимки улугроқдир – ҳиммат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – давлат керакдир.

“Ҳайрат ул-аброр”дин эсмиш бул сабо,  
Тинч бўлсин десангиз шу Ер, шу дунё –  
Кимки улугроқдир – хизмат керакдир,  
Кимки кичикроқдир – шафқат керакдир.

2015

## ОТА ВА ОНА

---

Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмни қыл садқа оно бошига.  
Икки жаҳонингга тиларсен фазо  
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.  
Тун-кунунга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.  
Сўзларидин чекма қалам ташқари.  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

“Олтинчи мақолат”

Азалдан тошбагир бу кўхна коргоҳ,  
Одамзод меҳрга қачон қонадир?

Ҳам меҳридарё-ю, ҳам меҳригиёҳ  
Ота-онадир ул, ота-онадир.

Шулардир башарнинг илк сўз-каломи,  
Мехр-ла эритган фалак тошин ҳам.  
Ҳадисларда келган бу зотлар номи,  
Уларнинг номлари азиз, мукаррам.

Энг аввал онангга яхшилик қилғил,  
Яхшилик қилғил сўнг яна онангга.  
Онангта, онангта ҳар кун, ою йил,  
Үндан сўнг яхшилик қилғил отангга.

Сенга шу давлатни этмишdir ато,  
Жаннат кейин бўлмас – жаннат ҳозирдир.  
Отанг розидир гар – розидир Худо,  
Онанг рози бўлса – Худо розидир.

Шону мартабангни бир сўзга алиш,  
Улар муҳтож эмас нону тузингга.  
Олиб берган бўлсанг гар бир жуфт калиш –  
Беҳишт болиштидай қайтар ўзингга.

Агарчи фалакка етмишdir бошинг,  
Хоки пойларин ўп – гар осмондирсан.

Қошингдан кетгайдир ою қүёшиңг,  
Улар меҳмондирлар – сен мезбондирсан.

Уларга хизматинг қарзу фарз тайин,  
Етгайдир эңг олий кароматгача.  
Афсус-пушаймонда ўтгайсан кейин  
Мих узра ётгандай қиёматгача.

2015



## АДОЛАТ ҚҮРҒОНЛАРИ

Хуқуқ-тартибот ходимлари кунига

Адолату инсоф токи барқарор бўлгай –  
Давлат доим қонун билан устувор бўлгай.

Қай миллатким инсонийлик бирлан тирикдир,  
Инсонийлик энг аввало қонунийликдир.

Бундай элдан кетмас ҳаргиз файзу фарогат,  
Равнақ топгай доим, топгай фазлу саодат.

Ҳар давлатким мустаҳкамдир – устундир қонун,  
Асоси ҳам пойдевори қонундир, қонун.

Жаҳон ҳали қанча журму жаҳолатдадир,  
Темур бобо айтгандай: “Күч – адолатдадир!”

Ер юзида ҳали қанча қабоҳат яшар,  
Қанча раңжу алам яшар, разолат яшар.

Одамзотни одам зоти озорга солган,  
Бозорлардан олиб яна бозорга солган.

Надир асли бу тинчимас олам савдоسى?  
Одам савдоцидир, билсанг, одам савдоسى.

Ким етгайдир инсонларнинг ох-фарёдига?  
Одам зоти одам сотар одам зотига.

Бехонумон, бамисоли кераксиз буюм,  
Одам болалари кетар хор, уюм-уюм.

Мен – кўзда ёш, гоҳ олдга, гоҳ ортимга боқдим,  
Сўнг дунёning шу буржидан юртимга боқдим.

Юртим менинг – матонату мардлик турроси,  
Эй сен, адлу диёнатнинг қадим маъвоси.

Бир халқ борким, инсоф жисму жонида келган,  
Ҳалоллигу поклик азал қонида келган.

Қанча меҳнатларни бошдан кечирмайди халқ –  
Энг аввало, ҳақсизликни кечирмайди халқ!

Энг аввало, сиз шу халққа ўғлон бўлгайсиз,  
Адлу инсоф бўстонига кўргон бўлгайсиз.

Болангизнинг юзларида қулгичлари бор,  
Ҳушёр бўлинг, шу баҳтнинг ҳам юлгичлари бор.

Ҳирсу ҳасад душмани то барбод бўлгайдир –  
Эл шод бўлар, мамлакат ҳам обод бўлгайдир<sup>1</sup>.

Осмонлардан қутлаб кеча-қундузлар тушсин –  
Елкангизга катта-катта юлдузлар тушсин!

Дунё гарчи доим жангу адова тададир,  
Куч – барибир адолатда, адолатдадир!

2016, 2017

## **БИРНИ КҮРИБ ФИКР ҚИЛ...**

---

Бирни күриб фикр қил,

Бирни күриб зикр қил.

Бирни күриб ўқинсанг,

Бирни күриб шукр қил.

Хаёт – сабру бардошдир,

Неъматлари талошдир.

Гоҳи кўзингда ёшдир –

Бирни күриб фикр қил,

Бирни күриб шукр қил.

Ота-бобонг оч-наҳор,  
Мехрга зор, нонга зор,  
Қийналган күнларинг бор.  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

Дунёга боқ – кенг маскан,  
Хордир қанча жону тан,  
Ким юпун, ким беватан,  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

Ўз юртингда – лолалар,  
Беланчаклар, аллалар,  
Бетакрор бу паллалар –  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

Буғдоизор шу тупроғинг,  
Кўзга сурт ҳар бошогин,  
Жаннатдир ҳар бир чоғинг –  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

Инсон умри ғанимат,  
Ғаниматдир ҳар неъмат,  
Тириклик – катта давлат –  
Бирни күриб фикр қил,  
Бирни күриб шукр қил.

Ичиб бўлмай жомингни,  
Ярат яхши номингни.  
Юрт кўрсин камолингни –  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

Элда қанча ному ёд,  
Ўғил-қиздандир мурод.  
Ҳар кун уқтирадар ҳаёт:  
Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил.

2016



## ЯНГИ ҲАЁТ

---

Тонг ели ром этади,  
Тамшанар дил – ташнангиз.  
Ҳаёт давом этади,  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ҳаётбахш шабнамларга  
Қараб күзни ёшлангиз.  
Майсалардан ранг олиб  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Тақдир сўқмоқларида  
Ейилмиш дил, пошнангиз.

Яңги чориқ кийинг-у,  
Яңги ҳаёт бошлангиз.

Ташлаб кетмиш сизни ҳам  
Қанча ёру ошнангиз,  
Мард дүстлар келар ҳали,  
Яңги ҳаёт бошлангиз.

Майли, гоҳи биш қашиб,  
Күнгилни гоҳ ғашлангиз.  
Иккиланманг ҳеч қачон,  
Яңги ҳаёт бошлангиз.

Ҳали бари олдинда,  
Оғир бўлинг, шошмангиз.  
Яңги китоб олинг-у,  
Яңги ҳаёт бошлангиз.

Ўзингизга ўзингиз  
Ҳаёт-мамот бошлангиз –  
Ўзингиздан воз кечиб,  
Яңги ҳаёт бошлангиз.

Эски ҳаётингизга  
Бирпас назар ташлангиз,

Үрнингиздан туринг-у,  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Отаёдгор ёнгоқлар  
Билан тенгdir ёшингиз.  
Янги күчат ўтқазиб,  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Эски тұндағы ғамларни  
Таңдан ечиб ташлангиз.  
Янги оқ күйлак кийиб,  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Хамма нарса топилар  
Омон бўлса бошингиз.  
Янги ниятлар билан  
Янги ҳаёт бошлангиз.

Тонгларни шом этади  
Вақт – мангу подшонгиз.  
Хаёт давом этади,  
Янги ҳаёт бошлангиз.

2014



## ЭЗГУЛИКНИ ҚҮЁШ ЭТИБ

---

*Шанхай ҳамкорлигига*

Бу дунёда аҳилликдан зўр давлат йўқ,  
Аҳил бўлсақ, бийрон сўйлар тилларимиз.

Одам Ато, Момо Ҳаво фарзандлари,  
Ер юзида биз меҳрнинг гулларимиз.

Багир очсак – олам тўлгай, кўкка чўzsак,  
Осмонларга айлангуси қўлларимиз.

Эллар, халқлар ўхшар улуғ карвонларга,  
Сарбонларни бирлаштирса йўлларимиз.

Дўстлик билан обод эрур олам уйи,  
Тинчлик билан яшнагайдир элларимиз.

Миллатлару давлатларнинг баҳори шу,  
Тинч тонгларнинг сафосидир елларимиз.

Кимлар дунё бузгай келиб бу дунёга,  
Дунё тузиб ўтгай бизнинг йилларимиз.

Эзгуликни қуёш этиб олам аро,  
Асрларга кўприк бўлгай дилларимиз.

2004, 2016

## **БҮЮК ИПАК ЙҮЛИ**

---

Келаверар карвонлар,  
Кетаверар карвонлар.  
Қадим Ипак йўлдир бу –  
Ҳам севинч, ҳам армонлар.

Йигирма бир асрдир,  
Бардошу ҳам сабрдир.  
Халқлар курган қасрдир –  
Гоҳ, соз-у, гоҳ, вайронлар.

Бунчалар кенг бу очун,  
Бир томони Чин-Мочин.

Инсон ёзса қулочин,  
Гурур бўлган осмонлар.

Чўлмас кўкларга етган,  
Ўлмас эркларга етган,  
Улугбеклардан кетган  
Юлдузларга унвонлар.

Оврупоми, Осиё –  
Бир қуёш, бир ой – зиё,  
Адолатга, эй дунё,  
Бағринг бўлсин айвонлар.

Инсоният, маконинг –  
Ўт ҳам сув тўрт томонинг.  
Маърифат ҳам иймонинг  
Сенга бўлсин қалқонлар.

Биз оламга тикилдик,  
Гоҳ туриб, гоҳ йиқилдик.  
Қаддимизни тик қилдик,  
Келди давру давронлар.

Кунчиқардан чиққан кун  
Сурхонда тунар ҳар кун.

Ёпонча сўйлар бугун  
Термиздаги қўрғонлар.

Буюк Ипак йўлдир бу.  
Минг миллат, бир тилдир бу.  
Аждодлардан қўлдир бу  
Авлодларга томонлар.

Шанхайдан бошланган тонг  
Тошкентда отса, не тонг?  
Олти султон – бир қўрғон,  
Эзгуликка сорбонлар.

Дунё, сен солгин назар,  
Манзилларинг бўлгай зар.  
Абадиятга қадар  
Тўхтамас бу карвоnlар.

2004



## БИРЛАШГАН ЭЛ

---

Тожик-ӯзбек шоири  
Ҳасан Фойиб шеърига тазмин

Бирлашған дарёлардан уммонлар яралгайдир,  
Орзу ҳам армонлардан осмонлар яралгайдир.  
Эл кутган даҳолардан давронлар яралгайдир,  
Эл кутган янги давру давронларга тасанно,  
Юрт тинчлигин ўйлаган ўғлонларга тасанно.

Бирлашмаган эл доим хор бўлар, талош бўлар,  
Бундай элнинг бағри доғ, кўзларида ёш бўлар.

Бўлар элнинг мардлари карвонларга бош бўлар,  
Эл дардини анлаган ўглонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин ўйлаган сарбонларга тасанно.

Бу дунёда мард зотлар мардларни бирлаштиргай,  
Эзгу орзу-ниятлар қалбларни бирлаштиргай,  
Мардлар Йўлбошли бўлса халқларни бирлаштиргай,  
Эл дардини анлаган ўглонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин ўйлаган султоналарга тасанно.

Юз йилда бир дунёга келгай бир буюк авлод,  
Адолат бўлган мулкда кўнгиллар ҳам бўлар шод.  
Боғ яшнаб, чаман яшнаб, эл-юрт ҳам бўлар обод,  
Эл дардини анлаган ўглонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин ўйлаган қўрғонларга тасанно.

Эсгандай Зарафшону Бадахшондан шамоллар,  
Эл кўнглида уйғонур эзгу фикру хаёллар.  
Дунё тургунча тургай, ҳеч кўрмагай заволлар,  
Эл дардини анлаган инсонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин ўйлаган ўглонларга тасанно.

Оғамдирсан, инимсан, синглимдирсан жонажон,  
Гул хандон, чехра хандон, уйларингдир чароғон.

Фам күрмасин ҳеч қачон, дуо айланг, онажон,  
Эл дардинаң англаған үғлонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин үйлаган инсонларга тасанно.

Пойқадам құтлуғ дер халқ азал раҳнамолардан,  
Бошларидан нур ёғсир тоабад самолардан.  
Асрагил шу мұлқларни балою қазолардан,  
Эл дардинаң англаған инсонларга тасанно,  
Юрт тинчлигин үйлаган үғлонларга тасанно.

15.08.2018 й.



## ЎЗБЕК-ТУРКМАН МАНЗУМАСИ

Манзилу макони қуёшли, ойли,  
Тиниқ осмонлари ўзбек, туркманнинг.  
Тоғлари, даштлари ҳаволи, сойли,  
Боғу бўстонлари ўзбек, туркманнинг.

Шундай бўлди Ҳақдин бизга фармонлар,  
Жаҳонни сайр этиб кезган карвонлар,<sup>1</sup>  
Элим деб ёнсалар ботир сарбонлар,  
Марду майдонлари ўзбек, туркманнинг.

---

<sup>1</sup> "Алпомиш"дан.

Бири ҳусн бўлса, бири юздеқдир.  
Бири қош бўлса гар, бири кўздеқдир.  
Бири туркман бўлса, бири ўзбекдир,  
Чеҳра хандонлари ўзбек, туркманинг.

Оҳу десам бири тортар юзини,  
Кийик десам бири ўйнар кўзини.  
Ҳаёсин, ибосин кўргил қизини,  
Нозли жайронлари ўзбек, туркманинг.

Ўзи ҳавас айлар баҳтингга ҳаёт,  
Үйинг обод бўлса, кўнглинг ҳам обод.  
Бири Тошкент бўлса, бири – Ишқобод,  
Қасру кўрғонлари ўзбек, туркманинг.

Ёлғиз отнинг донғи чиқмайнин тўзар,  
Оқил зотлар Ватан қуриб, эл тузар,  
Бирлашмаган тўзар, бирлашган – ўзар,  
Аҳду паймонлари ўзбек, туркманинг.

Навоий куйлаган вафо гулини,  
Туркман ҳам сийламиш очиб кўнглини,  
Ўзбек ҳам ёд айлар Махтумқулини –  
Шеъру достонлари ўзбек, туркманинг.

Толеинг шу күтлүг замонлардадир,  
Боболаринг шони ўглонлардадир.  
Бугун жаҳонаро, жаҳонлардадир –  
Сайру жавлоңлари ўзбек, туркманнинг.

Оламни лол этган ҳайрати бордир.  
Саодати бордир, санъати бордир.  
Кетмас бўлиб келган давлати бордир.  
Давру давронлари ўзбек, туркманнинг.

2013, 2017

## ЎЗБЕКНИНГ НУРЛИ БОЛАСИ

---

ФИФА ҳаками Равшан Эрматовга

Миллён ўзбек боласин кўзини чақнатолган,  
Яна шунча боланинг кўнглини яшнатолган,  
Жаҳон майдонларида юрт номини янгратиб,  
Жаҳон майдонларини ўрнидан қўзгатолган.  
Оlam аро ному шон қозонмоқ осон эмас,  
Ўғлонинг мард бўлмаса – майдонинг майдон эмас.

Ер шари ҳам коптоқдай азал юмалоқ келган,  
Менинг бобом энг аввал уни думалоқ деган,

Ал-Фарғоний, Беруний боболаримдан буён  
Бу дунё бир тўп мисол гоҳ у ёндири, гоҳ бу ён.  
Вақт – энг олий ҳакам, бу гапим ёлғон эмас,  
Ҳеч ким Вақт мисоли ҳакамлик қилиғон эмас.

Султон Улуғбек токи Ер узра чекди рақам,  
Юлдузлар рафторига илк бор бўлолди ҳакам.  
Оlam аҳли билгувчи бор менинг гувоҳларим –  
Бухорий боболарим, Темурний боболарим.  
Султонларим шунчаки бек ва ёки хон эмас,  
Уларни билмаганлар башар ё инсон эмас.

Марказий Осиё бу, яъни Ўрта Осиё,  
Коинотдан боқсанг гар бу юртдан порлар зиё.  
Самарқанду Бухоро – тамаддун маъвосидир,  
Улуғ эл заковати, тафаккур туғросидир.  
Асрлардан нур сочиб бекорга келгон эмас,  
Бу – миллат тимсолидир, шаҳар ё қўрғон эмас.

Демак, олам аҳлига қадрдан қошу кўздек,  
Жаҳон майдонларида довруқ солса бир ўзбек –  
Миллён элдошлар билан қувнар жону жаҳоним,  
Эй, менинг она юртим, менинг ота маконим,  
Оламга сайру гаштим – шунчаки жавлон эмас,  
Ғурур ҳам ифтихорим – шунчаки достон эмас.

Бу оламнинг авзойи гарчи турфа-турфадир,  
Унинг энг соз, энг қизиқ, кайвониси ФИФАдир.  
Сенинг феълингни отанг, ҳар ёр, ҳар ошнанг айтсин,  
Мессиларга кўрсатган “сариқ карточканг” айтсин.  
Ҳакамлик – ҳалоллиқдир, бошқа сўз имкон эмас,  
Адолатдан ўзгаси бунда ҳукмон эмас.

Ҳаёт нурга чулғанар тинч, ёруғ тонглар ота,  
Тошканча чойдан қуйинг, демак, Сайфиддин ота.  
Равшан – ёруғлик демак, кутлуғ бу давру даврон,  
Қандингни ур, Равшанжон! Қандингни ур, Равшанжон!  
Ватандин айро давру давронинг даврон эмас,  
Элга нафи тегмаса – ўғлонинг ўғлон эмас!

2014

## МАРДИ МАЙДОН ЎГЛОНОЛАР

---

Олимпиада голибларига

Фалабалар ўз-ўзидан берилмайды,  
Дунё бизга беҳудага керилмайды.

Бир муштингда элу юртнинг құдрати бор,  
Мекнатлари, машаққати, заҳмати бор.

Бириң қүёш, бириң յолдуз, бириң ойсан,  
Диёрбексан, Бектемирсан, Ҳасанбойсан.

Файратингни қўрди Овро, Осиёси,  
Билди дунё, билди Рио Жанейроси.

Нону тузин ҳалол этган қалбларингдан,  
Айланайин андижонча зарбларингдан!

Қай бир инсон ўз-ўзидан танилгайдир –  
Азал-азал мард майдонда синалгайдир.

Ўз боламсан, курашларда кўкрак керган,  
Сен Рустами достондирсан Тошкент берган.

Бир шаҳдингда юртнинг еру осмони жам,  
Қадим элнинг асрий орзу-армони жам.

Ғалабалар осонликча берилмайди,  
Олтин-кумуш кўча-кўйдан терилмайди.

Не зўрларни шохин бураб тўнтарган – сен,  
Русландирсан, дунё юкин кўтарган – сен.

Ўз уйимда ўсган ёвкур ўз ўғлоним,  
Юз от кучин кўрсатган зўр паҳлавоним!

Ор-номус деб талашганда кўнгилларинг,  
Титраб турди бунда ука-сингилларинг.

Ай болам-ай, енгиб бўлмас ҳарбларингдан,  
Айланайин зафарларинг, зарбларингдан!

Фазлиддинсан, Шаҳобиддин – қошу кўздек,  
Кўрсатолдинг надир фарзанд, надир ўзбек.

Сени қўллаб турган етти пуштларинг бор,  
Миллат номин юксалтирган муштларинг бор.

Ниҳолимсан, майсамдирсан, лоламдирсан –  
Майдонларда ор талашган боламдирсан.

Борлигимиз – шундай Ватан бор учундир,  
Номус учун, фурур учун, ор учундир.

Лол этганинг – олам, шарку ғарбларингдан,  
Ай болам-ай, айланайин зарбларингдан!

Фалабалар ўз-ўзидан қўлга кирмас,  
Курашмасанг, дунё сенга бўйин бермас.



Алпомишнинг, Темурбекнинг авлодисан,  
Арслонюрак мард зотларнинг зурёдисан.

Юзларингда порлаган юрт қуёшидир,  
Кўзларингда ғалабанинг кўзёшидир.

Шу табаррук тупроқ бизга азал Ватан,  
Бетакрор ҳам, муқаддас ҳам гўзал Ватан.

Борлигимиз – шундай Ватан бор учундир,  
Фурур учун, номус учун, ор учундир!

Қудрат берган, шиддат берган жисму танга,  
Жонлар фидо бўлсин деймиз шул Ватанга!

Қадду бости юрт қаддини кўтарган – сен,  
Ёт элларда юрт қадрини кўтарган – сен.

Ай болам-ай, кўркам бўю қадларингдан,  
Айланайин ўзбекона зарбларингдан!

2016

## ЖОНИМ ВАТАН

---

*Сирожиiddин Сидқий Хондайлиқий  
газалига тазмин-мухаммас*

Ватан менинг ярқираган құрғон ерим,  
Ою офтоб мангу құрғон қурғон ерим.  
Эсдан чиқар бошқа ҳамма құрғон ерим,  
Ватан менинг туққон ерим, турғон ерим,  
Униб-үсиб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.

Инсонийлик деган қадим зироатлар,  
Орият ҳам ориятта риоятлар,

Шунда унган, айтсин кўхна ривоятлар,  
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,  
Тарбиятнинг биносини қурғон ерим.

Онамсан деб, изларингни кўзга суртсам,  
Болам десанг, сувларингдай мавжлар урсам,  
Тоғларингдай баланд-баланд ўйлар сурсам,  
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,  
Мангу ўйнар кўзда жавлон ургон ерим.

Жаҳон кезар жамолингга қуёш тўймай,  
Майсанг бўлиб сенинг учун нечун куймай?  
Дилимдан ҳам, тилимдан ҳам номинг қўймай,  
Жоним бирлан, таним бирлан нега сўймай,  
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юргон ерим.

Кафтларимни очиб оқшом ҳилолингга,  
Юзга суртгум камол истаб камолингга,  
Дахлорман элинг – нони ҳалолингга,  
Таъзим айлаб заҳмат чеккан чумолингга,  
Саждагоҳим, саждага бош ургон ерим.

Беҳиштларга опа-сингил фаслларинг,  
Бўй талашиб ўсган янги наслларинг,

Бунча шириң, бунча дилбар васлларинг,  
Улуғларинг асрларга қасрларинг,  
Қасрлари асрларни күргөн ерим.

Боболардан мерос меҳру шафқатимсан,  
Қатлам-қатлам илму ҳадис, ҳикматимсан,  
Матонатдан бино бўлган давлатимсан,  
Фуруримсан, орим, шаъну шавкатимсан,  
Дунё юзин шараф-шонга бурғон ерим.

Буғдой бошогидай унган сўзим – Ватан,  
Кимман ахир сенсиз мен бир ўзим, Ватан?  
Оlam аро менинг ёруғ юзим Ватан,  
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,  
Даврон кўриб, давру даврон сурғон ерим.

2011, 2016

## ЯНГИ ТОНГ. ЯНГИ КУН

---

Ўзгарар дунё мудом,  
дунёда Одам ўзгарар,  
Ўзгарар одам билан  
бу кўхна олам, ўзгарар.  
Майли, ҳар не айтса айтсин  
ўзгаларга ўзгалар,  
Оlamу одам агар  
ошкору мубҳам ўзгарар,  
Оlamу одам vale  
ҳар лаҳза, ҳар дам ўзгарар.

Эслатур юлдуз, ҳилол  
мангу ҳаёт қошу күзин,  
Бир гиёх ўзгартирап,  
боққил, бутун олам юзин.  
Бир гиёҳдай билмаса  
олам аро одам ўзин,  
Яңги ой дийдоридин  
эл шоду хуррам ўзгарар,  
Ҳар күнгилда бошланур  
Наврўзу – байрам ўзгарар.

Тонг сахарнинг елларидан  
сен сахар тур, маъни ол,  
Не учун тонг чоги ҳам  
шомда шафақлар ранги ол?  
Кўнглинг ичра не хаёлу  
кўзларингда не малол?  
Умр бοғингда яшиллик  
ранги кам-кам ўзгарар,  
Кўзларингнинг ёшидан  
баргларда шабнам ўзгарар.

Сен тирикликнинг ҳар онига  
ташаккур айлагил,  
Ҳар кунингни янги онг  
бирлан тасаввур айлагил,  
Сен тафаккур қил, тафаккур қил,  
тафаккур айлагил,  
Янги кун бирлан ҳаётда  
ташвишу ғам ўзгарар,  
Офтоб порлар дилингда,  
ундаги шам ўзгарар.

Янги орзулас, умидлар,  
янги жому янги ком,  
Янги йўл очгил ўзингга  
сен яратгил янги ном.  
Эҳтиром келтир элингга,  
токи топгунг эҳтиром,  
Дилда мақсад гар улуғдир,  
шахс шаҳдам ўзгарар,  
Жидду жаҳд ҳам ўзгарар,  
босган қадам ҳам ўзгарар.

Яңги тонгу яңги күн  
яңги хаёлдай бокира,  
Элда қанча ўзгаришлар.  
қанча нурли хотира.  
Элу юрт ўзгарди, сен  
ўзгармасаң бўлмас сира,  
Кўргил, эй болам, бу олам,  
қанча одам ўзгарар,  
Қанча одам ўзгарар,  
ҳар лаҳза олам ўзгарар.

2015



## **ВАТАН УЧУН. МИЛЛАТ УЧУН. ХАЛҚ УЧУН**

---

Бу дунёда кураш кетар туну күн,  
Хар қарич онг, ҳар бир қарич қалб учун.  
Үйғон, болам, эңг бебаҳо баҳт учун –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Жаҳолатнинг байроби ҳам қорадир,  
Инсон яшар ёруғлик барҳақ учун.  
Хар ўғил-қиз, билсанг, жигарпорадир –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ошу нон деб ном сотганлар, аё, сиз,  
Үйламангким рўзгорлари талх учун,

Кураш кетар тинимсиз ва аёвсиз –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Разолат тинч турмас ахир ҳеч қачон,  
Отланғандай ҳар тонг ҳарбу зарб учун,  
Хүшёр бўлгил, бедор бўлгил, болажон –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Боболаринг хокин бориб суриштири,  
Туғларию турроларни кўр кучин:  
Умрлари бошдан-оёқ курашдир –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Маърифатдан нажот изла, иста ком,  
Ўқиган ҳар бир китобинг бир устун,  
Бир қўргондир, мустаҳкам бир истеҳком –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Давр сендан шиддат кутар, жадал қил,  
Ёш жонингга шунча таҳдид, хавф учун,  
Умрингни ҳар онин жангу жадал бил –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Шу миллатнинг кўрки сенсан, нақши сен,  
Жисму жонинг сафарбар эт, қалқ бутун.

Ёвузликка ўзинг тургин қарши сен –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Элнинг шаъну шавкати ҳам зиёси  
Сўнмас асло то бор экан бу очун.  
То уйғоқдир ҳар бир кўзи қароси –  
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

2017



## **МАНЗУМА**

---

Топмадим истаб жаҳонда  
сен каби зебо Ватан,  
Сен жаҳон ичра биҳиштим,  
сен жаҳоноро Ватан.

Боғларингда қумрилар  
кўнгилларимдай яйраюр,  
Қайда булбул бўлса бари  
сенгадир шайдо Ватан.

Қуллуғингга ер ўпіб  
ул етти осмонинг тушар,  
Мангу уйғоқ руҳларидин  
мангу руҳафзо Ватан.

Оlam ичра тикладинг қад  
давру давронинг келиб,  
Оlam ичра марди майдонинг  
букун пайдо Ватан.

Сувларингнинг мавжларидин  
мавжланур кўнглим менинг,  
Сўз аро уйғоқ ўтурман  
мен бўлиб дарё Ватан.

Сен менинг жисм ичра жоним,  
ジョンим узра сен жисм,  
Мен яшолмам ҳеч қачон  
сендин жудо, айро Ватан.

Сен буюқдирсан азалдан,  
сен буюксан то абад,  
Сен ўзингдан сен ўзингни  
айладинг барпо Ватан.

Токи шаъну шавкатинг бор  
давлатинг кам бўлмагай,  
Давлатинг кам бўлмасин  
дунё аро дунё Ватан.  
Бу жаҳонда эл кўп-у,  
ёру диёр мўлдир, валек,  
Сен ўзинг таҳо Ватан,  
таҳо Ватан, таҳо Ватан.

2012, 2016

## **ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ**

---





Янги давру замон қасри  
    ўз-ўзидан бино бўлмас,  
Ўз-ўзидан ҳеч бир дилбанд  
        Беруний ё Сино бўлмас.  
...Ўз уйингдай, ўз юртингдай –  
    Кўз қорангни ўзинг асра,  
Дилпоранг ҳам жигарбандинг,  
    Ўз болангни ўзинг асра.



Шу миллатнинг кўрки сенсан, нақши сен,  
Жисму жонинг сафарбар эт, қалқ бутун.  
Ёвузликка ўзинг тургин қарши сен –  
Ватан учун, миллат учун, ҳалқ учун.

## ЎЗ БОЛАНГНИ ЎЗИНГ АСРА

---

Ўз уйинг – ўлан тўшагинг,  
Бўстонинг бор, чаманинг бор.  
Асрлар келар яшагинг,  
Боқиб тўймас Ватанинг бор.  
Ота-бобонг хоки шунда,  
Номус-оринг боқий шунда.  
Тоғу тошинг, еру сувинг,  
Шалолангни ўзинг асра.  
Ўй уйингни асра ўзинг,  
Ўз болангни ўзинг асра.

Янги давру янги замон  
    Үз-үзидан замон бўлмас,  
Раҳнамо то йўл кўрсатгай  
    Эл-юрт ҳоли ёмон бўлмас.  
Бу дунёда қолар изинг –  
    Қанду новвот ўғил-қизинг.  
Ўз уйингдай, ўз юрtingдай –  
    Қўз қорангни ўзинг асра.  
Дилпоранг ҳам жигарбандинг,  
    Ўз болангни ўзинг асра.

Оlam – ёнгин, olam – tutun,  
    Bormi bирор бағри бутун?..  
Ироқдан то Шому Қатар  
    Ёйилмиш бир хавфу хатар.  
Ўзинг бунёд этиб келдинг,  
    Ўзинг барбод этиб келдинг,  
Курол-яроғ дунёсида  
    Гуллолангни ўзинг асра.  
Асраб бермас сен-чун бирор,  
    Ўз болангни ўзинг асра.

У бир кўчат, бир навниҳол,  
    Эгилгай сал эсса шамол.  
Жаҳолат куч шайлаб турар,  
    Шу болангни пойлаб турар.

Унга китоб-дафтар бергил,  
Бир қўлига капитар бергил.  
Қанча орзу-ҳавас, умид...  
Бўлмай десанг юзим шувут.  
Мисли қошу кўзинг асра,  
Ўз болангни ўзинг асра.

Ватан севмоқ – иймон асли,  
Диёнатдир, диёнатдир.  
Бир нобакор зурёдинг лек  
Шу Ватанга хиёнатдир.  
Тўғри фарзанд ўстирмоқ ҳам  
Жасоратдир, матонатдир.  
Болангдан бир ўғлон ўстир.  
Иймон ўстир, ирфон ўстир.  
Ҳеч қандай куч емиролмас  
Қўргон ўстир, қўргон ўстир.  
Термизийлар тупроғи шу,  
Бухорийлар уртоғи шу –  
Ер юзига ҳикмат эккан  
Сулолангни ўзинг асра.  
Ўз болангни ўзинг асра!  
Ўз болангни ўзинг асра!

2017



## УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ НОМИДАГИ ИЖОД МАКТАБИДА

---

Адабиёт мактаблари –  
адаб ва ёд мактабидир,  
Устозлардан бизга ёдгор  
абадий ёд мактабидир.  
Ўтди қаттол тузумларнинг  
не-не жабру ситамлари,  
Адабиёт мактаблари –  
сабру сабот мактабидир,  
Қанча орзу-армон,  
қанча оҳу фарёд мактабидир.

Юрт эгаси сўз аҳлига  
лутф айлади ўшал кун:  
Бўлганми ҳеч бундай кўркам  
богу бундай гўзал кун?!  
Парвоз этинг Ватан учун,  
миллат учун, халқ учун!  
Адабиёт мактаблари –  
янги авлод мактабидир.  
Янги давру замонларнинг  
янги ҳаёт мактабидир.

Гулханийлар ёқиб кетган  
гулханларда сен исин,  
Қайта-қайта ёд ол, ўрган  
Бобур, Фурқат қиссасин.  
Жон-жонингга жойлаб ўсгин  
Ватан ҳиссин, юрт исин,  
Муқимийлар мангум макон  
топған аждод мактабидир.  
Меҳр қўйган ҳар китобинг  
ўлмас ижод мактабидир.

Жаҳон ичра қаролик кўп,  
кўпдир журму жаҳолат,  
Таҳдид айлар ёш қалбингга  
қанча қаҳру қабоҳат.

Ибрат бобо мактабидан  
ибрат ўрган, маҳорат,  
Саксон ёшда “халқ душмани”  
бўлган зот мактабидир,  
Чўлпонларин умри барбод,  
хайру ёд мактабидир.

БундаFaфур Fуломларнинг  
оруланган жони бор,  
Кўнгил деган сиёҳдондан  
томган сиёҳ – қони бор.  
Икки юз минг зор етимнинг  
чинқириқ-афрони бор.  
Нондай азиз, жондай азиз  
Хотирот мактабидир,  
Фикру ёд қил, фикру ёд қил –  
фикру ёд мактабидир.

Демак, устоз Эркин Воҳид  
мактабига толибсан,  
Илк сабогинг эзгуликнинг  
боғбонидан олибсан,  
Ёдингда тут: ҳаётингда  
гар мағлуб ёғолиссан –  
Умрлари курашларда  
кечган авлод мактабидир,

Ойбек домла, Қаҳҳор домла,  
домла Озод мактабидир.

Бир замонлар айтгандайин  
устоз Ҳамид Олимжон:  
Эй Фаргона, эй баҳтларни  
улғайтирган онажон!..  
Бу боғлар бир боғлар бўлди,  
эй Зулфия, опажон!  
Шаҳду шакар ўғил-қизлар –  
қанду набот мактабидир,  
Янги шеъру янги газал,  
янги баёт мактабидир.

Бу маъвода ҳар дарсингни  
“Хазойин ул-маоний” қил,  
Қадри баланд эл ўғлисан,  
эл номин осмоний қил.  
Жаҳоний қил, юртнинг шаъну  
шавкатини жаҳоний қил,  
Ҳалокатли олам аро  
таңҳо нажот мактабидир,  
Огоҳ бўлгил, бу “ё ҳаёт ва  
ё мамот” мактабидир!



## ШАРАФ ЙҮЛИ

Шароф Рашидовнинг 100 иллигига

Темурхонлар шажарада турганда,  
Регистонлар панжарарада турганда,  
Дунё уруш ханжарида турганда,  
Самарқандда ижарада турганда –  
Нонуштага чой бўлса, нон бўлмаган,  
Билим олиш ҳеч вақт осон бўлмаган.

– Онаси, – деб уй эгаси куйиниб, –  
Яхши қара, қолмасинлар ўксиниб,  
Шу болалар одам бўлиб бир куни  
Кўтаргайлар Ўзбекистон юкини...

Ўз-ўзидан ҳеч ким инсон бўлмаган,  
Одам бўлиш доим осон бўлмаган.

Ҳар ким гарчи ўз даврига фарзанддир,  
Энг аввало, ўз халқига дилбанддир.  
Жисму жони ўз юртига пайванддир –  
Бирга totар оғуми ёки қанддир,  
Fурбатсиз ҳеч кавну макон бўлмаган,  
Элу юртга ҳаргиз осон бўлмаган.

Жиззахда бир умр кўрган доно бор,  
Ўриш малим, яъни Ўриш бобо бор.  
Шундан сўранг – қанча дарду бало бор,  
Айтиб берар неки жабру жафо бор.  
Юрак-бағри бекорга қон бўлмаган,  
У замонда яшаш осон бўлмаган.

Донишманд зот, оқил давлат раҳбари,  
Сиймосидан кўринган қалб гавҳари.  
Мехнатлари, заҳматлари, дардлари –  
Оқ пахтадай оқармишdir соchlари.  
У пайт ҳали олтмишга ҳам тўлмаган,  
Элбошига асло осон бўлмаган.

Ҳар қисмат ҳам асли Худодан ато,  
Қаттол тузум хуруж қилган бир пайтда,


Азим Тошкент, шундай катта пойтахтда  
Ўзининг ҳам уйи йўқ экан ҳатто!  
Ким айтар тухмату бўхтон бўлмаган?  
Шароф отага ҳам осон бўлмаган.

Замон оғир юқдир, замон оғир тош,  
Йўлбошчига умрий йўлдош ва дилдош,  
Ёстиқдош эмасди, асли – оғриқдош,  
Хурсаной аянинг кўзи жиққа ёш...  
Ким айтар аламдан гирён бўлмаган?  
Умр йўли асло осон бўлмаган.

Матонат дарси бу. Қадру қимматин  
Олий фармонларда кўргил хислатин.  
Юз ийллик шарафнинг ҳурмат-ҳикматин  
Минг насллар олар ҳали ибратин.  
Шараф бўлса бекорга шон бўлмаган,  
Шараф йўли асло осон бўлмаган.

Юрт шаънин кўтариб шавкатли зотлар,  
Жаҳон майдонида сурганда отлар.  
Элнинг улуугларин янги авлодлар  
Шаънин юксалтириб, номларин ёдлар.  
Ҳеч бир даврон бундай комрон бўлмаган,  
Бу кунларга етмоқ осон бўлмаган.

2017 йил, 2 ноябрь



## ИККИ УСТОЗ ХОТИРАСИ

---

Э.В. (1936–2016). А.О. (1941–2016)

Бугун соғинчларим тоғу сойдадир,  
Эңг яқын, құл етмас олис жойдадир,  
Демангиз ё Ҳирот, ё Хитойдадир.  
Үртамизда энди икки дунё бор –  
Икки устозим ҳам Чифатойдадир.

Тириклик чоғлари жавраб үртадик,  
Гоҳ алдаб, гоҳида авраб үртадик.  
Бир-бировга қоҳлар ковлаб үртадик,

Зўр карвон йўлида етим бўтадек<sup>1</sup> –  
Энди дилларимиз оҳу войдадир.

Энди асқотмагай бизнинг саломлар,  
Ширин қаломлару таскин қаломлар.  
Ойбек ётар бунда, Faфур Fуломлар –  
Соҳибқаламлару соҳибқаломлар.  
Барча буюкларим бир саройдадир.

Улуғлар миллатга ифтихор доим,  
Қалби улуғларга дунё тор доим.  
Бундайин қалбларга миллат зор доим,  
Кечир, барчамизни кечир. Худойим,  
Бир қисмат гар шоҳ-у, гар гадойдадир.

Ёшлик замонимда ҳолим танг эди,  
Бири достонимни чиқарган эди,  
Бири маломатдан қутқарган эди,  
На ердан, на кўқдан топгайман энди,  
Билдим бор ҳаётим не авзойдадир.

Бизнинг вужудимиз, умримиз нима –  
Бир қалқиб, чайқалиб кетгувчи кема.

---

<sup>1</sup> Faфур Fулом сатри.

Хоҳла ғамларин е, хоҳласанг ема,  
Дўстим, зўрлар кетиб мен зўрман дема –  
Бор-йўғинг бир камон ё бир ёйдадир.

Кечикдим йўқлову шитобларимда,  
Дастхатлари қолмиш китобларимда.  
Ором йўқ на хушим, на хобларимда,  
Бўзлаб чорласам-да хитобларимда,  
Келмаслар на йилу ва на ойдадир.

Қани дейман, қани икки янгроқ соз,  
Икки хайриҳоҳ зот, бағрикенг устоз?  
Овозлари келмас, етмагай овоз,  
Борсам икки дўнглик олгайдир пешвоз –  
Хоклари кўзёшдан сомон-лойдадир.

Устоз Эркин Воҳид, Абдулла Ориф,  
Энг олий даргоҳда турибсиз бориб –  
Ўзнимас, унда ҳам бизни қутқориб,  
Айбу гуноҳимиз Ҳақдан ёлбориб.  
Энди бори ҳукм бир Худойдадир...

2016

## КИТОБХОНЛИК

---

Дунёда ҳар хил гаплар. Асосан – ҳарбу зарблар,  
Оlam ҳеч вақт бундайин ур-сурни кўргани йўқ,  
Болам, хушёр бўл ҳар дам, чўпчак эмас бу хавфлар:  
Дунё ҳали бир кун ҳам бир зум тинч тургани йўқ.  
Наҳотки одамзоднинг одамзодга қолганда  
Дийдалари тош қотиб, бағирлари тошланди?  
Дунёда меҳрсизлик оммавий тус олганда,  
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошлианди.

Шавкатли улуғ зотлар ўз халқи, миллатига  
Фурур келтирган доим, шаъну шавкат келтирган.  
Боқсанг агар бу халқнинг тафаккур, тийнатига –

Оlamга фақат илму маънавият келтирган.  
“Китобга қайтиш керак!” деган сўзлар шу олий  
Минбардан янграганда нечун кўзинг ёшланди?  
Дунёга бок: сарсондир қанча халқу аҳоли,  
Бизда эса оммавий китобхонлик бошланди.

Ер юзида жаҳолат бекор турмас ҳеч қачон,  
Разолат ҳам ногаҳон оммавий хуруж бошлар.  
Оммавий имонсизлик ном олмишdir – оломон,  
Шу оломон ҳар жойда ҳар доим шўриш бошлар.  
Мехру мұхаббат деган кийиклару жайронлар  
Қай элларда сўйилиб, териси ҳам ошланди.  
Ётпасига ов кетар Ер юзида, ёронлар,  
Бизда эса оммавий китобхонлик бошланди.

Надир асли билсангиз оммавий маданият –  
Маданиятсизликдир, дидсизликдир оммавий.  
Бу оғат қирилсин дер қалбларда маънавият,  
Ҳаёсизлик бўлсин дер умумий ва ҳаммавий.  
Билим ҳеч вақт ҳеч қачон келтирмаган ёмонлик,  
Нур таралгай китобга ошно кўзу қошлардан.  
Бизнинг юртда – ободлик, бунёдкорлик, омонлик,  
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланган.

Сингилжон, мактабларга юбор болангни шитоб,  
Бу ёруғ синфхоналар – мунаvvар йиллар бўлгай.

Сен бугун меҳр билан очган ҳар дафтар, китоб –  
Ҳар бир ўғил-қизингга нурафшон йўллар бўлгай.  
Кўрдим илк бор нон эмас – бўлди китоб талошлар,  
Гинахонлик ўрнига одобхонлик бошланди.  
Китоб излаб қолдилар бор қавму қариндошлар,  
Бизнинг уйда ҳам ялпи китобхонлик бошланди.

Бизда гарчи оммавий қирғин куроллари йўқ,  
Умумбашарий илму ирфон бордир азалдан.  
Навоий бобо айттан шеърдан титраб еру кўк,  
Оlam ёнмиш Ҳазрати Бобур битган ғазалдан.  
Тамаддун осмонида биз ёқсан қандилларнинг  
Зиёсидан бор олам то абад қуёшланди.  
Эй дунё, кучайганда оммавий таҳдидларинг,  
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланди.

Бутун мамлакат гўё улкан кутубхонадир,  
Шаҳру кенту қишлоқлар – ҳаёт, тириклиқ, турмуш –  
Ўттиз миллёнлик миллат Ватан деб уйғонадир,  
Ўттиз милёнлик миллат маърифатга юз бурмиш.  
Офтоб олтин китобин очар ҳар тонг, ҳар саҳар,  
Элу юртнинг умиди – ўсаётган ёшлардан.  
Интернетжон, сен нотинч дунёга ёйгин хабар:  
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланган!..

## КИТОБ ОЛИНГ

---

(“Бозор ижодиёти”дан)

Отчопардан кимхоб олинг,  
Не бўлса – беҳисоб олинг,  
Аммо қайтар чоғингизда  
Биттагина китоб олинг.

Ўрикзордан кошин олинг,  
Сиргалидан мошин олинг,  
Жаҳолатнинг бошин олинг,  
Биттагина китоб олинг.

Юз минг турлик шароб – сизга,  
Палов – сизга, кабоб – сизга,  
Оҳ чекурман қараб сизга,  
Биттагина китоб олинг!

Сиз улуғсиз қорин билан,  
Қази-қарта, норин билан,  
Дилга ҳам бир азоб олинг,  
Биттагина китоб олинг.

Енг шимариб “хўш” дегайсиз,  
Ошу нону гўшт дегайсиз.  
Маърифат деб савоб олинг,  
Биттагина китоб олинг.


Дўкон қилинг, маркет қилинг,  
Уйларни ҳам паркет қилинг,  
Сиз ҳам бир изтироб олинг –  
Биттагина китоб олинг.

Умр ўтар – елиб қолинг,  
Юлиб қолинг, олиб қолинг,  
Оқар сувдан хитоб олинг,  
Биттагина китоб олинг.

Кимлар қолар изингизда,  
Тик қаролмай юзингизга?  
Аввал ўғил-қизингизга  
Биттагина китоб олинг.

Худо хайрингизни берсин,  
Яна умрингизни берсин,  
Үйингизга офтоб олинг –  
Биттагина китоб олинг.

2007, 2017



## НАЗМ ТОГИДА

---

*Ранж тогин қозмоқ аниңг пешаси  
Тоги аниңг назму тили тешаси.*

Алишер Навоий, “Хайрат ул-аброр”  
“Бешинчи наът”

Ўйлама беҳиштнинг чаман боғидир,  
Ё сўлим соҳил, ё дашт тупроғидир,  
На боғу бўстоннинг гул қучогидир –  
Назм тоғидир бу, назм тоғидир.

Назм тоғидир бу – энг қадим ёддай,  
Қоялар гўёки мунағазир диллар.

Бунда заҳмат чекиб кўҳкан<sup>1</sup> Фарҳоддай  
Назм эли туну кун сўз қазийдилар.

Бунда роҳат бўлмас, бўлмагай ором,  
Қийнарлар ўз жисму ўз жонин фақат.  
Юрак-бағирларин айлаб туриб жом,  
Шоирлар ичгайлар дил қонин фақат.

Қазиш осон эмас сўз харсанѓларин,  
Тафовут бўлмагай тун билан кунда.  
Шеърнинг шўху шингарф ранг, оҳангларин  
Гиёҳлар, жилғалар бергайлар шунда.

Дараю форларда беному нишон  
Не зотлар рўшнолик кўрмай ўтдилар.  
Минг йил олдингидай тақлидчи, гапдон,  
Гердайиб юрибди фаранг тўтилар.

Жангал, бешаси<sup>2</sup> кўпроҳу манзилнинг,  
Бу тоғнинг йўлбарсу кийиклари бор.  
Сўз доғини тортган ҳар вола дилнинг  
Лола доғи янглиғ қуюклари бор.

---

<sup>1</sup> Кўҳкан (форс.) – тоғ қазувчи.

<sup>2</sup> Беша (форс.) – тўқайзор, ўрмон.

Гоҳи зар тўқилгай, гоҳи қум-кукун,  
Ҳар ким ҳам интилгай чўққига қараб.  
Бунда жон берилгай ҳар бир тош учун,  
Қон билан ёзилгай ҳар ному насаб.

Юксалиб боргайдир бу тоғ бош узра,  
Дил бунда болға-ю, тил теша бўлгай.  
Майда маъдантош ё чақмоқтош узра  
Минг бир мاشаққату андиша бўлгай.

Ким мўмиё излар, кимдир қор кураг,  
Тоғ узра осмон ҳам чексиз ва мовий.  
Юксак чўққилардан жилмайиб тураг  
Низомий, Дехлавий, Жомий, Навоий...

2015



## ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ

---

Талабалар келмоқдадир, талабалар.  
Уйғоқликни замон ўзи талаб айлар.  
Ёшлик – гул ва шабнам фасли,  
Тонгдир фақат – шом бўлмагай.  
Йигитлиқда таътил бўлмас,  
Дам бўлмас, ором бўлмагай.  
Дунё бизга саволинг кўп,  
саволингдан малолинг кўп,  
Кўнгилларни йўлдан урар  
пасту баланд хаёлинг кўп.

Разолатнинг қўли азал  
куроллик ҳам тошлиқ келар,  
Жаҳолатга қарши аммо  
соғлом, бардам ёшлиқ келар.

Жаранг торлар тортилгандай  
она Ватан осмонида,  
Талабалар дарс ўтмоқда  
Мустақиллик майдонида.  
Шаҳидлар хиёбонида  
ҳам Хотира майдонида  
Элу юртнинг мангу сўнмас  
номлари ҳам тонглари бор,  
Ватан учун фидо бўлган  
фарзандларнинг шонлари бор.  
Жоним укам, сен завқ билан  
ўқиётган шу китобга  
Мен ҳам жон деб тармашардим,  
Шу китобга бор умримни  
иккиланмай алмашардим.  
Курсдош қизлар зулфларида  
занжир-занжир ҳалқалар,  
Талабалар келмоқдадир, талабалар.

Ёшлик мендан кетди десам,  
ёшлик асли сизда экан,  
Менинг меҳру муҳаббатим  
сиздай ўғил-қизда экан.  
Билим асли саодатлар,  
омадларга гаровдир,  
Хаёт бошдан-оёқ кураш,  
имтиҳондир, синовдир.  
Ким айтибди бу дунёда  
мол-дунё зўр, бойлик зўр?  
Эй Вақт, сендан сенга навбат  
бермайдиган ёшлик зўр!

“Китобсиз келажак йўқ...” –  
Улуғларнинг сўзицир,  
Бу башорат эл матлаби,  
келажакнинг кўзицир.  
Азим пойтахт тўлиб-тошар  
завқ, суур, шараарларга,  
Ёшлик чоғлар ўхшар нурли,  
нурафшон сафарларга.  
Енголмагай ҳеч қандай куч  
бу қудрат – бу ёшларни,  
Юрт кўксига қўндиргайлар  
порлаган қуёшларни.

Замон ўзи зўр бўлинг деб  
ҳар лаҳза талаб айлар,  
Талабалар келмоқдадир, талабалар –  
Ҳаёт учун янги-янги сарлавҳалар,  
Ватан учун буюк-буюк  
Ғалабалар келмоқдадир, ғалабалар!

2015, 2017

## КИМ ТИЛНИ БИЛУР – ЭЛНИ БИЛУР

---

*Аваз Ўтар газалига мухаммас*

Гар ушбу Ватан бизга азал ота макондур.  
Султонларидин шаъни анинг рўйи жаҳондур.  
Ким тилни билур – элни билур, шонига шондур,  
Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситай робитаи оламиёндур<sup>1</sup>.

То ёғмасалар бошингиза таънаю тошлар,  
Тошдин ҳам қаттиқ бўлгусидир илм ила бошлар.

---

<sup>1</sup> Оламиён (форс.) – олам аҳли

Эй сиз, қоракүзу қорасочу қорақошлар,  
Файри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар билаки андин аёндур.

Бўлмас кишига кўрку ҳусн сўзни гулидек,  
Ҳар тилни билув – дилни билув, дилни – элидек,  
Тилни йўли ҳам шоҳ жаҳонгирни йўлидек,  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они файрат этинг, фоида кондур.

Ҳақ сизга берибмиш сувингиз ҳам далангизни,  
Ўз боғингизу, қир-адирингиз, лолангизни,  
Тенг айлаб жаҳон аҳлига куч-ҳафсалангизни,  
Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.

Умр ўтгусидур сув каби ё сувдаги хасдек,  
Дилбандларингизнинг бари дарёйи ҳавасдек,  
Илм олмасалар умр бўлур тийра қафасдек,  
Зор ўлмасун онлар даги тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

2007

## МАЪРИФАТ ҚАСРИ. МИЛЛИЙ КУТУБХОНА

---

Менинг боболарим – бу кавнү макон,  
Ой, қуёш, кечаю қундузлар қадар,  
Етти иқлимдан то замину замон,  
Энг кичик илдиздан юлдузлар қадар.

Заррадан то авжи коинотгача  
Қадамлаб, вараклаб ағдариб чиққан.  
Етай деб энг буюк синоатгача  
Фақат илму ҳикмат ахтариб чиққан.

Дунёга не зотлар келиб кетмади –  
Кимлар тож кийса, ким тахтлар ағдарган.

Агарчи тубига ҳеч ким етмади,  
Менинг боболарим китоб ахтарган.

Сенинг каломингни, ё қодир Оллоҳ,  
Сарфу нахвигача ёдлаб чикқанлар.  
Оlam хоқонлари йигса зар, тилло,  
Менинг султонларим китоб йиққанлар.

Энг кўхна китобдир бу қадим олам,  
Ибрату меҳнатдан иборат бўлган.  
Буюк Амир Темур салтанати ҳам  
Илму маърифатдан иморат бўлган.

Заминга сифмади ул шаъну шавкат,  
Ақлу заковатнинг қутб хонаси –  
Самовотга кўчди агадулабад  
Султон Улугбекнинг кутубхонаси.

Менинг боболарим – буюк қалбларсиз,  
Номингиз тарихим, сабрномамдир.  
Жаҳонни забт этган ҳарбу зарбларсиз  
Бул менинг жаҳонгир “Бобурнома”мдир.

Букун Амриқою, Лондону Париж,  
Ер узра сочилган китобларим бор.

Ўлчаб чиқсам агар қаричма-қарич,  
Овро Осиёда хитобларим бор.

Ортга қайтарсам бор тафаккуримни,  
Брунодан токи Беруний қадар.  
Бир фахр чулғайди тасаввуримни,  
Жаҳон харитаси сингари шажар.

Демак, барпо бўлди маърифат қасри,  
Юксак меъморий дид, заковат билан.  
Бу янги, мустаҳкам қўрғондир асли  
Мангу курашгувчи жаҳолат билан.

То билим бор экан – эл топмас завол,  
Тарбият биноси ҳеч кетмагай дарз.  
Бунда авлодларга баҳш этиб камол,  
Ҳазрат Навоийнинг ўзи ўтгай дарс.

2011



## МАЪРИФАТ ҲУДУДИ

---

*Профессор Абдураҳим Манноновга*

Маърифат – ҳамма вақт, замину замон,  
Энг қадим манзилу маконларчадир.  
Майдони – тахминан Ер сайёраси,  
Энг ками Турону Эронларчадир.

Бир томон – Хурросон, бир томон – Ёпон,  
Кўз илғамас сахро, чўлу биёбон.  
Бир ёни Ҳиндистон, яна бир томон  
Чин-Мочинга кетган карвонларчадир.

Қадим туркий забон, форсий забон бу,  
Самарқанд, Ҳироту Мозандарон бу,  
Ҳофизни афв этган Соҳибқирон бу –  
Васфи беш асрлик давронларчадир.

Бунинг оддий номи илмдир, яъни  
Меҳнату заҳматдир бунда бор маъни.  
“Зижки Кўрагоний”, Расадхонани  
Шарҳи Ер қаъридан кайҳонларчадир<sup>1</sup>.

Игна билан қудуқ қазиган зотлар,  
Устурлоб, ал-жабр тузган аждодлар,  
Билим қояларин узган Фарҳодлар –  
Шаъни “Хамса” янглиғ достонларчадир.

Амир Ҳусрав бобо айтмиш бир замон:  
Маърифатсиз инсон – қуёшсиз осмон.  
Гарчи ўтса ҳамки неча бир даврон,  
Бу сўзлар офтобу осмонларчадир.

Одамзод гўё забт этгандай бўлар,  
Забт этиб тубига етгандай бўлар,  
Асли бир мўралаб кетгандай бўлар,  
Дунё илмлари уммонларчадир.

---

<sup>1</sup> Кайҳон (форс) – космос, коинот.

Шунча юкни олиб аллома одам,  
Сокин ва улуғвор ташларкан қадам,  
Мураббий зотларнинг шогирдларин ҳам  
Мақоми мустаҳкам қўрғонларчадир.

2014

## **МУАЛЛИМЛАР МАНЗУМАСИ**

---

Билим боғига боғбонсиз, муаллимлар,  
Шараф тоқига нарвонсиз, муаллимлар.

Ҳаёт порлоқдир илму маърифат бирлан,  
Чароғсиз ҳам чароғбонсиз, муаллимлар.

Синолар кашф этиб кетган синоатлар,  
Башар дардига дармон – Сиз, муаллимлар.

Заковат кемасига Берунийнинг ҳам  
Ўзингиз илк уммонсиз, муаллимлар.

Жаҳон осмонига Султон Улугбекни  
Узатган илк осмонсиз, муаллимлар.

Навоий қайдин олмиш нуктадонликни?  
Зариф ҳам жонли девон – Сиз, муаллимлар.

Билим – мангу хазон бўлмас зироатдир,  
Ўзингиз мангу дехқонсиз, муаллимлар.

Жаҳолатдин қутулгай бир куни олам,  
Метин қўргону посбонсиз, муаллимлар.

Гулу чечакларингиздир ўғил-қизлар,  
Туну кун сиз нигоҳбонсиз, муаллимлар.

Улуғсиз, хоксору камтариндирсиз,  
Дилу жонсиз, қадрдонсиз, муаллимлар.

Буюк устоз – Ватандир, ота юрт асли,  
Она юрт, Ўзбекистонсиз, муаллимлар.

2014



## АДАБИЁТ

---

Биринчи китоби чиққан шоур укаларимга

Гарчи бўлмас оламда қари, ёш Адабиёт,  
Ё бебош Адабиёт, ёки Бош Адабиёт.  
Кўкламдай гулталошу дилталош Адабиёт,  
Илк китобингиз кўриб айтса бўлгай бемалол:  
Адабиёт кексаймас, мангу ёш Адабиёт.

Илк китоб – умрингизда бу ilk катта қадамdir,  
Инсон умри агарчи бир чақин ё бир шамdir,  
Асрларга етар Сўз – бир нафасdir ё дамdir,  
Адабиёт – оламdir, Адабиёт – одамdir,  
Бор олам аҳли билан қон-қардош Адабиёт.

“Наводир уш-шабоб” бу, яъни ёшлиқ айёми,  
Навоий боболарнинг Сиз хушхабар, пайғоми.  
Сиз янги даврларнинг минг ийиларга саломи,  
Ҳазрати Бобурларнинг йигитлигин давоми,  
Сиз ўшал кескир қилич – кўзу қош Адабиёт.

Ўсмирик кунларимнинг тонгларини эсласам,  
Илк китоб деб қон ютиб, дилда алам, кўзда нам,  
Қишлоқда кутар эди ул китобимни онам,  
Нотисанд ноширларга мўлтираб мисли шабнам,  
Ўйлаганмиз: бунча ҳам бағритош Адабиёт.

“Адабиёт ўлмайди!” Рост айтмишлар устозлар,  
Чўлпон муаллим бунда Сизга тилар парвозлар,  
Миллат яшар то яшар миллатпарвар овозлар,  
Дил торин юрт қаддига тор этиб чалинг созлар,  
Токи эл айтсин: элдош ҳам дилдош Адабиёт.

Бир сўз гоҳ узун туналар қўймай қасди жон айлар,  
Бир шеър узра кечгай гоҳ йиллардан узун ойлар.  
Бир сўз Сизни ҳам ер-у, ҳам баланд осмон айлар,  
Бир шеър Сизни бир тонгда соҳиби жаҳон айлар,  
Офтобмисол нурпошу меҳрпош Адабиёт.

Дунё ҳали бут эмас – риёлик, ёлғонликдир,  
Бир қўлида қурол-у, бир қўли Қуръонликдир,

Токи башар фарзанди кўзи ёш, армонлиқдир –  
Адабиёт – фидолик. Шеърият – қурбонлиқдир,  
Жонингизни айлар гоҳ айирбош Адабиёт.

Янги қадду қоматда келгандаин йилларим,  
Менинг тўргай дилларим, булбулзабон тилларим,  
Шеър ўқиса мавжланиб жимиirlар кўнгилларим,  
Зебуннисолардан кам эмас бу сингилларим,  
Ўн саккизга кирган гул, қаламқош – Адабиёт.

Термизда байт айтсангиз – янграгай Фарғонада,  
Акс садо бергай сўнг ҳар мактаб, синфхонада.  
Шаҳру қишлоқлар бўлиб ҳар куй, ҳар таронада,  
Улғаяр Адабиёт ҳар уй, ҳар кошонада,  
Урганч, Самарқанд, Нукус, Тошкент, Шош – Адабиёт.

Шу зангор китобингиз Сизга жону тан бўлгай,  
Саҳфа-саҳфа, бетма-бет шараф бўлгай, шан бўлгай,  
Зангори уфқларга узанган чаман бўлгай<sup>1</sup>,  
Яшнаган Ватан бўлгай, ястанган Ватан бўлгай –  
Ўзбекистон мисоли серкүёш Адабиёт.

2014

---

<sup>1</sup> Устоз А.Орипов сатри.

## ЁШЛИК ЧОГИДА

---

Талаба укаларимга

Сен ғанимат бил мудом  
барвақт туриб тонг чогини,  
Офтоб ёқмай туриб  
тандир билан ўчогини.

Ёшлик – фазлу камол,  
онгу тафаккур чогидир,  
Берма бой ёшлик билан  
фазлу камол, онг чогини.

Нафс ахли ҳар йўсинда  
қондиурлар нафсини,

Сен билим бирлан мудом  
қондир кўнгил чанқоғини.

Маърифат аҳли билан  
дил аҳли билсанг бир эрур,  
Илму ишқинг бирла боғ  
этгил ҳаётинг боғини.

Элу юртга қанчалар  
мехру матонатлар керак,  
Сен садоқат бирла яшнат  
элу юрт тупроғини.

Бу жаҳон, ёруғ жаҳон  
ярми жаҳолатдир ҳамон,  
Сен ёруғ этгил аниңг  
бир гўша ё пучмоғини.

Ўйлагин: олам азалдин  
мисли пўчоқ бирла мағз,  
Мағзи қайси – англагил,  
ҳам англагил пўчоғини.

Битта ёнғоқ ичра қанча  
мўъжиза бермиш Худо,  
Мия ёнғори билан  
чаққин илм ёнғогини.



## МУТОЛАА

---

Талабаларга

Сен ўқийсан жиддий, берилиб,  
Нурланади, порлайди зеҳнинг.  
Сен, албатта, одам бўласан,  
Келажагинг порлоқдир сенинг.

Сени кутар энг ёруғ йиллар,  
Тиззангдаги яхши китобдир.  
Сени кўриб нега тўхтадим?  
Менинг умрим энди шитобдир.

Ҳаётимда исмлар, дардлар,  
Хижронларга шерик туnlарим.

Ўқилмаган, сара, энг яхши  
Китоблардир сенинг кунларинг.

Довоnlаринг нурдан ярқирап,  
Осмонларинг бунчалар мовий.  
Юрагингга уммон бўлиб ҳам  
Осмон бўлиб кирап Навоий.

“Бобурнома” узра кечалар  
Юракларинг шердай тўлғонар.  
Бобур бўлиб, шоҳ шоир бўлиб  
Ўсмири қалбинг қайта уйғонар.

Китоб сенга бир умрлик ёр,  
Аро йўлда ташлаб кетмагай.  
Кетар қанча боболаринг, лек  
Бобораҳим Машраб кетмагай.

Усмон Носир қисматин ўқиб,  
Армонларин чорлашларинг бор.  
Чўлпон билан тонглар қўксига  
Чўлпон бўлиб порлашларинг бор.

Менинг “Ўткан кунларим” ўтган,  
Жумлалардай жимдир хотирим.  
Идрокингнинг дарсхонасига  
Куёш бўлиб кирап Қодирий.

“Аввал ўқи!” Бу – Faфур Fулом,  
Билим балқир боқишиларидан.  
Шеърлар кирап қалбингга энди  
Тўпполондарё тошқинларида.

Эзгуликнинг йўллари оғир,  
Боғларига найсон бўлгайсан.  
Китоб ўқиб – ҳақиқий фарзанд,  
Китоб ўқиб инсон бўлгайсан.

Ҳаёт ўзи мушкул китобдир,  
Ҳаёт ўзи бергайдир таълим.  
Хушёр бўл деб, билимдон бўл деб,  
Боқиб тураг Ойбек муаллим.

Бу дўст сени сотмас ҳеч қачон,  
Ёнингдадир шом ва ё наҳор.  
Бутун умр бошингда тураг  
Оқ булутдай Абдулла Қаҳҳор.

Улуғликка чорлагай доим  
Улуғларнинг абадий ёди.  
Юксалтиргай сени ҳам бир кун  
Улуғ Ватан Адабиёти.

1983, 2007

## НАВОЙНИНГ НАБИРАЛАРИ

---

Тирикликнинг бол, ширалари,  
Бири улуг, кичик бирлари,  
Фаҳр этиб юргайдир бари,  
Навоийнинг набиралари.

Ярқирайди тилло узукдек,  
Шу узукка қўйилган кўздек.  
Бири Бобур, бири Улуғбек –  
Навоийнинг набиралари.

Кўркам бўю қадду қоматлар,  
Кулса шундай кулар омадлар.

Чиқмасин ҳеч сиздан номардлар,  
Навоийнинг набиралари.

Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,  
Гижинглатиб юрар “Мерс”ларни.  
Қолдирмасин экан дарсларни,  
Навоийнинг набиралари.

Чиннидай оқ дорилфунунлар,  
Сизга – йиллар, сизга бу кунлар.  
Илм ишқида бўлинг Мажнунлар,  
Навоийнинг набиралари.

Қадим замон, Ҳақ замонидан,  
Олтин чиққан олтин ёнидан,  
Сиз ҳам ўшал олтин конидан,  
Навоийнинг набиралари.

Интилсангиз – бир кун етгайсиз,  
Манзилларга зиё элтгайсиз.  
Фарҳод-Ширин бўлиб кетгайсиз,  
Навоийнинг набиралари.

Куртак ёзар пайвандларингиз,  
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,

Туғилажак фарзандларингиз –  
Навоийнинг набиралари.

Ҳазрат бобо Сўзни ўйлаган,  
Қанча қошу кўзни ўйлаган.  
Асли ул зот Сизни ўйлаган,  
Навоийнинг набиралари.

Эл-юрт омон, даврон саломат,  
Яратгандан Сизга қаромат.  
Ҳаёт ўзи айлар хушомад,  
Навоийнинг набиралари.

Умр асли – насиб ё насиб,  
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.  
Навоийга бўлсин муносиб,  
Навоийнинг набиралари.

2007



## НАВОЙИННИГ БОГЛАРИ ёхуд АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА

---

Устоз Иброҳим Сафаровга

Адабиёт муаллими  
Бизлар бола чоғлари,  
Дарс берарди: Ҳиротда, деб  
Навоийнинг боғлари.  
Сиз ҳам асли кўчатлари,  
Барглари, япроқлари –  
Навоийнинг боғларисиз,  
Навоийнинг боғлари.

Йиллар ўтди. Болалик ҳам  
Ортда қолди бир умр.  
Навоийнинг боғлари лек  
Ёдда қолди бир умр.  
Биз англадик – надир Ватан,  
Томирлари, шохлари.  
Эътиқод ҳам иймон экан  
Навоийнинг боғлари.

Устозлардан қарзимиз мўл,  
Ватаңдан қарзмиз азал.  
Сиз ўргатган ҳар бир ҳарфу  
Сиз ўргатган ҳар ғазал,  
Кўнгилларнинг Ҳақ йўлида  
Чеккан ранж, қийноқлари –  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Сув келтирган элда азиз,  
Боғ яратган баҳтиёр.  
Инсон умри кўприклардир,  
Йиллар, йўллардир қатор.

Бу томони – Ҳиротгача,  
Қашқардир нарёғлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Маърифатдир оламшумул,  
Мұхаббатдир жаҳоний.  
“Насойим ул-мұхабbat” ҳам  
“Хазойин ул-маоний”.  
Осмонлари руҳдан бино,  
Қалбдандир тупроқлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Асрларким олам аҳли  
“Хамса”гадир ҳайронлар,  
Изсиз кетди қанча боғ-у,  
Яна қанча боғбонлар.  
То бор экан мактабларда  
Сиз янглиғ чароғбонлар –  
Шеъриятнинг мангу сўнмас  
Дурахшон чироқлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Устоз, Ватан буюк фандир,  
Устоз, Ватан буюк дарс,  
Бўйнимизда мангур бурч-у,  
Бўйнимизда мангур қарз.  
Бизга мангур саодатдир  
Шу танҳо, ягона юрт,  
Юрт дегани боғ экандир,  
Боғ дегани – она юрт.  
Эл меҳридан бино бўлган  
Ҳар шахру қишлоқлари –  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

2007, 2016



## БҮЮК МУАЛЛИМ

---

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,  
Ўрганмадим уни хур ё паридан.  
Кафларининг чизиқлари – хати ҳам  
Ажинлари бўлди менинг харитам.  
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,  
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,  
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.  
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,  
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.

Киприкларин осталарида турғандим,  
Мен Ватанни шу күзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,  
Ёт қаслардан ўрганмадим мен уни.  
Ору қарздан ўрганғандим мен уни,  
Хору хасдан ўрганғандим мен уни.  
Ўзим кийик сўқмоғида юргандим,  
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.

Осмонлари бошим узра огоҳлар,  
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,  
Райҳонларин сиёҳидан сиёҳлар.  
Булоқлардан кўзлар олдим, нигоҳлар.  
Ўзим ҳам бир чечакларга буркандим,  
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,  
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,  
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,  
Меҳнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.  
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,  
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушоқ нонинг қадри минг элга маълум,  
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.  
Булбулларинг тилларида шу таълим,  
Ўзинг устоз, ўзинг буюк муаллим.  
Ҳикматлардан қурғандим мен Ватани,  
Заҳматлардан ўргандим мен Ватани.

2007, 2012



## ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

---

Ибройим ога Юсуповга

Софингларин изҳоридай  
Очилдилар жамоллари,  
Гул қизларнинг ифоридай  
Эсар Жайхун шамоллари.

Қатлам-қатлам қалб ерлардан,  
Қалъалардай алп диллардан,  
Мұхаббат исли эллардан  
Эсар Жайхун шамоллари.

Навоийда – “Наҳр ул-ҳаёт”,  
Берунийни берган Қиёт.  
Қорақалпоқдан то Ҳирот  
Эсар Жайхун шамоллари.

Оқар дунё турган қадар,  
Бир кафт қуми – дур, гаңж қадар.  
Термиздан то Үрганч қадар  
Эсар Жайхун шамоллари.

О, она юрт, тупроқларинг,  
Термизийлар, Куброларинг –  
Мангу уйғоқ дарёларинг,  
Эсар Жайхун шамоллари.

Комилжон ҳам Отажондир,  
Санъат тонги отган жойдир.  
Ҳар сабоси – оҳанг, жондир,  
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл-юрт ўсар – диллар ўсар,  
Еллар эсар, гуллар ўсар.  
Биз кетармиз – йиллар эсар,  
Эсар Жайхун шамоллари.

Тинмас умр сафосидай,  
Қутлуг ҳаёт навосидай,  
Мангу Ватан ҳавосидай  
Эсар Жайхун шамоллари.

2005

## ХАВОТИР

---

Куллик ҳам қарамлик палла йўқолди,  
Оқу сариқ, қизил, малла йўқолди.  
Жаллодлар ўқ отган эди бир пайтлар.  
Саллалар йўқолган эди бир пайтлар.  
Қанча селу ёмғир, жала йўқолди,  
Саллалар келди-ю – калла йўқолди.

Яъни мачитларинг босган хазонлар  
Тўзди-кетди бари – қайтди аzonлар.  
Жума намозларинг тўла айвонлар.  
Лекин қандай қилиб, айтгин, инсонлар,  
Шунча улуғ нурдан тола йўқолди –  
Эгри йўллар аро бола йўқолди?

Фожиамас агар ғалла йўқолди,  
Қўю қўзи, эчки – гала йўқолди.  
Ўзбек, айланайин номингдан сенинг,  
Курган баланд-баланд томингдан сенинг,  
Қасрингни бошингта кўтариб дод сол,  
Ахир Ҳаё degан қалъя йўқолди.

Сенинг учун озод бўлди-ку ўлкам,  
Омадинг кўркамдир,  
Қоматинг кўркам,  
Сенга ҳавас қилиб яшайман, укам.  
Замон парвозига улгур, интил, ет.  
Сенга қанот бўлар учқур интернет.  
Фақат қалбинг аро лола йўқолди,  
Китоб degан яшил дала йўқолди.

Тарақ-туруқлару  
Даранг-дурунглар,  
Қайга борсанг фақат пулдан гурунглар.  
Узоқ яшанглар-ў,  
Узоқ туринглар,  
Ўзбек болалари, сергак юринглар:  
Бугун энг қадимий ялла йўқолди,  
Кўнгил бешигидан алла йўқолди.



## ИНТЕРНЕТ

---

Интернет, айланай номингдан сенинг,  
Гапга лим-лим тұлуғ жомингдан сенинг.

Бугун бу дунёning эгаси сенсан,  
Поёнсиз оламнинг эркаси сенсан.

Охир Ер юзини айладинг ишғол,  
Бир ишиңг яхши-ю, бир ишиңг – ишқал.

Сен сүнмай, сўлимай ёз-қишиш яшайсан,  
Қитъадан қитъага мишлиш ташийсан.

Зангор кўзларингда ҳамма нарса бор:  
Ким ишдан кетди-ю, ким эса – bemor.

Дон олишиб юрган ўрдагу ғози,  
Кимнинг товуғи-ю, кимнинг хурози –

Қўймайсан энг икир-чикиригача,  
Бўғоз ва ё қисир сигиригача.

Тунлар ёритасан кулдонларни ҳам,  
Бир зум тинч қўймайсан султонларни ҳам.

Ишинг бор подшою чўпонга қадар.  
Дарров еткизасан ёпонга қадар.

Қочиб қутулмагай сендан пулдорлар.  
Танноз санамлару сатанг дилдорлар.

Сенга бўйсунади бугун нархлар ҳам,  
Бозорлар, биржалар, олигархлар ҳам.

Гарчи кеча-кундуз уйқуларинг йўқ,  
Лек сенинг инсоний туйғуларинг йўқ.

Қалбу рўзгорига кириб бордингми,  
Бирор камбағалдан сен ҳол сўрдингми?

Бойсунда бир муғлур мағтаб – интернат,  
Хабаринг бормидир бундан, Интернет?

Үйласам, кўзимда жолаларим бор,  
Унда менинг маъюс лолаларим бор.

Улар ҳали ўсиб чинор бўлгайлар,  
Улгайиб соҳиби диёр бўлгайлар.

Очиқ айтайнми энди бетингта:  
Ота бўлодингми бирор етимга?

Туганмас фол билан ромингдан сенинг,  
Интернет, айланай номингдан сенинг!

Зўр бўлсанг хабар бер, бергил кафолат,  
Қачон Ер юзида тутар жаҳолат?

Одамзот меҳрга қачон тўйгайдир?  
Қачон ёмонликнинг уйи куйгайдир?

Бу түнгік - бүгдайык  
Айтгил ука-синглім, яна боламга:  
Қачон муттаңамлар битар оламда?

Дорглар ҳам мейдан,  
Тонг өгін сен шамол эстириб бергил,  
Зұр бұлсанг, бир ниҳол үстириб бергил!

Сен асли камолот белгиси, хузур.  
Сал ранжиттан бұлсам, Интернет, узр.

Сенда ҳам бир ажыб тантиликлар бор,  
Яңғы келинчакдай янгиликлар бор.

Олис элларға нур ришиналар етказ,  
Менинг юртимдан ҳам муждалар етказ.

Токи хуш саҳарлар күмсін дунёни,  
Күмса хүшхабарлар күмсін дунёни!

2003, 2016

## **БУ – СЕНИНГ УЙИНГДИР...**

---

Баъзан боғларимни  
Чулғар хавотир,  
Баъзан Ер шаридан  
Оғирдир ўйим.  
Оlam – бир осмон,  
Бир обу ҳаводир,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Бу дашту далалар,  
Боғлар ҳам мендан,

Бу тупроқ – буғдойбўй,  
Ҳандалак бўйим.  
Сенинг кўксингдаги  
Доғлар ҳам мендан,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Сен Ватан дейсан-у,  
Порлар кўзларинг,  
Менинг юртим ҳам ўз  
Рангу рўйимдир.  
Талпиниб келгувчи  
Ўғил-қизларинг –  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Яратган бекорга  
Карам қилмаган,  
Отам, онамдайин  
Қуёшим, ойим.  
Чингиз, Ботуларга  
Қарам бўлмаган  
Бу халқ – меникидир,  
Туғилган жойим,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Сенинг осмонўпар  
Биноларингдан  
Силкинди менинг ҳам  
Чинордай бўйим,  
Дарз кетди менинг ҳам  
Минорларимга,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Баъзан назар солсанг  
Ўзга юртларга,  
Бағри тўлиб ётар  
Олов, дудларга.  
Одамзот кетмоқда хор,  
Үюм-уюм,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Менинг ука-синглим  
Сенга ҳам ука.  
Синглинг тўй қилса гар –  
Менинг тўйимдир.  
Замин – қон-қардошлар  
Йифилган ўлка,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Мен қаро кўз,  
Қаро қошларга айтай:  
Бахту толеингиз  
Умид, орзуйим.  
Ватан ўз-ўзидан  
Ватан бўлмагай,  
Ватан жиҳоз эмас  
Ва ё бир буюм,  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Менинг ҳам юртимнинг  
Кўксида доғлар,  
Узмоқчи бўлдилар  
Бошлаган қуим.  
Денгизлар ортидан  
Айтдингми бир бор:  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.


Икки дунёда ҳам  
Саволлари бор:  
Ҳатто чумчук уйин  
Вайрон этмаслар.  
Хору хаснинг ҳам ўз  
Уволлари бор,

Қадрига етмаслар  
Токи айтмаслар:  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Дунё томи узра  
Булутлар балқар,  
Тинчлик эрмак эмас  
Ва ё бир үйин.  
Айтсалар бирлашиб  
Давлатлар, халқлар:  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

Мен йироқ кетсам гар,  
Үртангай онам,  
Сенинг ҳам волиданг  
Йифлагай юм-юм.  
Оналар интизор турган  
Шу олам –  
Бу – сенинг уйингдир,  
Бу – менинг уйим.

2001– 2005.11.09.



## ИНСОН

Бир құлда қурол-у,  
Бир құлда Қуръон,  
Сен қандай манзилга кеп қолдинг, инсон?  
Қасри бунёдингни барбод айласанг,  
Билиб бүлмаса гар –  
Қайсинг мусулмон.

Бир құлда қурол-у,  
Бир құлда Иңжил,  
О, инсон,  
Эңг аввал ҳаддингни билгил.

Бир-бириңг айласанғ гар хонавайрон,  
Билиб бўлмаса гар –  
Қайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,  
Разолатнинг дину элати бўлмас.  
Буни тан олгайдир Ҳилол, Хочинг ҳам,  
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда қудрату кучин  
Кўрсатиб, Яратган кўп карам қилган.  
Унутма,  
Энг улуғ амаллар учун  
Сен Ер юзида мукаррам қилган.

2001

## ЭГРИЛИК ВА ТҮҒРИЛИК

---

Ҳар кишиким, тузлук<sup>1</sup> эрур пешаси,  
Кажрав эса чарх не андешаси.

\* \* \*

Давр чу кажлика қилур иқтизо<sup>2</sup>,  
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.  
Туз иши йўқ гумбази давворнинг,  
Ким хати туз келмади паргорниң<sup>3</sup>.

Алишер Навоий.“Ҳайрат ул-аброр”  
“Ўнуңчи мақолат”

---

<sup>11</sup> Тузлук – түғрилик, ростлик.

<sup>12</sup> Иқтизо (араб.) – тақозо, зарурат.

<sup>3</sup> Паргор (форс.) – паргар, циркуль.

Эгри айланадир чархи давворлар,  
Шул сабаб эгридир унда рафторлар.

Вафо гар истарсан – жафо бергайдир,  
Сафо гар истарсан – жазо бергайдир.

Қанча печу тобни ўзда йиғмишдир,  
Салла эгриликдан бошга чиқмишдир.

Илонда неча бир печу шиканж бор,  
Шундан оғзизда дур, остида ганж бор.

Үйлагил, не учун каждумдир чаён,  
Иши эгри нишин санчмоқдин аён.

Билдингми, не сабаб зебо санамлар  
Рахм билмагайлар, билмас карамлар?

Қошлари эгридир – тортгайлар камон,  
Камон тортгайлар-у, олгайдирлар жон.

Күрдингми, агарчи түғридир қалам,  
Боши кесилди-ю, шу он бўлди хам.

Жўяқ тортмай агар дон сочар дехқон,  
Сувни тенг ичмай дон бўлгайдир яксон.

Ростгўй бош узра, боқ, бу нечук илинж?  
Ул бошни олгайдир ул эгри қилич.

Вале бордир қадим, пандми, муаммо –  
Эгилган бошни ҳам тиф кесмас аммо.

Тик шам ёниб тугар – бу ростликни кўр:  
Агарчи тугайдир – таратгайдир нур.

Фақирсан, ҳақирсан – рост бўл ҳар нафас,  
Дунёning устуни тўғрилиқдир, бас!

Демасман – муттаҳам, ғар, ўғри бўлгил,  
Барча эгри бўлса – сен тўғри бўлгил!

2015

## ЯХШИ ВА ЁМОН

---

Мевага магз ўлса бўлур пўст ҳам,  
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.  
Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,  
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.  
Чунки ёмон кўпрак эмиш, яхши оз,  
Жазмки, оз ўлгусидур яхши роз.

“Ҳайрат ул-аброр”  
“Ўн учунчи мақолат”

Дунёда яхши ҳам, ёмон ҳам бордир,  
Кимсага дўст бўлса, душман ҳам бордир.

Чўл бўлса, яшнаган макон ҳам мавжуд,  
Гул бўлса, албатта, тикон ҳам мавжуд.

Гарчи булбули бор боғлар яйрагай,  
Лек бунда майна ҳам, зоғ ҳам сайрагай.

Капалаклар учса – гулзор яшнайдир,  
Қурт ҳам, қумурсқа ҳам шунда яшайдир.

Ҳаёт неъматлари турфадан турфа,  
Сен гул истар эсанг – хор қилар тухфа.

Меванинг мағзи ҳам, пўсти ҳам бўлгай,  
Инсоннинг душмани, дўсти ҳам бўлгай.

Токи эврилгайдир замину замон,  
Тўқнаш келаверар яхшию ёмон.

Ҳеч вақт жаҳолатни кўриб соз дема,  
Яхшини кўп дема, ёмон оз дема.

Тенг қилиб яратмиш гарчи Худойим,  
Яхши оз, яхшилик тақчилдир доим.

Ёмон кўп, яхшилар сийракдан сийрак,  
Ўзингдан огоҳ бўл, зийрак бўл, зийрак!

Токи тинч турмаскан разолат, риё,  
Хүшёр бўл, бедор бўл, таратгил зиё.

Дунёда ёмонлар мўлдан-да мўлдир,  
Сен бориб яхшилар сафини тўлдир.

2015

## ТАФОВУТЛАР ОЛАМИ

---

*Одам аро кўр не тафовут турур...*

“Ҳайрат ул-аброр”  
“Тўртунчи мақолат”

Оlamda turfa xil tafovutlar bor,  
Bir ёнда қор ёғар, bir ёнда – баҳор.

Bir ёнда – яратиш, тиклаш ва қуриш,  
Bir ён – уруш-жанжал, favgoю шўриш.

Қурол-яроғ бир ён, қалқон-совутлар,  
Бир ён – қалқиб борар фақат тобутлар.

Бир ёнда – яшариш, яшнаш, ободлик,  
Кўзни қамаштирас тинчлик, озодлик.

Зангор уфқларни елтиб аллалар –  
Олтин буғдойзорлар, олтин далалар.

Бир ён – бехонумон, босиб кир-қурум,  
Одамзод кетмоқда хор, уюм-уюм.

Бир ён – қурғоқчилик, олов-ёнгинлар,  
Бир ённи босмоқда селу тошқинлар.

Оlam хавотирда, осмонлар нотинч,  
Чайқалар, тўлғонар уммонлар нотинч.

Гўё давру замон газовотдадир,  
Қанчалар тафовут одамзотдадир.

Гўё кўзлар ичра чангал, човут бор,  
Кўз билан кўзда ҳам бир тафовут бор.

Тафовут ичрадир олам ва одам,  
Тафовут туғилгай тафовутдан ҳам.

Гўё туғилгандай фалак муштлари –  
Хатарнок чараклар Зуҳал, Муштарий.

Самовот бир мубҳам туман, дуддадир,  
Еру осмон гўё тафовутдадир.

Тоғлар ҳам жойидан бир қалқигандай –  
Дашту саҳроларга кек сақлагандай.

Чалкашиб бормоқда одамзод тарҳи,  
Бунинг на баҳси бор ва на бор шарҳи.

Құшлар манзилларин тарқ этиб борар,  
Замон ҳам макондан фарқ этиб борар.

Гўё қолгандайин жойсиз, ломакон,  
Турналар кетмоқда бош олиб нолон.

Қани, дардларингнинг Синоси қани?  
Мехру оқибатинг биноси қани?

Ўзлик иморатинг айладинг вайрон,  
Энди вайронингдан ўзингсан ҳайрон.

Неки томиринг бор – кемириб бўлдинг,  
Наҳот кўнгил уйин емириб бўлдинг?

Ҳар кунинг мисоли Ҳаёт ва Мамот –  
Қасри бунёдингни асра, Одамзот!

2015

АДАБИЁТ АТОМДАН  
КУЧЛИ

---





Эй ёроңлар, халқни күринг,  
күринг орзу-ҳавасин,  
Биз ёзмасак ким ёзгайдыр  
бу күнларнинг "Хамса"син?!



Түқсон кунда бүй күрсатса  
шаҳарлардай орзулар.  
Ҳаёт ўзи матонатга  
берар янги мавзулар.



## КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

---

**Ўзбекистон Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишини ўқиб**

Одамзоднинг жаҳолатга қарши биринчи муқоваланган исёни китобдир.

Риёю разолат, тубанлик, пастлиқка қарши одам болалари бино этган илк истеҳком ҳам китоб саналади.

Дунёвий қабоҳат, зулму залолатнинг жаҳоний хуруж ҳамласига қарама-қарши ўлароқ бани башар авлоди мус-

таҳкам, емрилмас ва қудратли лашкар саналмиш китоб армиясини бунёд этдики, мана, минг-минг йиллар, асрлардан буён жаҳон саҳнида бир-бирига зид икки муқобил куч – маърифат ва жаҳолат эзгулик ва ёмонлик тимсолида ке-чаю кундуз тин олмай, тиним билмай бир-бири билан аёвсиз жанг мубориза олиб бораётир. Минг-минг йилларким бу муҳораба бир зум бўлса-да ҳали тингани йўқ. Дунёнинг бугунги авзойига кўра ҳали-вери тинмоғи ҳам даргумон.

Кўхна тошбитиклардан бошланган китоб ва китобнавислик инсоният тамаддунининг энг буюқ, олий кашифиёти ва мўъжизаси сифатида бани башар тарихида дунё тургунча қуёшдай порлаб, чарақлаб турмоғи муқаррардан ҳам муқаррарроқ.

Энг қадим, кўхна китобларнинг муқоваси ҳам, саҳифаси ҳам тошдан бўлган.

Одамзод қавмининг жоҳилликларию нодонликларидан юрак-бағри қонга тўлган қадимий саҳройи адаб тоғу даштга чиқиб, алам ва армон билан ён-атрофга назар ташларкан, ўтлуғ оҳ тортганча “Янги олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак” деган сўзларни чўкич билан тош варақقا ўйиб битган бўлса не ажаб?

Қадим туркий тошбитиклардан тортиб Ўрхун-Энасой ёзувларигача, Зараутсой горидаги суратлару Афросиёбнинг мажруҳ нақшлари, қадим Бақтриянинг кўхна Қушон хатларидан токи Олтой тоғларидаги тошларга битилган ҳарфларга қадар – бутун башарият авлодига ҳалқимиз тамаддунининг, насл ва насабимизу маърифатимиз томирла-

рининг нақадар қадимиятлиги билан буюклигидан дарак бермайдими?

Истаган адигингизни ҳам, китобингизни ҳам шохини қайириб, томирини қирқиб берадиган компьютер асрида, интернет замонида Навоий бобонинг “Хамса”сидан “Фарҳод ва Ширин” достонини ўқиётиб, нохос ўзим учун кутилмаган бир қизиқ мўъжизани кашф қилгандай бўлдим:

*Интернет замони хўп мўъжизакор.  
Айтай Шарқ закосин қадим сехридан:  
Фарҳод ўз Ширинин кўргандир илк бор  
Ҳазрат Навоийнинг компьютеридан.*

Мен Навоий бобомиз тилга олган, юксак заковат ва маҳорат билан қўллаган ўша “ойинаи жаҳоннамой”ни бугунги энг зўр ва замонавий компьютерларнинг бобокалони деб фахрлансан, гурурлансан – минг-минг карра ҳақли бўлиб чиқаман!

Биз бугун Оврупою Осиё мамлакатларида келтирилаётган қофозлару китобларнинг кўркам ва нағислигидан ҳайратланамиз, одамзод тафаккури ва тараққиётининг энг гўзал мевалари, ноширлик санъатининг энг охирги намуналари сифатида қўлга олганда завқланамиз, ҳавасимиз келади. Ёзув қофозлари шу даражада сифатли ва нағиски, одам бир ҳарф ёзишга ё қоралашга ҳам қўли бормай ботинолмай туради.

Ана энди ҳазрат Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидан 1497–1498 йил воқеаларидаги мана бу

иқтибосга эътибор беринг: “Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳарда бир хусусияте борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлгай... Хўп нонволиқлари ва ошпазлиқлари бордур. Оламда яхши қофаз Самарқанддин чиқар. Жувози қофазлар суюи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар...”

Китобат санъати ҳақида гапирав экан, Бобур бобомиз 1505–1506 йил воқеаларида Султон Ҳусайн Мирзо давридан, Ҳазрат Навоий замонидан шундай маълумотни келтириб ўтади: “Хушнавислардин агарчи хили киши бор эди, vale борининг саромади насх таълиқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттуз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди”.

Куръони Каримнинг биздаги энг муҳташам китобатида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўз нурлари билан кўз излари қолган.

Бизнинг элда, баҳшиларимиз тилида “Алпомиш” дostonи янграб, тоғу тошлар сел бўлиб оқсан асрларда бошқа элатлар эндиғина патқаламга ўргана бошлаган эди.

Энг қадим ва донишманд ношир сифатида бизнинг халқимиз “Авесто” сингари улкан нашрни инсоният тамаддуни ва тарихининг китоб жавонида ҳанузга қадар сақлаб келмоқда.

“Темур тузуклари” тимсолида бизнинг аждодларимиз давлатчилик ва саркардалик, лашкар тутиш ва ҳарбу зарб

юритишинг қомусий тамойиллари ва йўриқларини тузганларида, бугун дунёга дағдаға солаётган зўравон мамлакатларнинг Ер юзида номи тугул нишони ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, айни давлатларнинг армиясида Темур бобо тузукларидаги лашкар тузиш, жанг юритиш санъати ва услублари ҳарбий тактика дарслари сифатида ҳозирга қадар ўқитилиб, ўргатилиб келинмоқда.

Бизнинг боболаримиз бутун рўйи оламни, Ерни ҳам, самони ҳам билим билан, тафаккур ва китоб билан забт этишган. Серюлдуз осмон Мирзо Улугбек бобомизнинг дурахшон кутубхонасига ўхшайди. Термизийлардан Бухорийларгача, Ибн Синолару Берунийлар, Улуғбеклару Фарғоний ва ал-Хоразмий боболаргача жаҳонни ақлу заковат, илму ҳикмат билан эгаллаган буюк жаҳонгиirlар бўлишган.

“Не мулк ичраки бир фармон йибордим, Аниң забтиға бир девон йибордим” деганларида Навоий ҳазратлари биргина ўзларини эмас, илму маърифати билан жаҳонкушойлик қилган сарзаминимизнинг барча буюк алломалари, донғи оламшумул боболаримизни ҳам айнан назарда тутгандар десак асло муболага бўлмайди. Ҳалигача у ёғи Амриқою бу ёғи Оврупто қадар, Ҳиндуда Хитойдан тортиб Парижу Австриёгача, Эрону Қохира, Истанбулу Лондондан токи Токиога қадар бирон бир китоб “Бобурнома” янглиғ Ер юзи ўлкаларини бунчалик бардавом забт этолган эмас. Жаҳонгиirlик мана бундоқ бўлиби десак, япон бобуршуноси жаноб Эйжи Мано ўрнидан туриб ҳурмат билан тавозе бажо келтирмоғи ҳам айни ҳақиқат.

Икки мустабид тузум – 130 йиллик истибодод даврида миллатимизнинг наинки улуғ фарзандлари, балки миллий мағкураси билан маънавияти ҳам таъқиб ва тазийқ остида кун кечирди. Чўлпону Қодирийлар. Фитратлару Усмон Носирлар қаторида уларнинг китоблари ҳам қатағонга учради. “Кеча ва кундуз”, “Ўткан кунлар” сингари романларга ҳам қатл ҳукми эълон қилиниб, жазога тортилди, шеърлар, достонлар дор тагига олиб борилди...

Олис ва яқин ўтмишимиznинг мана шу шарафли, айни пайтда қийин ва изтиробли буржларидан туриб, бугунги ҳаётимиз, озод ва обод она Ватанимизнинг кўрку жамолига назар солсангиз ва булар ҳақда бугунги навқирон наслга, истиқлол фарзандларига гурунг берсангиз агар – кўп гапларингизга чўпчак айтаяптими дея ишонқирамай қарashi турган гап. Худди мана шу ишонқирамай қарамаслиги, миллатини, тарихини, қаердан келаётгани-ю, қай манзил сари кетаётганини билмоғи, англамоғи учун ҳам, халқининг, Ватанининг шаъну шавкатини баланд кўтариб, буюк боболари номига лойиқ ва муносиб фарзанд бўлиб камол топмоғи учун ҳам – КИТОБ ЎҚИНГ дейилаяпти.

Бу борада Истиқлолимизнинг Бош Меъмори, мустақил давлатимиз асосчиси Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг жасоратларга тўлуғ сермазмун ҳаёт йўли билан китобларию ҳикматлари ёшларимиз учун том маънода матонат ва садоқат, юрттарварлик ва фидойиликнинг бетакрор тимсоли, ҳақиқий ибрат ва маърифат дорилғунуни бўла олади. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мус-

тақиилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз баҳту иқбали ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китоблари ҳазилакам китоблар эмаслигини, уларда эл-улус билан халқни миллатга, мамлакатни эса ҳақиқий Ватанга айлантиrolган маъруза ва мақолалар борлигини буғунги авлод билмоғи, юрагида, фикру ёди билан жисму жонида олиб юрмоғи керак. Миллатнинг буюк бир фарзанди, матонатли Буюк Шахснинг бедор юраги уриб турган бу асарлар то ўзбек халқи мавжуд экан, токи Ўзбекистон деб аталмиш озод Ватан пойдор экан – ҳеч қачон эскирмайди, ҳамиша мардлик ва шижот, фуурур ва ифтихорнинг чинакам таржимайи ҳоли ва садоқатномаси бўлиб яшайверади.

– Буғунги болалар эртанги кун халқقا айланади, – деди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон либерал демократик партиясининг VIII съездиде халқ шоирларига мурожаат қиларкан. – Қандай қилиб бўлса ҳам ёшларни китобга қайтаришимиз керак. Ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишини оширишига, уларга китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Кейинги сайловолди учрашувларида ҳам, ундан кейинги қатор маърузаларида ҳам давлат раҳбари шу масалани қайта-қайта таъкидлаб айтди:

– Ёшларни китобга, китобхонликка қайтариш керак! Китобсиз келажак йўқ!..

Олий минбардан янграган бу сўзлар эртаси қуниёқ мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида, энг чекка ҳудудларгача аҳолининг барча қатламлари орасида кенг акс садо берди. Ёшу қари, эркагу аёл, ўқитувчи билан шифокор, фермер билан тадбиркор – турли касб, турли тоифадаги ватандошларимиз оғзида шу гап, шу хайриҳоҳлик билан шу қувонч ва ҳаяжон:

– Жуда тўғри айтилди. Вақтида, вақти-соатида айтилди. Худога шукур, рўзғоримизам бут, қорчимизам тўқ. Энди мияни ҳам тўқлаш, тарбияни ҳам бутлаш вақти келди...

Бу гапларниң юртдошларимиз ўртасида нечоғли кенг ва мўлт муҳокама қилингани-ю, нақадар қизғин ва яқдиллик билан қўллаб-кувватланганини биз қалам ва китоб аҳли, китоб ва китобхонликка бевосита алоқадор шоирлар ва адиллар Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида элдошларимиз билан бўлган учрашув ва мулокотларда ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қулогимиз билан эшитиб гувоҳ бўлдик.

Қишлоқ ўқитувчилари “Масала аллақачон пишиб етилган эди, жуда вақтида кўндаланг қўйилди” деса, маҳаллий зиёлилар туман марказларида китоб савдоси у ёқда турсин, китоб дўйконлари умуман йўқлигини, керакли яхши китобни олиш учун худди вилоят марказига қатнашга, жуда бўлмаса Тошкентта борганда бир халта қилиб китоб олишга тўғри келаётганини гапира кетди. Туман касалхонасининг шифокори эса масалани янада кескинроқ қўйди: туманлардаги китоб савдосининг аҳволи-ю, китобхонлик, китобсеварлик савиясига биринчи галда маҳаллий ҳокимларни жавобгар қи-

либ қўйиш керак. Ҳали бирор-бир ҳоким кўчада бирор-бир болани тўхтатиб, “Қани, бугун қанақа китоб ўқидинг?” дея сўраганини эслолмаймиз. Ўғри, муттаҳамлар қаердан пайдо бўлади? Шу китоб ўқимасликдан-да!..

Сариосиёлик ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг фикр-мулоҳазалари билан таклифлари, айниқса, жуда жўяли ва асосли эди:

– Мактаб ва коллежларда адабиёт дарслари қамровини кескин кенгайтириш керак. Биринчи синфдан бошлаб биттагина ўқиш китоби билан чегараланмай, муттасил дарс сифатида киритилиши, шеър ёдлатиш, эркин мавзуда ишо ва баёнлар ёзиш тизимини тўлақонли шакллантириш болалар онги ва тафаккурини чархлашда катта ёрдам беради. Дарсдан, ўқишдан ташқари бериладиган қўшимча ўқиш адабиётлари сонини ҳам, нуфузини ҳам ошириш, бу жараёнга ҳам ҳақиқий дарс ва жавобгарлик мақомини бериш, рағбатлантириш ва тақдирлаш усуllibаридан кенгроқ фойдаланиш керак. Ҳамма турдаги олий ўкув юртлари – у техниками ёки аграр университет бўладими, тибиёт ёки иқтисодиёт институти бўладими – биринчи босқичдан охирги босқичга қадар адабиёт дарслари, бадиий адабиёт ўқитишни таълим дастурига киритиб, унинг мажбурийлигини, битирув палласида эса давлат имтиҳони топшириш даражасигача мавқеини таъминлашни қонуний кучга киритгандагина китобхонлик, саводхонлик борасида анча-мунча ўзгаришларга эришиш мумкин.

Умри йўлда, самолёт ва поездларда ўтадиган тадбиркор тижоратчи оғайнимизнинг таклифларида ҳам жон бор:

– Тошкентдаги катта аэропортдан тортиб истаган вилоятингизнинг аэропорти ёки вокзалига боринг, газета ё китоб сотадиган биронта тузукроқ дўкон ё растани кўрмайсиз. Егулик, ичгуликни истаганча олишингиз, кафе, бар, ресторон ё буфетга хоҳлаганча киришингиз мумкин. Бироқ поездда ё самолётда ўқиб боришингиз учун тузукроқ газета ё китоб оламан десангиз, йўқ, тополмайсиз! Ному нишони ҳам йўқ. Китоб, газета сотишни, тарқатишни шундай жойлардан бошлаш керак!..

Биз юқорида аҳолининг турли табақалари вакиллари, турли қасб-кордаги юртдошларимизнинг айрим фикрларинигина иқтибос келтирдик.

Яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, биз тажриба учун икки туман маркази, ўндан зиёд қишлоқ фуқаролар йигини, тўртта шаҳарча, элликка яқин қишлоғу юзлаб маҳалла гузарларни ўз ичига олган, яна ўттиз-қирқтacha мактаб ва коллежлар жойлашган, аҳоли кўп яшайдиган ўн чақиримлик ҳудудни ўрганганимизда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик: Шунча манзилу макон доирасида еттига катта ва кичик бозор, ўнга яқин супермаркету юз-юзлаб минимаркетлар, юздан зиёд қассобхоналар билан уч юзга яқин нонвойхона, юздадан ҳам кўп сомсаҳона ва кабобтазлик нуқталари, салкам юзта ошхона билан тамаддихоналар аҳолининг озиқ-овқат, ейиш-ичиш эҳтиёжини қондириш йўлида фаолият олиб бораётган экан.

Бу тўкин-сочинлик, бу нозу неъматлар – тўқчиликдан, ҳаётимиз фаровонлиги-ю, халқимизнинг файзу фарога-

тидан дарак беради, албатта. Бироқ шу ўринда хавотирга соладиган бир манзарани ҳам айтиб ўтишга тұғри келади: Шунча масофа билан манзилу маконларни ўз ичига олган ҳудудда бор-йўғи иккитагина газет ва журналлар сотилади-ган нұқта бор эканки, улар ҳам чанг-ғубор босиб ётибди. Бу ерга янги нашрлар келмаганига ҳам анча ой-күнлар бўлгани дўконнинг хароб аҳволидан кўриниб турибди. Ўн чақи-римлик ҳудудда бор-йўғи иккитагина китоб дўкони кенг ва мўл бозорлару маркетларнинг ғала-ғовури ичидаги қўш чум-чуқнинг инидай ночоргина қунишиб тургани, айниқса, ачи-нарли. Демак, энг аввало, китобхонлик ва китоб мутолааси муаммосини ҳал қилиш учун китоб етказиб бериш, китоб тарқатиш масаласини жиддий ҳал қилиш керак.

Шу нұқтаи назардан олиб қараганда **“Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”**ги Президент фармойиши айни вақтида қабул қилинган муҳташам ва зарурий ҳужжат бўлдики, унда белгиланган вазифаларнинг бандма-банд ба-жарилиши жамиятимиз маънавий ва маърифий ҳаётида туб бурилиш ясади дейишимизга тўла асос беради.

Фармойишнинг залвори ҳам, юки ҳам оғир. Қилинади-ган ишлар қамрови катта, амалга оширилиши лозим бўл-ган вазифалар кенг ва салмоқли. Кўриниб турибди, бир ё икки куннинг иши эмас, фармойишнинг бажарилишига нақд икки ой муҳлат берилаяпти. Ҳужжатдаги иккита нұқта

**“китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, матбуот ва ахборот ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат органини белгилаш”** хусусидаги банднинг амалга оширилиши, аввалимбор, бу борада яхлит масъул ва жавобгар идоранинг вужудга келиши бутун мамлакат бўйлаб китобларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминласа, юкоридаги тақлифда айтилганидай, аэропорт ёки вокзалларга ўхшаш гавжум жойлардан токи энг чекка худудларгача китоб савдосини бир тизимда шакллантириш, узлуксиз ва мунтазам тарзда йўлга қўйиш имконини беради. Демак, ишни, энг аввало, китоб савдоси мунтазамлигини таъминлашдан, яъни бу соҳанинг барча пасту баландини, борди-келдисини ҳисобга олган ҳолда китоб савдоси учун жавоб берадиган яхлит таъминот ташкилоти ва тизимини ташкил этмоқдан бошлиш керак бўлади. Ва албатта, бу жараёнга қадар барча шаҳарлару туман марказларидан тортиб аҳоли зич ва тифиз яшайдиган гавжум манзилларгача китоб марказлари ва дўконларини барпо этиш, бу нуқталарнинг яхлит бир тизимга бўйсунишини йўлга қўйиш – фармойища кўзланган мақсадга тезроқ эришиш имконини беради.

Истиқломимизнинг 25 йиллик санасидан сўнг, бутун мамлакатимиз, фидойи ва бунёдкор халқимиз янада буюкроқ ва улуғвор мақсадларни кўзлаб, ҳаёту тирикликтан катта ўзгаришлар ва янгиланишлар орзу-умиди билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Чорак асрлик сервиқор довонга

етишмоғимиз дунё-дунё қувончларимиз билан бирга, айни пайтда ўз кутилмаган синовларига ҳам рўпара қилдики, бағрикенг ва яқдил халқимиз иродаси букилмай, ўзини йўқотмай, эсанжирамай ўз жипслиги ва бирдамлигини ҳам юксак мақомда намойиш қила олди. Бу олиймақом яхлитлик ва яқдиллик ҳам миллатимизнинг юксак тарбият ва маърифатидан дарак беради.

Ватан, она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Бу улуғвор китобни ўқиб, англамоқ учун ҳам, унинг қадр ва қимматига етиб юрмоқ, чин ва садоқатли, маърифатли ва билимли фарзанди бўлиб шарафламоқ учун ҳам кўп-кўп, жуда кўп гўзал ва чиройли китобларни мутолаа қилиши шарт ва зарурлигини англаб етган ҳар бир ўғил-қиз шу Ватанинг энг кўркам ва баҳтли дилбанди бўла олади.

14.01.2017

## ОДАМИЙЛИКНИНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

---

Она Ватанимиз, жондан азиз Ўзбекистонимиз буюк ва муқаддас бир китоб. Истиқлол шарофати билан бу мўътабар китобимиз оламшумул, жаҳоний аҳамият қасб этди. Дунёга довруқ солған, Ер юзига донғи кетган улуғ боболаримизнинг тенгсиз асарлари билан ҳам башарият тарихида ўз сўзини айта олган халқмиз. “Авесто” дейсизми, “Алтномиш”ми ёки “Темур тузуклари”ни айтасизми, улувор “Ҳамса” ва ё “Бобурнома”ни мисол келтирасизми – бундай жаҳонгир китобларимизнинг оламшумул саноғи асрлар ҳисобидан ҳам зиёдрок.

Ватан янглиғ буюк китобга меҳру муҳаббат жисмимизга она сути билан киради, киндик қонимиз бўлиб шу азиз тупроққа томади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртдошларимиз билан бўлаётган ҳар бир муроқот ва учрашувда китобхонлик ҳамда мутолаа маданияти, ёшлар маънавияти билан таълим-тарбиясига юксак эътибор бераётганининг замирида ҳам айнан Ватанни севиш ва Ватанга муҳаббат туйғуси билан қондошу жондош буюк ҳикмат мужассам.

Очиғини айтиш керак, мамлакатимизда ҳар кун, ҳар соатда рўй бераётган ўзгаришлару янгиланишлар, хушхабарлар билан эзгу ниятлар суръатига ижод аҳлининг қалами етиб улгуролмаяпти. Халқ ҳамда ҳаёт эҳтиёжи, давр ва замон талаби шундай шиддатни тақозо қилмоқда. Демак, тарихий ҳамда дунёвий бурчига кўра ҳамиша Вақтдан илдамроқ, олдинроқ юрмоғи лозим бўлган қаламкашлар ҳам суръатни замон шиддатига мослаб олмоқлари шарт, деган талаб қўйилаяпти. Адабиёт аҳли яратаБётган, ёзадиган асарлар – шеърми, достонми, ҳикоями ёки қиссами – бу ҳам халқ билан муроқотнинг синалган, қадимий намунасиdir. Ёшлар китоб ўқиши, шеър ёдлаши, мунтазам мутолаа билан машғул бўлмоғи учун ижодкор уйғоқ ва бедор бўлиши, давру замон билан ҳамқадам ва ҳамнафас яшамоғи зарур.

Она Ватанинг ҳар биноси-ю, ҳар боғу хиёбони ҳам бир китоб. Истиқлолимизнинг Бош китоби – Мустақиллик майдони. Юртнинг тоғу тошлари, обидаларию йўл-кўприклари, боғу роғлари билан чаман гулзорлари ҳам ўқилиши, мутолаа қилиниши ва албатта, маънавий-тарбиявий аҳамият касб этмоғи керак.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бοғидаги Адиблар хиёбонида бир гуруҳ адиблар билан бўлган учрашувда айтган фикр-мулоҳазалари ва таклифлари бевосита ёшларнинг фазлу камоли, китобхонлик ҳамда мутолаа масалалари билан бир қаторда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, адибларимиз олдида турган долзарб ва кечикириб бўлмас вазифаларни қамраб олгани билан ҳам қадрлидир.

Авваламбор, адабиёт аҳлига, адабиётга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни алоҳида миннатдорлик билан таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг баланд айвонларига ёндош, улуғ бобокалонимизнинг хайриҳоҳ ва миннатдорона нигоҳлари остида бу хушҳаво, сўлим масканда ҳар жиҳатдан китобхон, маърифатсевар халқимиз, айниқса, ёш авлод эҳтиёжлари ва талабларига мос келадиган замонавий, кўркам Шоирлар хиёбони барпо этишнинг орзу-мақсадларимизга мувофиқ келиши адибларимизни беҳад мамнун этди. “Водийларни яёв кезганда” дея бир ёнда устоз Ҳамид Олимжон турса, “Улуғимсан, Ватаним!” дея бу ёндан Муҳаммад Юсуф жилмайиб чиқса, бир томондан устоз Абдулла Орипов “Мен нечун севаман Ўзбекистонни!” деб турганда, бошқа бир тарафдан “Ўзбегим” дебон устоз Эркин Воҳидов лутф қилиб чиқиб келса, Ойбек домла,Faфур Гулом муаллим, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад домлалар, Зулфия опа билан Саида опалар бу назмий ҳам адабий анжуманда гулгул яшнаб, чараклаб-порлаб турмоқлари муқаррар ҳақиқат.

Президентимиз алоҳида меҳр ва орзу-ҳавас билан ният қилган Адиблар хиёбони – том маънода Адабиётимизнинг жонли-жозибали боғига айланади. Бу ерда қўним ва қарор топадиган устозлару улуғлар қуршовида, шеър ва нафосат боғида ёшларимиз, элдошларимиз нафис адабиёт сабоқларидан, Ватан дарсларидан чинакамига баҳраманд бўладилар, таълим ва тарбия, маърифату маънавиятнинг жонли, ҳаётий ибратларини шу ердан қалбларига жо этадилар.

Тамал тошлари истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ ёш ижодкорларнинг Зомин семинар-кенгашларида қўйилган бундай тароватли ва сертимсол адабиёт бўстони, шеъруғазал боғларининг аҳамияти ва самараси беҳад бекиёсдирки – бунинг яна бир оддий маъноси китобга бўлган меҳру муҳаббатдан бошланади, деганидир. Асосий моҳият-маъноси эса, давлатимиз раҳбари айтганидек – инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшамоқ, яъни одамийликнинг олий мезони билан ўлчанади.

2017



## ЯХШИЛАР ИЧРА ВАТАН

---

Олам ўзгараради, одам ўзгарар. Ҳаёт ўзгаришлар билан файзли, тириклик янгиланишлар, янги хушхабарлар ила жозибы кўркам.

Куёш китобининг зарҳал саҳифалари янги интилишлар ва ўзгаришлардан дарак бераётур. Эски замонларнинг оташнафас шоири “Одамзодни, унинг қалбидаги эзгуликларни емирадиган ҳар қандай тараққиёт ёвузликдир”, дер экан, айни пайтда “...ҳеч қандай геосиёсий ўзгаришлар ҳамда эврилишилар ўзбеклар қалбидаги меҳр ва олижанобликни ҳеч қачон ўзгартиrolмайди”, дега ўз эҳтиромини баён этади.

Зотан, минтақалар бедор, қитъалар уйгок...

Она юртим – олтин бешигим. “Ёмғир билан ер күкарап, тинчлик билан эл күкарап”, дейди донишманд халқ. Бирок бугунги давру замонда бир халқнинг алоҳида күкариб яшамоги мумкин эмас, дейди шу халқнинг донишманд фарзанди.

Марказий Осиё, минтақалар, эллар ва элатлараро муносабатлар. Катта ва кичик давлатларнинг раҳбарлари ҳам уйғоқ дарёларга ўхшайдилар.

**“Сизнинг дипломатияда янги анъаналарга асос солаётганингиз, давлатлараро аҳамиятга молик ма-салаларни ҳал қилишда ностандарт ва самарали ёндашувларни намоён қилаётганингиз таҳсинга сазовор. Сиз... бутун минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка ижобий суръат бағишиладингиз...”**

**“Сизнинг ташриф давомида бир неча бор янграган “Дардингизни ўз дардимиз, ғалабангизни ўз ғалабамиз сифатида қабул қиласиз” деган сўзларингиз бизнинг халқимизга эзгу муносабатингиз ифодаси бўлиб, қалбимдан чукур жой олди”.**

Дунёга “Манақ” сингари ўлмас эпосларни берган, Чингиз Айтматовдек улуғ адиллар юрти – Қирғизистон раҳбарининг муҳтарам Президентимиз ҳақидаги дил сўzlари бу!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг замонавий давлатчилигимиз тарихида улкан ўзгариш ясаган воқеа – мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси – том маънода қалбларни, онг ва тафаккуримизни жунбишга келтириб, таъбир жоиз

бўлса, унча-мунча нуктадон ёзувчи-шоирларимиз ҳам фикр ва қамровнинг қўламию салмоғидан ўз ҳаёти ва ижодини қайта бошдан таҳлил қилишга ундади. Тўрт соатлик тарихий Мурожаатномадан иқтибосларни қайта-қайта келтириш ниҳоятда зарур ҳамда муҳимдир. Уларда минтақамиз, Ватанимиз ва ҳар биримизнинг тақдиришимизга дахлдор, керак бўлса, ҳаётимиз, фаровонлигимиз, тараққиётимизнинг мустаҳкам асослари яқъол намоён.

“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”.

“Инновация, бу – келажак дегани...”

“Барчамиз бор ҳақиқатни уннутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”.

“Шу билан бирга, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида сидқидилдан хизмат қилаётган юртдошларимизни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш бўйича қабул қилинган барча қарорларимизнинг ижроси, албатта, таъминланади.

Нега деганда, ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик – бу игна билан қудук қазишдек машаққатли иш. Буни билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур”.

“Албатта, Мурожаатномада баён этилган мақсад ва вазифаларни ҳал қылувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очиқ айтиш керак. Лекин халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, таңлаган йўлимидан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди”.

“Яна бир муҳим янгилик – Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистонда ва бир қатор вилоятларимизда улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди”.

Давлатимиз раҳбари эртасига Миллий боғ ҳудудидаги Ёзувчилар уюшмасининг янги биносига кириб келаркан, ижод аҳли вакилларига қарата айтган илк муборакбод сўзлари ҳам, ундан сўнг адабиёт ва ёзувчининг бугунги дунё ҳамда жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги тे-ран фикр-мулоҳазалари ҳам ҳудди кечаги тарихий Мурожаатноманинг узвий давоми сингари қалбларни ҳаяжонга солди.

“Бу энди фақат бино. Ижод бўшлиғи, бу – энг ёмон бўшлиқ. Бу бинони мазмун-маъно билан тўлдириш керак. Мен бу бинони нима учун қурдим?.. Менга муҳит керак. Менинг ҳам юрагимда армоним бор. Армон қон билан ёзилади. Йигирма беш йил ичida қайси ижодкорга шарт-шароит қилиб бердик? Худо ҳар кимга ҳам илҳом бермайди ахир. Ижодни авайлаган давлат ҳеч қачон кам бўлмайди...”

Шу ўринда Президентнинг сўзлари Абдулҳамид Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса – миллат яшайди” деган сўзлари билан ҳамоҳанг жаранглади. Зулфия опанинг ҳаёти, меҳру вафоси билан садоқатини ибрат мактаби қилиб, бугунги ёшларга кўрсатиш, Ватанга муҳаббатни шундай улуғ адибларимизнинг матонатга тўлуғ умр йўлларидан ҳам ўрганмоқ керак бўлади. Шу маънода ҳар бир мактабда адабиётга йўналтирилган биттадан ижод синфи очиш, иқтидорли ўғил-қизларимизни шундай дарсхоналарда жамлаш ҳақидаги таклиф айни муддао бўлди. Бир синфда ўн-ўн бир йиллик таълим давомида, дейлик, ўттиз нафар иқтидорли фарзандларимиз ўқиб камол топса, келажакнинг юртимиз шаънини оламга тараннум эта-диган улуғ-улуғ шоири ёзувчилари шулар орасидан чиқади-да!

Зулфия опанинг “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали!” деган сўзлари башорат сингари янграгани, бу кўркам бино билан Адиблар хиёбони шунинг амалдаги ифодаси – шу башоратнинг файзли-хосиятли тимсоли экани алоҳида эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг бу эътибор ва эътирофлари адибларимизга қанот, илҳомларига юксак парвозлар бағишлиши шак-шубҳасиз. Алишер Навоий бобомизнинг асрий орзуси кўз ўнгингизда рўёбга чиққандек, ул улуғ зот юртимизнинг баланд айвонидан туриб, “Умидингизга етганингиз рост бўлсин, муборак бўлсин!” дея олам ахлини ҳам аҳиллик ва яхшиликка даъват қилиб тургандек...

Улуғ бобокалонимиз “Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий не тонг, Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило” дея лутф

этганларидай, бу кўркам хиёбонда фақат яхшилик ва олий-жанобликка чорловчи, ёш авлодни юксак инсонийлик руҳида тарбияловчи, қалбларни түғёнга солувчи нафис мажлислар муттасил давом этмоғи муқаррар.

“Ҳаёт ўзи курашдан иборат. Ҳар қандай жилмайиб юрган одамнинг ҳам ичидаги бир фам-ташвиши бўлади”.

Президентимизнинг бир муддат аввал Тошкент вилоятининг янги уй олган хонадонига ташриф буюриб, оила аҳли даврасида айтган бу сўзлари замирида адабиёт аҳлига таалуқли буюқ ҳикмат яширинганд: Адабиёт – одамлар кўнглидаги ана шу фам-ташвишни кетказиши, ҳар қандай мушкул ҳолатда ҳам инсон бўлиб қолмоғини таъминлаши, тарбиялаши керак!

Навоий бобомизнинг “Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл”, деган машҳур сатрларининг мазмун-моҳияти ҳам, шу боис, мана, неча асрлар ўтибдики, ҳамон эскиргани йўқ.

Яқиндагина Нукус шаҳрида бунёд этилган Қорақалпогистон ва Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги мактаб, Ватанимизнинг бошқа вилоятларида ташкил этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги шундай билим даргоҳлари, ёш ижодкорларга эътибор ва амалий рағбат – барча-барчасидан мақсад-муддао – яхшилик ва эзгулик, буюқ адабиётимиз ва халқимизнинг шаъни-ғурурини оламга тараннум этиб, ўз боболаримизга муносиб авлодларни камол топтиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Адабиётимиз яна уйғонди. Үнга мәхр ва эътибор, юқсак ғамхұрлық билан түрткі берилди. Үстозларимиз қалбидә ёш ижодкорларимиз юрагида кучли ҳаяжон, бетакрор илхом қудрати жүш ураяпты, десам, айни ҳақиқат. Чунки энди бизнинг гул вақтимиз келди. Биз Ватан ичра маҳобат-ли бадиий сүз биноларини, албатта, бунёд этамиз.

\* \* \*

*...Юртни юрт айламиш янгича гурур,  
Янги онг ва шуур, янги тафаккур.*

*Элда қанча ҳайрат, янгиланишлар,  
Қолған ёнишларинг – янглиш ёнишлар.*

*Меҳрларинг синдир банд-бандларингга,  
Гул-гул Ватан қолдирип фарзандларингга.*

*Токи бунёдингни зурёдинг берсин,  
Оллоҳ бундан сүңг ҳам муродинг берсин.*

*Дунё ўзгаради. Одам ўзгарар,  
Одам ўзгаради. Олам ўзгарар.*

*Эзгу ишлар билан ёнсин жон ва тан,  
Ўзгаришлар билан Ватандир Ватан.*

2017



## ЗОМИН СЕМИНАРЛАРИ СОГИНЧ ВА ҲАЯЖОНЛАР

---

Инсон ҳаётида шундай номлар, манзиллар бўладики, уларнинг меҳру соғинчи бир умр дилда яшайди. Қалб ва онгни тарбиялашга, одам болаларини бир умр эзгулик ва олижанобликка интилиб яшашга ўргатади.

Бир булбул умрича умр кўрган гулнафас шоиризиз: “Энг гуллаган ёшлик чофимда, Сен очилдинг кўнгил боғимда. Шунда кўрди кўзим баҳорни, Шунда қалбим таниди ёрни” сингари бетакрор сатрларни битар экан, ўз қалби ва шеъриятининг наубаҳори билан шунча соғинчу изтироблар, илинжу интизорликларни ортда қолдириб, бир умрлик ҳажру айрилиқлардан сўнг, ниҳоят орадан роппа-роса ет-

миш беш йил ўтгандан кейин Тошкентда бино этилгувчи Адиблар хиёбони ёки Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги майдонда дийдорлашиш насиб этмоғини хаёлига келтирганмикан?..

Беихтиёр устоз юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган гўзал назм намунаси, таржимада бўлса ҳам башорат янглиғ янграган “Мени кутгил” шеърининг гўзал ва армонли сатрлари хотирга келади:

*Мени қутгил ва мен қайтарман,  
Ўлимларни қолдириб дөгда.  
Иши ўнгдан кепти десинлар  
Кутмаганлар мени у чогда...*

Шу ўринда, улуғ адибларимиз, азиз муаллимларимиздан изн сўраб, уларни пойттахтдаги нафис мажлислар хиёбонида қолдирамиз-да, бундан йигирма йил бурунги тарихга, аниқроғи 1997 йилнинг айни ёз чилласида олам-олам завқу ҳаяжонлар оғушида яшаётган Жиззах вилоятига, унинг сўлим тофу тошлари бағрига назар ташлаймиз.

Тасаввур қилинг: мустақилликка эришганимизга эндиғина олти йил бўлаётган қийин ва машаққатли паллалар. Низою адоватларга тўлуғ нотинч, сертахлика дунёда дўсту биродарларимиздан кўра бизга менсимай, олайиб қарайдиганлар кўпроқ. Темирйўлларимиз қурилмаган, “Афросиёб” тезюарар поездларимиз ҳали биз учун чўпчак... Собиқ мустабид тузумнинг синиқ қовурғаларини эслатувчи эски

күпприклару чала-ярим бинолар деярли ҳар қадам, ҳар гүшада учрайди. “Яңги уй құрмай туриб әскисини бузманг” деган, үз вақтида айтилған чуқур, теран мазмұнлы ҳикмат ижтимоий ақамият ва залвор касб этган. Ҳалол ва меңнаткаш халқымиз тарихий синовлар қаршиисида иродаси букилмай, узоқни күра оладиган мард ва матонатли раҳнамоси Ислом Каримов бошчилигида келажакнинг буюк биносини бунёд этишга азму шижаат билан бел боғлаган. 1991 йилда түгилған ўғил-қызларимиз эндигина олти ёшга тұлған, уларнинг мактабга боришига ҳали бир йилча вақт бор... Қийинчилик ва муаммолар, ечимини кутаётған, ҳал қилиниши зарур бўлған улуғвор ишлар ва режалар бениҳоят кўп. Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин дейилганидай, эл-улуснинг, айниқса, ёшларнинг ҳаётга ишончини мустаҳкамлайдиган, эртанги кунга умид уйғотадиган ҳар қандай эзгу ташаббус, амалга ошириладиган ҳар қандай хайрли ният сув билан ҳаводай зарур бўлған қийин ва мурракаб ўтиш даврида адабиёт ахлига, аниқроғи, ёш ижодкорлар кўксига сўлим Зомин тоғларидан бир салқин насим, жонбахш-ҳаётбахш бир шамол эсиб қолди-ку!..

Мамлакат адабий ҳаётида, адабий жараён ва жамоатчилик орасида, айниқса, ёш ижодкорлар учун нуфузи ва мақомига кўра том маънода чинакам адабиёт байрамларига айланған, не-не устозлару шогирдларнинг юракларини жимиirlатиб орзиқтирган Зомин семинарлари ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Ўриклисойнинг бетимсол табиати манзаралари билан ака-ука, опа-сингил тутинган бу бетакрор



адабиёт байрамларининг, ёшлиқ ва суур ғанжуманлари-нинг ҳақиқий ижодкори, чин ташаббускори ўша кезларда Жиззах вилояти раҳбари лавозимида ишлаган муҳтарам Шавкат Мирзиёев – ижтимоий фаолиятию иш тартиби ўта тифиз бўлишига қарамасдан, катта эътибор ва хайриҳохлик билан ўзи эгалик қилиб, ўзи бош-қош бўлган ҳолда ғанжуманни юксак мақомда ташкиллаштириб, ўтказиб бергани боис, семинарнинг акс-садолари билан қувончу ҳайратлари тез орада бутун мамлакатга ёйилиб кетди.

Ташаббус билан фоя – адабиётсевар ва маърифатпарвар раҳбарга таалуқли бўлгани, фоя ва ният муаллифининг ўзи уни амалга оширишда бевосита раҳбарлик қилиб иштирок этаётгани-ю, ёш шоирлар билан баб-баравар завқу шавқقا тўлиб, қувониб-шодланиб ўтиргани – шу биргина ҳолатнинг ўзи семинарнинг нуфузини ҳам, мавқенини ҳам янада юқсалтириб юборган, бу кутилмаган эътибор ва хайриҳохликдан анча-мунча давра кўрган тажрибали устозлар ҳам ҳаяжонга тушган эди.

Ўша пайтларда шаҳар ва туман миқёсида ўтадиган кўпгина адабий йигинларда аксарият маҳаллий раҳбарларнинг қатнашиши у ёқда турсин, ижод аҳлига рўйхуш бермасдан, адабий-маънавий тадбирларга нописанд қараганига кўп бора дуч келган, шунга кўниккан кексароқ адилар учун бу янгилик ростакамига ҳайратланарли эди.

Бугун энди ўйлаб, муқояса қилиб кўрадиган бўлсак, адабиёт ва ижод аҳлига эътибор, ёш истеъоддларга кўрса-тилаётган амалий ғамхўрлик, китоб ва китобхонлик маса-

лалари, адилар хиёбони ва унинг доирасида Ёзувчилар ўюшмасининг янги биносини бунёд этиш, атоқли адиларимизнинг номи ва ҳурматини жойига қўйиш сингари эзгу ишлар борасида давлат раҳбари даражасида қабул қилинганд қарор ва ҳужжатлар, мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, биринчи навбатда дарҳол ярқ этиб қўзга ташланадиган, бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ишончли тимсоли, жонли белгисига айланган халқ қабулхоналари-ю одамлар билан очиқдан-очиқ гаплашиш, мулоқот олиб боришдек эзгу амалларнинг ilk тамал тошлари ҳам ўша Зоминдаги муборак анжуманларда қўйилган десак асло муболага бўлмайди.

Куни кечагина таниқли бир шоир укамни саволга тутсам, "Бизнинг орзу-умидларимиз Зоминда, Ўриклисой ўрикларида куртак ёзган..." дея жуда жўяли жавоб қилди.

Бир оддий куртак гул бўлгунига довур, ундан барг ёзиб, фўра туғиб, токи мева бўлиб пишиб-етулгунга қадар кечадиган фурсатда қанча таҳдид билан хавф-хатар, совуқ изғириналару дўл-ёмғирларга дучор бўлмоғини ҳам, албатта, ҳамиша ёдда тутмоқ шарт ва зарур. Тирикликнинг гулчечакларини ҳар он, ҳар соат ўйлаб яшайдиган, ширин-шакар неъматларини кўз қорачиги билан юрак-юрагида асрраб-авайлаб ўстирадиган эл-юртдагина таъми аччик ва тахир пушаймон мевалари камроқ бўлади.

1997 йилда туғилган фарзандлар бу йил йигирмага кирди. Ўшанда олти ўшда бўлган ўғил-қизларимиз бугунги кунда керакли билимларни олиб, ўзлари ҳам оиласи,

бала-чақасига бош бўлиб, катта ҳаёт майдонида юрт сўраб туришибди. Йигирма йил давомида дунё неча бор эврилиб, алғов-далғов бўлса-да, одамзоднинг эзгу орзу-армонлари ҳамон эскиргани йўқ. Минг афсуски, дунё бўйича жаҳолат ва разолатнинг хуружи ҳам зўрайса зўрайганки, асло камаймаган. Илм ва маърифатга, инсонийлик ва олийжанобликка талаб ҳам, эҳтиёж ҳам катта. Одам болалари меҳрга ҳам, маърифатга ҳам ҳамон ташналигича қолмоқда.

Ўшанда, бундан йигирма йил олдин бутун бошли мингийилликнинг анжом топшишига ҳам, инсоният тамаддуни ва тарихининг янги учинчи мингийиллиги бошланишига ҳам бор-йўғи уч йилгина муддат қолган фала-ғовур бир пайтда, минг-минг асрларнинг тифиз ўтиш паллаларига тўғри келган Зомин семинари ҳақида бугун йигирма йил аввалги газеталарда ўқиймиз. Устоз Абдула Орипов:

– Мамлакат ёш шоир ва ёзувчиларининг Зоминда ўтган анжумани foятда самарали бўлди. Биз бу анжуманга шунчаки навбатдаги тадбир сифатида қарамаслигимиз керак. Негаки, ёш ижодкорларнинг семинар-кенгашини ўтказар эканмиз, кўнглимизнинг бир четида унчалик ҳам осон бўлмаган хозирги шароитда ёшларимиз адабий-бадиий ижоддан тирикчилик йўлига кетиб қолмадимикан деган хавотир йўқ эмас эди. Энг муҳими, ҳеч бир лофсиз, баландпарвоз гапларсиз, барадла айта оламизки, оққан дарёларимиз оқиб турибди экан... Айни чоғда ёшларимизга баъзи топшириқларимиз ҳам йўқ эмас. Инсон ўз қалбини қанчалик тадқиқ этса, ўша қалбда яшайдиган Халқ ҳамда Ватан туй-

Гуларини ҳам шунчалик теран ва самимий тадқиқ этмоғи лозим... Умуман, семинар-кенгашда бир қанча ёш ижодкорларни кўришга, уларнинг ижод намуналари билан танишишга мұяссар бўлдик. Шу ўринда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган вилоят ҳокимлиги, турли жамғармалар, муассасаларга раҳмат айтишни бурчимиз деб биламиз. Айниқса, Жиззах вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев, Зомин тумани ҳокимлиги раҳбарлари анжуманимизнинг бевосита ҳомийлари бўлдилар. Зомин тоғларидан хушманзара оромгоҳда элликдан ортиқ ёш истеъдодларни кучоқ очиб кутиб олдилар, барча зарур шароитларни яратиб бердилар... Мен аминманки, бугундан эътиборан Зомин адабий мактаби деган атама ҳам ижод оламида кенг урф бўлади...

“Туркистон” газетаси 1997 йилги 5 июл сонида Зомин адабий сабоқлари ҳақида шундай ахборот беради:

– Куни кеча Жиззах вилоятининг Зомин туманида Республика ёш ижодкорларининг семинар-кенгаси иш бошлиди. Мазкур анжуман Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жиззах вилоят ҳокимияти билан ҳамкорликда ташкил этилган. Машғулотларга таниқли шоир ва ёзувчилар бошлилик қилмоқдалар. Жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллиги шароитида қутлуғ анъаналарга таянган ҳолда истеъоддли ёшлар билан ишлаш соҳасида ҳам янги-янги уфқлар очилмоқда. Жумладан, мазкур семинар-кенгаш жаннатмакон юртимизнинг афсонавий гўшаларидан бирида, гўзал табиат оғушида ўтказилаётган дастлабки ижодий анжумандир. У мустақилликка эришган юртимиз жамоли-

ни юксак бадиий шаклларда тараннум этиш йўлидаги янги бир қадам бўлиши муқаррар...

Айтиш жоизки, Зомин семинарига қадар ҳам бу йўсингаги йигинлар, адабий анжуманлар ўтказилиб келинган бўлса-да, уларнинг даражасию нуфузи талабга жавоб бермас, кўп ҳолларда тарқоқ ва расмиятилик нуқтаи назаридан ташкил этиладиган бундай анжуманлардан кейин бўладиган гурунгларнинг бор-йўқ индаллоси “юмалоқ ёстиқ қилиб қайтдик”дан нарига ўтмас эди. Албатта, Ёзувчилар уюшмаси. Ёшлар саройида бир пайлар Миртемир ва Файратий домлалар раҳбарлик қилган семинар-дарслар, “Туркистон” газетаси қошидаги адабий тўғарақда устоз Асқад Мухтор иштироқида кечган маҳорат сабоқлари, Дўрмон, Мироқидаги учрашувлару Республика ижодкор ўқитувчиларнинг вилоятларда ҳар икки йилда бўлиб турадиган танловлари, шунингдек Москва, Тбилиси, Владивосток шаҳарларида ўтказилган ёш ижодкорларнинг Бутуниттифоқ семинар-фестивалларигача – эслаб гагирса арзийдиган йигинлар ҳам бор эдики, уларнинг қадри ва аҳамиятини заррача камситмаган ҳолда баралла айтиш мумкинки, Зомин анжуманларида бўлгани каби баланд мақомдаги эътибор, хайрихоҳлик ва ташкилотчилик, фахру ифтихор билан ғуурбахшлик уларнинг бирортасига ҳам насиб этмаган.

Шу муносабат билан ёшлар газетаси ўринли муқоясанларни келтиради:

– Яна бир ҳолатни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардикки, мазкур семинар-кенгашда шўро тузу-

ми давридаги ижодкорни яшамай қаратишга қаратилган хўжакўрсинг сиёsat сабаб, элликни қоралаб қолса-да, ёш ижодкорлар сафида уялмай-нетмай судралиб юрувчи қалами ночор қаламкашлар мутлақо йўқ. Демоқчимизки, бутун дикқат-эътибор айни балогат ёшида турган, адабиёт борига ёниб кириб, уни обод қилиш иштиёқида куйиб-пишиб юрган том маънодаги истеъдодларга қаратилгандир... Зоро, донишмандликда ҳам беназир халқимиз “Бўладиган бола ўн бешида бош бўла оладиган истеъдодли ёшлар унинг келажагидир...

Биз Навоий бобомиз башорат этган нафис ва гўзал адабиёт мажлисларига ростакамига шу маъвода гувоҳ бўлдик. Ҳали мактаб партасида ўтирган чоғларимизда устоз Ҳамид Олимжоннинг “Бунда булбул китоб ўқийди” сатрлари мазмунини илғамасдан, фаҳмига етмай юрган эканмиз. Булбулларнинг ҳаёт ва ёшлик нашидасидан завққа тўлиб, “чаҳ-чаҳ” айлаб китоб ўқишилари-ю, шеър айтишларини биз жаннатмакон шу гўшада ўз кўзимиз билан кўрдик. Ёш юракларга Зоминсойнинг тошқин мавжлари билан тўлқинланиб киргувчи, Ўриклисойнинг тонгги саболари билан шайдо кўнгилларни жонбахш насимларга тўлдиргувчи бетимсол ва бетакрор бу тоғу тошлар, қир-адирларнинг ҳар гиёҳ, ҳар майласидан Ватан иси анқийди. Она юртнинг, азиз ва табаррук тупроқнинг бўй-ифорлари қалбларни, туйгуларни юксакка кўтаради. Инсон кўкси бу ерда осмонга айланади. Ёш кўнгиллар Ватан дарсини, инсонийлик ва меҳру садоқат сабоқларини шундан ўрганадилар.

Зомин семинарлари ташкил этилган кундан бошлабоқ, унинг овозасию орзу-ҳаваслари бутун мамлакатнинг шахру қишлоқлари бўйлаб элу элдошларимиз қалбida, айниқса, ёшлар орасида кенг акс садо берди. Одатда, бундай ҳолларда “аҳоли кенг қатламларида” деган ибора кўп ишлатилиди. Ўша йилларда “аҳоли кенг қатламлари” кимлар эди? Тасаввур қилинг: мустабид тузум чангалидан эндиғина ҳалос бўлиб, катта азму шижаат билан мутлақо озод ва обод Ватан, янги ҳаёт, янги турмуш қуриш йўлига ўтган, дунёга ҳам, унда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳам ҳали ҳадик-хавотир билан қараётган мард ва матонатли бир эл, бир буюк ҳалқ. Дехқонлар, ўқитувчилар, ишчилар ва зиёлилар. Бинокорлар ва қурувчилар. Косиблар билан хунарманлар. Чўпон-чўлиқлару миришкор-боғбонлар. Ва буларнинг барчасида бутун ҳалқ ва миллатнинг ўй-ташвиши билан бирга, ўз қувончу изтироблари, ўзига яраша орзу ва армонлари ҳам бор эди. Ватанимизнинг барча гўшаларидан қалдирғочлардай тизилишиб, қаторлашиб Зомин анжуманига келган умидли ўғил-қизларимиз ҳам бегона эмас, айнан шу ҳалол ва танти элнинг, камтарин ва хоксор шу ҳалқнинг дилбандлари, жигарбандлари эди. Кўркам, навниҳол шу бўйгиналари хуш қадду қомат касб этгунга қадар ота-оналари қанча қонлар ютган, қанча-қанча уйкусиз кечаларни мижжа қоқмай бедор ўтказган. Анжумандан мақсад: йилт этган учқун, шуъла сочган истеъдод борки, илғаб топиш, кўнглини кўтариш, тўғри маслаҳат бериб, тўғри йўлга йўналтириш.

Энди айтиш мумкинки, Зомин семинарлари ўз номи ва даражаси, мавқеи ва нуфузи нұқтаи назаридан сабиқ итти-фоқнинг бирон бир республикасида – на Болтиқбүйи ва на Россия, на арман диёри ва на туркман элида – бوشқа бирон бир мамлакатда ёш ижодкорларнинг бунга ўхшаш давлат миқёсисида катта меҳр ва эътибор билан ташкил этилган кенг кўламли ижодий анжуманларнинг ному нишони ҳам йўқ эди.

Семинарнинг ilk машғулотларига жалб этилган устозлар, катта-кичик таниқли шоирлару адиллар рўйхатига бир кур назар ташлаб ўтишнинг ўзиёқ, анжуманга нечоғли жиддий эътибор билан қаралганини билдиради:

Пиримқул Қодиров, Жуманиёз Жабборов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Раҳим, Ҳусниддин Шарипов, Турсуной Содикова, Маъруф Жалил, Ҳалима Худойбердиева, Александр Файнберг, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Йўлдош Сулаймон, Усмон Азим, Аҳмаджон Мелибоев, Иброҳим Дониш, Туроб Мақсуд, Муҳаммад Салом, Энахон Сидикова, Исмоил Тўхтамишев, Икром Отамурод, Янгибой Кўчқоров, Азим Суюн, Маҳмуд Тоир, Турсин Али, Шарофат Ботирова, Шарифа Салимова, Муҳаммад Юсуф, Сафтер Нўгоев, Собир Ўнар, Салим Ашур, Иқбол Мирзо, Рустам Мусурмон, Бахтиёр Генжамурод, Абдували Кутбиддин...

Илк машғулотларда асарлари юқори баҳо олиб, устозларнинг таҳсисинига сазовор бўлган ёш ижодкорлар: Уйғун Рўзиев, Хосият Рустамова, Шодмон Сулаймон, Нодир Жонузок, Гулжамол Аскарова, Бобур Бобомурод, Ориф

Тўхташ, Воҳид Луқмон, Файрат Мажид, Мухтасар Тожиматова, Зилола Хўжаниёзова, Адиба Умирова, Ойдиннисо, Мехринисо, Гўзал Бегим, Муҳиддин Абдусамад, Шодмонқул Салом, Даврон Ражаб, Шоди Отамурод... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин ва бугун, олди қирқ-қирқ бешга қараб бораётган бу шоир-ёзувчиларнинг “чатппор уриб гуллаган” чоғлари айнан Зомин семинарларида, Ўриклисойнинг сурурбахш сув ва ҳаволари қўйнида содир бўлганини уларнинг ўзи ҳам соғинч ва орзиқиш билан эсламоги муқаррар.

“Зомин” номи дуоларимиздан “Омин” сўзи билан эгиз-қофиядош келганида ҳам самовий бир ҳикмат илғаган устоз адиларимиздан бири шундай лутф қилган экан:

- Хушманзара Зомин диёри бир “Омин” десинки, илоҳим, шу ёшлар орасидан бугунги Чўлпонлару Ҳамид Олимжонлар, улуф Қодирийлар чиқсан!..

Бевосита Жиззах тўғрисида, қадим ва табаррук бу тупроқ ҳақида гапирилганда, унинг номи билан таърифу тавсифи кўхна “Зафарнома”лару жаҳонга машҳур тарихий китобларда келганини айтиб ўтиш жоиз. Захириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари “Бобурнома” китобининг “Тўққиз юз еттинчи (1501–1502) йил воқеалари” фаслида кўп ранжу машиқатлар тортиб Жиззах сарзаминига келганини алоҳида қониқишиш ва хушнудлик билан эслайди:

“Халилиядан Дизак келилди... Семиз этлар ва майда этмаклар арzon, чучук қовуңлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усрattин мундоқ арzonлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук... Умрумизда мунча фароғат қил-

майдур эдук. Муддатул-умр амонлиғ ва арzonлиғ қадрини мунча билмайдур эдук. Ишрат усрattин сүнг, фароғат ма-шаққаттин кейин лаззатлироқ ва яхшироқ күринур... Мун-доқ душман балосидин ва очлик ибтилосидин халос бўлиб, амонлиғ роҳатиға ва арzonлиғ фароғатиға етуштук. Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук..."

Умрининг энг қийин даври, хорлик-саргардонликда кечган айни ёшлиқ-навқиронлик паллаларида Темурийзо-да сulton Бобур Мирзо Жиззахга келиб уч-тўрт кун ором ва осойиш топади. Ба бу тинчлик-фароғатта эришган тан-сиқ-ғанимат дамларининг ўзи учун нечоғли қадрли ва азиз эканлигини чин қалбдан, меҳр ва миннатдорлик билан ўз эсадаликларида алоҳида қайд этиб қолдиради. Бобур Мир-зонинг ўша кезларда эндигина ўн етти-ўн саккизга тўлаёт-ган ўстирип ёши билан ул зотнинг шоирлигини ҳам инобат-га олиб, юқорида "Бобурнома"дан келтирганимиз парчадан тарихий саналарни олиб қўйсак агар, романтик хаёлларга берилувчи соддаваш ҳозирги замон ўкувчиси, мисол учун шоир Даврон Ражаб дейлик, ҳеч иккиланмасдан "Бобур ҳазратлари ҳам Зомин ёшлар семинарига қатнашган экан-лар-да... Кўришмаган эканмиз-да..." дея юрак-юрагидан ар-мон қилиши турган гап...

Зомин семинарлари қалб ва руҳда яшайди, соғинтира-ди, орзиқтиради. Бу анжуманлар сира тугамайди. Устоз ва шогирдларнинг соғинчлари билан сабоқларида, адабиётсе-вар қалбларнинг орзу-умидлари билан ҳавасларида Ватан дарслари янглиғ эзгулик ва садоқатга чорлаб давом этаве-ради.

Эзгу фоя, олижаноб ният ва мақсадлар ўзининг бардавомлиги билан, одамлар ва элу юрт ҳаётидаги чиройли амалий ифодаси орқали ҳам янада кўрк ва жозиба баҳш этади. Фоянинг ҳаётий-ижтимоий нуфузи билан ахлоқий аҳамияти икки баробар ошиб, у энди тўғридан-тўғри жамият ахлининг маънавий-маърифий тарбиясига хизмат қила бошлайди.

Тарихий “миллениум”лар – мингйилликлар чорраҳасини ортда қолдириб, 1997 йилдан йигирма йил келажакка, яъни бугун ўзимиз яшаётган, “асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал” бўлаётган шиддатли замонга қайтарканмиз,баногоҳ бетларимизга урилган Зомин шамолларидан баҳридилимиз ёришиб кетади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 апрель куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида берган топшириклари ва уларни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни бандма-банд кўриб чиқаркансиз, адабиёт ва ижод ахлига бўлган алоҳида хайриҳоҳлик ва эътибордан кўксингиз Зомин тогларидай ўсаётганини сезмай қоласиз.

Энди ҳар йили мунтазам тарзда ўтказиладиган Зомин семинар-кенгashi қатнашчилари – она диёримизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган истеъдодли ўғил-қизларимиз олам-олам завқу ҳаяжон билан Жиззах тупроғига қадам кўяркан, энг аввало, атоқли давлат арбоби ва устоз адиб Шароф Рашидов ёдгорлигини зиёрат қиладилар. Ундан устозлари номидаги хиёбонга ўтиб, Ҳамид Олимжон билан Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўядилар. Эҳтиром-

ни бажо келтириб бўлгач, устозларининг тоза-озода баҳорий байтларимисол сўлим хиёбондан ўтиб бориб, янги бино этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи билан яқиндан танишиш бахтига мұяссар бўладилар. Уларга бу суурубахш адабий-маърифий сайрлари давомида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёт фанига ихтисослашган янги мактаб-интернатнинг зукко ўқувчилари мезбон сифатида беминнат ҳамроҳ бўладилар.

Ҳали Ўриклисойга етиб боргунга қадар семинар дастурига киритилажак шу сайру зиёратлар билан улардан оли-нажак таассуротларнинг ўзиёқ яна бир муҳташам адабий аңжуман бўлгулик мазмунга эга. Бунинг яна бир номи – Ватан дарси, Ватанни ўрганиш дарси деб аталади. Адабиёт сабоқлари, ибрат ва ҳавас мактаби, орзу ва умидлар дарсхонаси дейилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган кенг қамровли дастурий маъruzасига Ҳамид Олимжоннинг машхур “Шундай ўлка доим бор бўлсин!” шеърий сатри сарлавҳага чиқарилишида ҳам теран ҳикмат яширин.

**“Она юртимиз ҳақида, Ўзбекистон ҳақида, – дея алоҳида таъкидланади маъruzада, – Ҳамид Олимжон-дек “Чаппор уриб гуллаган бөғин, Ўпар эдим ватан тупроғин”, дея ёниб куйлаш камдан-кам шоирга насиб этган...”**

Зомин семинарлари ёш истеъоддларга мана шундай фахру ифтихор билан ўз она Ватанини куйлаш саодати на-

сиб этмоғи учун ҳам, адабиётимизнинг катта орзу-умидларини ўзида мужассам этган ҳолда янгича мазмун ва мақом касб этаётир. Бу дарсхонанинг эшиклари ёпилмайди. Адабиёт сабоқлари, илму маърифат машғулотлари тугамайди. Шу азиз Ватаннинг билур сувлари, зангор ҳаволари билан ўт-ўланлари ҳам ёш кўнгилларга меҳру садоқат илмидан таълим берадилар. Қалблар сурур ва шукухдан жўш уриб, ёшлиқ завқи, фурур ва ифтихор ҳаяжонидан ёш юраклар ярқираган юксак чўққилардай сарафroz бўладилар.

Бундан салкам йигирма йил бурун марказий газеталар вилоят раҳбарининг Зомин анжумани қатнашчиларига йўллаган қисқагина дил табригини берган экан:

**“Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуг бўлсин!”**

Бугунги кунлар, эзгу ўй-ташвишларимизу инсоний орзу-ниятларимиз билан нақадар жондош-оҳангдош сўзлар!

Дарҳақиқат, Зомин анжуманлари тугамайди. Ватан дарслари, адабиёт ва инсонийлик сабоқлари давом этаверади.

*Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка элга ёр бўлсин!..*

10.19.06.2017й.



## **БЕЛАРУСЬ ДИЁРИНИНГ СЕВИНЧ ВА СОГИНЧЛАРИ**

---

Бу соғинчлар мактаб партасидан, аниқроғи, биз ўқувчилар учун ҳақиқий байрам соатларига айланған адабиёт дарсларидан бошланған эди. Акам Самарқанд университетига ўқишига киролмай, ҳарбий хизматта жұнагандан бері бор-йүғи биттагина хат ёзған, “Хозир карантиндамиз, хавотир олманглар, ўзим хабарини бераман” деганича түрт-беш ойдан буён – дам-дуд, на хати, на хабари бор.

Онам бўлса “Шу гўдаккинамни олис мусоғир юртларга ҳайдадими, Гирмон-пирмонга тушдими, Вингирга олиб кетдими ё мужбит бирон жойи оғриб қолгандир, бориб воинжаматдан дарагини сўрамайсизми?” дея ҳар кун тонг

саҳардан отамни тергагани-тергаган, мактабда эса ўзбек адабиётининг Иккинчи жаҳон уруши даври бошланган, адабиёт муаллимимиз “Кечқурун ош сузсак бир насиба кам, Қўмсайман бирорни аллакимимни. Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан васвасалар босар дилимни” дея “Софиниш”, “Сен етим эмассан”, “Қўлингга курол ол!” сингари шеърлардан жўшиб-тошиб парчалар ўқиш баробарида,Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Эди Огнешев, Янка Купала, Якуб Колас, Зулфия, Константин Симонов, Светлана Сомова сингари шоирларнинг ижодию таржимаи ҳолидан қисқа-қисқа айтиб ўтаркан, уруш сабабли эвакуация қилиниб, Тошкентда яшаган қардош адилларнинг матонати хусусида жонли хаётий мисоллар орқали ҳикоя қилиб берганида, биз ўқувчиларнинг баданларимиз жимирилаб кетарди.

Мени кутгил ва мен қайтарман.  
Ўлимларни қолдириб дозда.  
Иши ўнгдан кепти десинлар.  
Кутмаганлар бизни у чогда.

Бу шеър кейин бир умр менинг эсимдан чиқмайди. Унинг тўлиқ таржимасини ўзим Тошкентдан “Книга – почтой” орқали буюртма бериб олган китобим устоз адабимиз Одил Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса” номли қиссасидан топиб ёдлаб олганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Шоирларнинг шеърлари, оналар қалби-ю, болаларнинг кўнгли билан ғайб олами ўртасида бир боғлиқлик бор экан-да, буни қа-

рангки, эртаси куни адабиёт ўқитувчимиз Якуб Колас билан Ҳамид Олимжон дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги мавзусидаги дарсини тўлиқ ўтиб бўлгандан кейин, уйга борсам, онамлар хурсанд, отамнинг димоғи чоғ – Сайджаъфар почтальён билан гангур-гунгир гурунг қилиб ўтиришган экан. Сингилларим дарров мендан суюнчи олади: Акамдан худди Беларуснинг Белозёрск деган шаҳридан хат келибди. Яхши экан, карантини тугаб, соғ-саломат хизматларни бошлаб юборибди...

Отам беларусларни яхши кўрарди. Мард халқ, танти халқ, дерди. Брест деса, Минск деса чуқур ботган мунгли кўзларида дарров филт-ғилт ёш айланарди:

– Уйгинаси куйсин падарлаънат Гитлерни! Урушда энг кўп қирилган халқ ҳам беларус халқи бўлади, энг кўп жабру жафо кўрганам, илма-тешик бўлганам беларус тупроғи бўлади...

Тарих XX аср, сана 1973 йилнинг эрта баҳори, биз тўққизинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз – қийғос гуллаган олча тагидаги тупроқ супамизда отам, онам, почтальён ва сингилларим иштирокида кечган бу гапларга ҳам қирқ беш йилдан ошибди. Фашизм устидан қозонилган ғалабага эса ўшанда эндиғина йигирма етти йил тўлмоқда эди. Ғалаба – мурти-мўйлабини болта кесмайдиган норғул ўстриндай ёш ва навқирон эди. Мана энди, соч-соқоли бутқул оқариб кетган паҳлавон ғалабанинг етмиш беш йиллик табаррук санасини икки йилдан кейин бутун олам ахли ҳадик ва хавотир билан нишонлаш тараддудини кўраётир. Нима





учун ҳадик ва хавотир билан?.. Олам қалқиб турибди, дунё таҳликада, одамзод таҳликада.

“Танклар ёниб кетди, бизлар ёнмадик” дерди жангчи шоиримиз Назармат бобо.

Уруш менда яшайди, мен – урушда яшайман, деган экан Эрнест Хемингуэй.

... Беларусь Республикаси ахборот вазирлигининг 2018 йил, 1-2 сентябрь кунлари Брест вилояти, Иваново шаҳрида бўлиб ўтадиган Беларус ёзуви кунига бағишлиланган XXV анжумани, шунингдек анжуман доирасида ўтказиладиган “Бадиий адабиёт – бир-биримизга томон йўл топишнинг муҳим воситаси” мавзусидаги давра сұхбатига иштирок этишимизни сўраб юборган таклиф хатини олган кунларимиз Тошкентда **“Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари”** мавзусидаги халқаро конференциянинг қизғин тайёргарлик палладарига тўғри келгани билан ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этган эди.

Таклиф хати изидан, унинг тафти-ҳарорати ҳали со-вимай туриб, Беларус Республикасининг ахборот вазири Александр Карлюковичнинг “Буюк Алишер Навоийнинг азиз ворислари” дея бошлангувчи табрикномаси билан “Беларус қалби ўзбек сўзи учун ҳамиша очик” сарлавҳали, ўзбек-беларус адабий алоқалари тарихи ҳақида муфассал ҳикоя қилувчи, халқимиз ва адабиётимизга нисбатан юксак меҳр ва эҳтиром балқиб турган мақоласини олганимизда, муаллифнинг самимиятга йўғрилган дил изҳори-ю, мин-

натдорлик туйгулари биз учун ҳам нечоғли азиз ва қадрли эканини яна бир карра юрак-юракдан ҳис этдик.

Бу орада анжуманларимиз ниҳоялаб, дунёнинг йигирма тўрт мамлакатидан келган вакиллар қаторида беларусиялик меҳмонларнинг ҳам ҳурмат-иззатини бажо келтириб, қисқа муддат ичидаги мутлақо ўзгача қиёфа касб этган жона-жон пойтахтимизни томоша қилдиридик. Айниқса, Миллий боғимиздаги Адиблар хиёбони-ю, ундаги Ёзувчилар уюшмасининг янги кўркам биносини кўриб азиз меҳмонларимиз ҳайрат ва ҳаяжонларини яширолмай қолганда, уларга қўшилиб ўзимиз ҳам завқларга тўлдик.

Таникли адид, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор муаллим билан Низомий Ганжавий ҳайкали пойига гуллар қўйганимизда ҳам, бир кундан сўнг ярқираган “Афросиёб” поездидаги Самарқандга боргандаримиз-у, Жомий, Навоий боболарнинг назарлари қолган мадрасаларни биргаликда зиёрат қилганимизда ҳам соғинч бизни бир лаҳза бўлса-да тарқ этмади. Дийдор соғинчимиidi, адабиёт соғинчимиidi?.. Муаллим камгап-камсухан инсон экан, Тошкент аэропортида “Чўх гўзал! Чўх гўзал!”, “Соф ўлунг! Соф ўлунг!” дебон икки оғизгина сўз айтиб хайрлашди... Сал кейинроқ, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай Озарбайжоннинг “Адабиёт газети”да ҳассос муаллимнинг “Ўзбекистон таассуротлари” номли кенг қамровли сафарномаси чоп этилди. Сафарнома эмас – улкан адиднинг она Ўзбекистонимиз ҳақидаги кўнгил изҳори, ҳайрат ва ҳаяжонлари...

Раҳматли Шукур ака, Шукур Холмирзаев Миртемир домланинг “Дунё кенг, бибижон, кўзлар илғамас” сатрини

яхши кўрар, давраларда бот-бот такрорлаб, айтиб юради. Чексиз-чегарасиз дунёни кўзлар илғайдиган қилиб яқинлаштирадиган, етти ёт кўнгилларни бир-бирига ошно этиб, эллар-элатларни бирлаштиргувчи буюк куч ва робита адабиёт бўлса керакки, бунга биз халқаро анжуманимиз давомида, ундан сўнг – мустақиллик байрамигача қолган йигирма кунлик қисқа муддат оралиғида кечган қизғин адабий жараён, маърифий-маданий тадбирлару тифиз ижтимоий воқеалар мисолида яна бир карра амин бўлдик.

Давру замон шиддати қаламдан ҳам тез, вақт суръати сўз ва товушдан-да илдамроқ. Эндиликда замон ва одамзоднинг руҳий-маънавий эҳтиёжлари сўздан амалга ўтишни, халқлар адабиёти трансчегаравий мақомдан трансбашарий-трансдунёвий дарёларга айланмоғини даврнинг ўзи тақозо этаётир. Шу эзгу ғоялар, олийжаноб ниятларнинг амалдаги ифодаси сифатида давлатимиз раҳбарининг қарори билан илк маротаба буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўйнонбоевнинг таваллуд санаси она юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

10 август куни Абай бобонинг Тошкентдаги муҳташам ҳайкали қошида тантанали маросим ўтказилди. Ён-атроф гуллар-гулдасталарга тўлди. Шеърий орзу-тилаклар янгради. Ният ва ҳикматлардан кўнгиллар яшнаб, олам янада муనавварлашди.

Буюк адаб ва жамоат арбоби, “ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо” Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Президент қа-

рори, унинг ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар... Ташаббускори Чингиз оға бўлган халқаро нуфузли анжу-ман – октябрь ойида ўтказиладиган “Иссиққўл форуми”га иштирокимизни сўраб Қирғизистон ҳукумати номидан кел-ган таклифнома бўйича тайёргарлик жараёнининг завқу ҳаяжонлари, орзу ва умидларимизнинг ўзи бир олам. Улуғ адибнинг “Оlam бизни ўзгартиради, биз оламни ўзгартира-миз” деган ибратли гаплари бор эди. Ҳеч нарса бу оламда изсиз кетмайди дейилади қўхна китобларда. Боболар ҳик-мати эскирмайди, қўхнаргани сайин янгиланиб бораверади.

Вақтни ҳам шошириб, ҳовлиқтириб қўядиган шиддатли бир даврда яшаяпмиз. Одамзоднинг қасри бунёдини вайрон этувчи, эзгулик биносини емирадиган ёвузлик ва жаҳолатга қарши маърифат истеҳкомларини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам бани башар зиммасидаги оғриқли муаммо бўлиб ту-рибди.

Биз нима учун адабиёт деймиз? Таълим-тарбия, билим ва маънавият деб нима сабабдан бунча жон куйдирамиз? Пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларимиздаги Алишер Навоий, Низомий бобо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шота Руста-вели, Александр Пушкин, Тарас Шевченко, Махтумқули ва Оғаҳий, Ажиниёз ва Бердаҳ боболарга қўйилган ҳайкаллар ўзидан-ўзи пайдо бўлмагандир? Ибрат боболаримиз, Чўлтон ва Қодирийлар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия опалар бекорга яшаб ўтдиларми?Faфур Ғулом билан Ойбек домлалар-чи? Адиблар хиёбонидаги тош ҳайкаллардан жим ва сокин боқиб турган устозларимиз-чи, улар нима учун қаторлашиб

турибдилар? Мустабид тузумларнинг бор заҳар-заққуми юзугумларини юрак-юракларидан ўтказиб, Ватан ва миллат учун қон ютмаганми улар?.. Шунча иззат-икромлар фақатгина кўрк ё чирой ва ё дабдаба учун қилинмаётгандир?

1941 йилда янграган “Кўлингга қурол ол!” даъвати ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, дунё авзойини кўриб, “Кўлингта қалам ол!” дея ҳайқиргингиз келмаяптими? “Курашади икки тўлқин – қараб турайми” деганида Ойбек домла айнан жаҳолат ва маърифат, ёвузлик ва эзгуликнинг курашини назарда тутган. Бу кураш, аёвсиз бу мубориза ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис адабиёт масаласи – умумбашарий масалага айланди. Шунинг учун ҳам мустақиллик байрамига ўн кунлар чамаси вақт қолганда, пойтахтимизнинг қоқ марказидаги кўркам хиёбонда Беларус халқининг улкан адаби Якуб Колас ҳайкалининг тантанали очилиш маросимиға келувчиларнинг кети узилмади. Ён-атрофга одам сифмай кетди. Элчилар, арбоблар сўз айтишди. Кўнгиллар ёруғлиги порлоқ чеҳраларга кўчди, беларусча куй-кўшиқлар янгради, ўзбек ёш шоирлари қалдирғочлардай қатор туриб Якуб Колас шеърларини беларусча лаҗжада ўқиб берганларида, барча қойил қолди. Мехр-оқибатли, бағрикенг бир халқнинг бошқа бир миллатнинг улуғ фарзандига кўрсатган юксак эҳтироми ифодаси бўлмиш бу воқеанинг довруғи ўша куннинг ўзида етти иқлимга овоза бўлди. Беларусъ телевиде-ниесининг ахборот каналлари уни такрор-такрор намойиш этди. Буёғи Тошкентдан то Остонагача, у томони Минскдан Оврупо шаҳарларига қадар – қанча кўнгилларга нур инди,

беларус элиниң мунис ва мушфиқ онахонлари халқимиз ва давлатимиз ҳақига дуо қилди.

Беларусь диёрининг севинч ва соғинчлари. Бу халқ, жабрдийда бу тупроқ уруш ва қирғинлардан не-не талафотларни бошдан кечирмади дейсиз. Иккінчи жаҳон урушининг уч йили давомида Беларус ахолисининг учдан бир қисми – икки миллион икки юздан күпроқ киши уруш курбони бўлди, 138 минг беларус болалари етим қолди. Фашистлар томонидан 260дан күпроқ оммавий ўлим лагерлари қурилди. “Штапаге-352” деб аталмиш ўлим корхонасида 80 мингдан зиёд ҳарбий асирлар қатл қилинди. Минск шаҳридан ўн чақирим узоқликда жойлашган, собиқ итифоқ ҳудудидаги энг катта, Оврупо миқёсида олганда “Освенцим”, “Майданек”, “Треблинки” лагерларидан кейин тўртинчи ўринда турадиган “Тростенек” лагерида 200 мингдан зиёд киши курбон бўлди. 400 мингдан күпроқ беларуслар, уларнинг қаторида, жумладан, 24 минг ёш болалар Германияга мажбурий мардикорликка сургун қилинди. 1941–1944 йиллар – фашистлар босқинининг уч йили давомида Беларус диёрининг 209 шаҳри вайронага айлантирилди, 9200 беларус қишлоқлари талон-торож қилиниб, улардан 628 қишлоқ одамлари таг-томири билан бутунлай ёқиб юборилди.

...Беларусь диёрида шовқин йўқ, бекорчи қий-чувларни эшийтмайсиз. Минск шаҳридан Беларусь ёзувининг санасига бағишлиланган байрам тадбирлари ўтказиладиган Иваново шахригача – уч юз чақиримлик йўлнинг икки томони кета-кетгунча ўрмонзор, ям-яшил далалару қайнзорлардан

иборат. Оқ-оппоқ қайнинлар – уруш қурбонлари хотирасига мангу бош эгиб турғандай...

Бизни – мен билан “Ижод” фондининг ижрочи директори Шерзод Ирзоевни ўз машинасида элтаётган “Неман” адабий журналинг бош муҳаррири Алексей Черота икки манзилдаги икки нуқтага эътиборимизни қаратади.

Биттаси – ям-яшил ўрмонзор четида, иккинчиси – ям-яшил даланинг қоқ ўртасидаги қия тепаликда жойлашган, атрофи ютқа гишт девор билан иҳота қилиб ўраб қўйилган фашистларнинг дзотлари экан.

– Уруш даврларининг мудхиши хотираси, – дейди Алексей дўстимиз. – Келар авлодлар унутмасин, доимо ёдида сақласин деб давлат томонидан муҳофазага олинган...

Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмай жим кетамиз. Кўнглимиз алғов-далғов бўлиб ётган бўлса-да, сукут сақлаймиз. Бошларимиз қайнинлардай эгик, бир сўз деёлмаймиз. Аслида, шу икки нуқтагинанинг ўзи билан сафаримизга нуқта қўйиб, юртимизга қайтсак ҳам бўладигандай, шу икки нуқта оралиғидаги уруш ва тинчлик деб аталмиш етмиш уч йиллик масофанинг бор айрилиқ-армонлари шу лаҳзаларда қайта тикланғандай, сўзга ҳам, изоҳга ҳам эҳтиёж қолмагандай эди...

Иваново шаҳрида байрам тантаналари юксак даражада, жуда ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Беларусь диёри тарих синовлари давомида нимаики жабру жафоларни бошдан кечирган бўлса, беларус ёзуви билан адабиёти ҳам шу азоб ва машаққатларни жон-жонидан ўтказгани, матонатли халиқнинг иродаси букилмай, ўз

шаъну фурурини асраб келгани қайта-қайта таъкидланди. Байрам давомида жаҳолатга қарши маърифатнинг беларусча намуналари гувоҳ бўлдик. Уларда ҳам худди биздагидай, китобхонлик, билим ва тарбия масалалари га давлат миқёсида эътибор берилаётгани, бу йил ўн беш минг нафар мактаб ўкувчилари “Тирик сатрлар” танловига фаол қатнашгани-ю, шу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими га бизни ҳам таклиф этишганидан мамнун бўлдик. Сўзни, Ватанни дил-дилдан ҳис қилиб шеър айтмоқнинг завқи ва саодатини беларус ўғил-қизлари тимсолида қўриб, қувончимизга қувонч қўшилди.

Кейин Беларусь ахборот вазири, ўзи ҳам яхшигина болалар ёзувчиси бўлмиш бағрикенг ва очиқкўнгил инсон Александр Карлюкович алоҳида қабул уюштириб, адабиётимиз ва миллатимиз шаънига илиқ тилакларини изҳор этган лаҳзаларда ҳам бу севинч бизни тарк этмади.

– Тарих ўтмишда солинган изларни ҳеч қачон унумайди, – деди муҳтарам мезбон муроҷотимиз давомида.  
– Ортга, неча ўн йилликлар нарига назар ташласак, Ўзбекистон ва Беларусни маҳкам боғлаб турган кўп ришталар борлигини кўриб, одам беихтиёр ҳайратга тушади. Бизнинг миллий адабиётларимизни боғлаб, уларни бирлаштириб турадиган кўп жиҳатлар бор... Адабий алоқалар энг мустаҳкам алоқалардир.

Учрашувларимиз давомида кўп устоз адилларимизнинг номлари қайта-қайта тилга олинди. Биз бегоналар эмасмиз, қон-қардошлармиз, жигарлармиз дейилди.

Байрам муносабати билан бутун халқ – ёшу қари кўча-ҳиёбонларга чиққан, беларус ҳунармандлари бор бисотларини ёйган шоду хуррам расталарни томоша қилиб, порлоқ чеҳралар оралаб гавжум истироҳат боғининг дарвозаси томон юрарканмиз, ўнг томонда – йўлакнинг четидаги курсидан уч нигоҳ – уч жуфт ўзбекона кўз биз томонга қараётгандай туюлаверди. Тўхтаганимиз ҳамоно ўринларидан туриб ўзбекча салом беришди.

Барнохон эканлар, қизлари Маликахон, Фозилахон билан байрамга келишибди. Турмуш ўртоқлари Дониёр Обидов – элчихонамиизда маслаҳатчи бўлиб ишларкан, ҳозир дипкорпус вакиллари билан байрам тантаналарида экан, шу кишини кутиб ўтиришган экан... Учовлари – Тошкентдан учиб келган уч оқ кабутарга ўхшайди. Тинчлик ва эзгулик кабутарлари...

“Тошкентни соғинмадингларми?..” деган саволимиз ўринсиз бўлганини дарров пайқайман.

“Қанийди, ҳозирнинг ўзиёқ қанот чиқариб учиб борардик...”

Бизни ҳайратлантирган учинчи нуқта: Минске, Шон-шараф ва хотира майдонида бош эгиб турганимизда Тошкентдан бир муҳтарам адабиётчи домламиз кўл телефонимга нохос қўнғироқ қилиб қолди. “Беларусда, Минскдаги Шон-шараф майдонида турибмиз!” десам аввалига ишонқирамади, кейин ўпкаси тўлиб бир гап айтди:

“Менинг отам ўн саккиз ёшида, 1943 йилда айнан Беларусь заминидан фашистларга қарши жангга кирган. Минск-

ни озод қилишда қатнашган. Станковой пулемётчи сифатида Беларусдан Берлингача, ундан Манчжурия жангларигача борган... Ўн уч ўғил, тўрт қиз фарзанднинг отаси. Ҳозир тўқсон уч ёшда... Беларусь Президентидан, ўзимизнинг Президентимиздан табрик хатлари олганлар, келсангиз..."

Шу жойга келганда алоқа узилиб қолади. Энди менинг ўпкам тўлиб, бўғзимга бир нима тиқилгандай бўлади. Кўзёшим бўлса керак. Домла "Келсангиз кўрсатаман ё ўқиб бераман" демоқчи эдими?..

Домланинг ҳам, отасининг ҳам номларини ошкор қилмай кейинги мақолага қолдиришни лозим топдик.

Бу мақоламиз адабиёт газетамиизда чоп этишга ҳозирланаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланган, ўттиз уч миллионлик ўзбек халқи, ўн миллионга яқин беларус халқининг орзу ва умидларини ўзида мужассам этган олиймақом учрашувлардан сўнг муносабатларимизда мутлақо янги даврлар бошланишини замоннинг ўзи гувоҳлик бериб турибди.

Севинч ва соғинчларимизнинг ифодаси бўлмиш адабий алоқаларимиз ҳам шак-шубҳасиз мустаҳкам маънавий кўприкларга айланажак!

2018



## АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ

---

Янги давру янги замон. Вақт шиддати, ўзгаришлар кўлами-ю, янгиланишларнинг маҳобатидан кўзлар қамашиб, одамзод қалби, онг ва тафаккури ҳар лаҳза, ҳар соатда – кунма-кун, ойма-ой ўзгариб бораётган, меҳнату заҳматлари ҳам, кўрку таровати ҳам мутлақо ўзгача ва янгича бир даврон. Ўйингиздаги хушхабар кўчага чиқсангиз – эскирган, кечаги ночор-харобазор қишлоқ ва ё анҳор қирғоқлари ўрнида кокиллари эндигина ювилган кўркам келинчақдай янги бир манзаранинг гувоҳи бўлиб турибсиз.

Улугларимиз замон – бекорчиларнинг энг ёмон душманни деб айтган экан. Одам болалари тўғри хулосалар чиқариб яшамоги учун умр ва айёмнинг ўтиши панду насиҳатга ҳам

қиёс қилинганды. Замоннинг эгаси Парвардигордир дейилади Термизий бобо көлтирган ҳадисларда. Замон биносини бунёд этмоқ эса ҳар даврнинг ўз Раҳнамосига буюрилади. Ҳазрат Навоий лутф қилганларидай:

*Фараз ул эрдиким, бу қасри олий,  
Ки ҳаргиз бўлмагай, ё Раб, заволи.  
Биноедурки шаҳ бунёд қилмиш,  
Замона қасридек обод қилмиш.*

Улуғ бобокалонимиз ҳаётлик пайти ўзлари ўз қўллари билан тартиб берган, айни қирчиллама йигитлик вақти, яъни 1486 йилда битилган “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг “Дебоча” сидан олинган бу сатрларни бугунги кунга кўчириб давру замонга қарайдиган бўлсак... Оралиқдаги салкам 550 йиллик масофа ўз-ўзидан фойиб бўлиб, ижод аҳлини кўркам ва гавжум бир анжуман аро кўрамиз.

Тарих: XXI аср. 2017 йилнинг 3 август санаси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган учрашувию анжуманда кенг қамровли дастурий маъруза қилганига ҳам роппа-роса бир йил бўлди.

Ўшанда ахборот агентликлари “самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган йигилиш” дея беозоргина хабар тарқатган бўлса-да, аслида у “нафис мажлис” давлат раҳбарининг қатъий қиёфаси ва сиёсатига мос тарзда анчайин жиддий ва кескин кечган эди.

**- Биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши била-  
миз,** – деганди Президент ўша тарихий ва ҳаяжонли лаҳ-  
заларда анжуман аҳлига мурожаат қиласкан, – **машҳур  
бир қўшиқда айтилганидек, “ўртада бегона йўқ”.**  
**Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизни, агар сиз-**  
лар рози бўлсаларингиз, мана шундай самимий ва  
очиқ мулоқот тарзида ўтказсак, маданиятимиз ва  
санъатимизнинг ривожланиш жараёнларини хо-  
лисона баҳолаб, бу борада ўз ечимини кутаётган  
долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақи-  
да атрофлича фикрлашиб, бамаслаҳат бир қарорга  
келсак, айни муддао бўларди.

Табиийки, давлат раҳбарининг асосий саволлари, умид  
ва ишончлари сўз ва адаб аҳлига, адабиёт аҳлига қаратил-  
гани билан ҳам фоят муҳим ва қадрли эди. Зим-зиё асрлар-  
да маънавият оламини мунаvvар этган улуғ боболаримиз-  
дан тортиб, мустабид тузумлар искаnjасида ҳам таъқиб  
ва тазиикларга қарамай, ҳамиша ҳақ сўзни айтган, ўлмас  
асарлар яратган миллаттарвар, маърифатпарвар адилари-  
мизгача Президент ўз маърузаси давомида ўрнида келтир-  
ган ҳаётий ва ҳаққоний иқтибослару далиллар барчамизни  
бирданига сергаклантиргани, кўнглимизни ағдар-тўнтар  
қилгани ҳам бор гап.

Айрим мисол ва иқтибослар:

**“...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор  
– бу аввало, ҳалқимизга эътибор, келажагимизга  
эътибор эканини, буюк шоиrimiz Чўлпон айтгани-**

дек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унтуишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”.

“Қўлимизни кўксимизга қўйиб холисона айтайлик: ижодкор зиёлиларимизнинг бугунги фаолияти жамиятимизни, энг аввало, эл-юрт тақдири учун доимо куюниб, ёниб яшайдиган, бедор қалб эгалари бўлган сизларнинг ўзингизни қониқтирадими?”

“Азал-азалдан ҳалқ ижод аҳлига жуда катта ҳурмат ва ишонч билан қараши сизларга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга, “властители дум”, яъни “жамият тафаккурининг эгалари” деган юксак баҳо бериб келиниши албатта бежиз эмас...”

“Адабиёт ва санъатнинг нақадар құдратли кучга эга экани ҳақида сиздек зукко инсонлар ҳузурида сўз юритишига, очигини айтсам, мен бироз тортинаман. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланаяпмизми? Ёки улуғ адабимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфлаяпмизми?..”

“...Агар Абдулла Қаҳҳор чайлада яшаб асар ёзган бўлса, биз сизлар учун барча шароитларни яратиб, керак бўлса, гонорарини олдиндан, 5–10 ҳисса қилиб тўлаб беришга ҳам тайёрмиз”.

“Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё најжот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир...”



Шу ўринда Президент бугунги кунда юртимизда тобобра кенг тарқалиб бораётган “**Ўз болангни ўзинг асра!**” деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги ҳақида гапиранкан:

**“Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдида фақат четдан – Фарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ... Энг ёмони, бадиий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда...”**

“...Мен тушунаман, бу ижодий жараён, лекин ҳар қандай муддатнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку. Ўзингиз айтинг, халқимизга манзур бўладиган фильм ва спектакллар қачон яратилади?”

**“Азиз дўстлар, менинг бу орзуларимни буйруқ ёки топшириқ деб эмас, илтимос деб, ижодга даъват деб қабул қилишингизни истардим. Агарки бирон кишига “давлат буюртмаси” деган сўз бошқача туюладиган ёки малол келадиган бўлса, марҳамат, буни ҳозирги мода бўлган тилда “давлат гранти” деб атайлик”.**

Бир йил аввал, анжуман маҳали давлат раҳбарининг рўпарасида, юзма-юз ўтирган ҳолда, биз ижод ахли – мажлис қатнашчилари, рости гап, Президентнинг масалани очик-ойдин кўндаланг қўйганидан жуда ҳам ноқулай ва ўнғайисиз ҳолатга тушган эдик.

Эй дўсту биродарлар, шоирлар ва адиблар, санъаткорлар ва киночилар! Бирор-бир замонда катта мамлакатнинг катта Раҳнамоси, бирор-бир Юртнинг эгаси ва ё бирор-бир миллатнинг Йўлбошчиси ўз шоирлари ёзувчиларига “Асар ёзинг, тулини ўн баравар қилиб олдиндан тўлаб бераман” дея куйиниб айтганларини ҳеч кўрганмисиз ва ё эшигганингиз борми?!

Давлатимиз раҳбари бир гал, элдошларимиз билан бўлган учрашувни якунлар экан, **“бу маъруза эмас, менинг азобим, изтиробларим”** деган иборани ишлатган эди. Ижодкор зиёлилар ҳузурида қилинган тарихий маъруза ҳам айнан шу тахлит рўёбга келган. Унда миллат дарди, Ватан ва халқ қайфуси, ёш авлод тақдири билан туну кун уриб турган бедор ва беҳаловат қалбнинг ўй ва изтироблари ўз мужассамини топган.

Адабиёт атомдан кучли... Давлат раҳбари бу ўлмас иборани ҳам, унинг муаллифини ҳам тақрор ва тақрор тилга олганининг сабаб ва моҳияти бор.

Етмиш йил ўз биноси, муқим манзилу маконига эга бўлмаган, кўча лаҳжасида айтганда, “беватан” бўлган Ёзувчилар уюшмасига Ватанимизнинг кўркам боғи бағрида кўзни қамаштиргувчи бино қуриб берилди. Адиблар хиёбони барпо этилди. Қалам аҳли учун янги уй-жойлар қурилмоқда, она диёримизнинг жаннатмакон гўшаларида қулинг ўргилсин ижодхоналар барпо этилаётир. Олий адабиёт курслари янги ва баланд мақомда қайта тикланди. Ёш ижодкорлар, кекса адибларга кўрсатилаётган амалий эътибор, марҳум адиб-

ларнинг номи-хотиралари га эҳтиром, оиласлари ҳолидан хабар олиш, уюшманинг вилоят бўлимлари моддий-техник базасини янада яхшилашдан тортиб, давлат миқёсида рафбатлантиришгача – ҳамма моддий-маишӣ шарт-шароитлар бекаму кўст яратиб берилаётган бўлса. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида улуғ устозларимиз номи билан ижод мактаблари очилгани – бирор-бир давр ё мамлакатда кўз кўриб қулоқ эшитмаган маънавий-маърифий ҳодиса экани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари, қандай йигилиш ё анжуман бўлмасин – соҳаси ёки йўналишидан қатъи назар, ўзбек адабиёти ва адибларини бирор-бир баҳонаи сабаб билан эслаб ўтади. Мехр ва соғинч, орзу ва армон биланми, албатта, бир йўқлов баҳонасида адабиёт ва адибларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромини ҳар гал ҳаммамизга эслатиб қўймоқчиidай, худди “Ўйғониш замонларинг келди, қачон уйғонасизлар?!” дея огоҳлантираётгандай...

Ўтган йилнинг 23 декабрь куни Миллий боғ худудидағи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси билан танишув чоғида ёзувчи-шоирлар билан суҳбатлашаркан, ўшанда бир йилгина олдин тирик юрган устозларимиз номини соғинч ва армон билан ёдга олган эди. Менинг ҳам юрагимда армоним бор, деганди Президент. Ва ёш ижодкорларга қийин ва қалтис замонларда ҳалқ дардини куйлай олган шундай улуғ ва матонатли устозлар ҳаёти ва мактабидан ҳамиша ибрат олмоқларини қайта-қайта уқтирган эди.

Беихтиёр устоз Абдулла Ориповнинг армонли сатрлари хотирга келади:

... Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тигида  
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим,  
Лекин икки дарё оралигида  
Қолиб кетди менинг ўшал овозим.

Шу овозлар бундан буён Мовароунаҳр, яъни икки дарё оралигида қолиб кетмаслиги учун ҳам, бир тангани тогиши жуда мушкул бўлган ҳисоб-китобли бу дунёда. Президентимиз раҳнамолигида миллиард-миллиард маблағ сарфланиб, қалам аҳли, ижод аҳли учун шундай маҳобатли яхшиликлар қилинмоқда. Сўйлаб берсангиз, афсоначилар ҳам ишонқирамай қарайдиган нашъу намолар, янгиланишлар. Машхур қўшиқнинг қофиясини ўзгартириб айтилса агар: “Яна нима керак сенга, эй шоир?!“

Марғилонда устоз Эркин Воҳидов ҳайкалининг очилиш маросимида Президент ижодкорларга савол берди:

– Мана, Жиззахда Ҳамид Олимжон, Зулфия опа номидаги ижод мактабига бориб келдинглар, ҳисботларингни ҳам ўқидим. Қани, айтинглар-чи, бу мактабларнинг оддий мактаблардан қандай фарқи бор?..

Ижодкорлар жавобини эшитгач, давлат раҳбари жўяли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлади:

– Кескин фарқ қилиши керак! Балки икки юз ўқувчинг ҳаммасидан ҳам Эркин Воҳидов ё Зулфия чиқмас. Ҳеч

бўлмаса икки нафари катта шоир бўлади-ку! Буюк олимлар, адабиётчилар, олималар ҳам керак-ку миллатимизга! Мана, беш мингта китоб топширдик деяпсиз. Китобнинг бўлиши яхши, албатта. Бугунги ёшларга “Ўзбегим” ва ё “Инсон ўзинг” сингари шеърларнинг ёзилиш тарихини ким айтиб, тушунтириб беради?..

Бир ойдан сўнг Зоминда ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши бошланиб кетди. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган ёш ижодкорларнинг сурури ва севинчларига қараб ҳавасингиз келади. Биз ёш ижодкорларга Президентимизнинг сўзларини, йўл-йўриқларини еткиздик. Булар бир-икки йил олдинги ёшлар эмас, мутлақо янги давру замонларнинг янгича фикрлайдиган янги фарзандлари. Орзу-ҳаваслари, ният ва интилишлари шунчаки ҳавоий гаплар эмас.

Мамлакатнинг адабий-ижодий, маънавий-маърифий обу ҳавоси билан иқлими бир йил давомида мутлақо ўзгарди, тозарди десак асло муболага бўлмас. Ҳазрати Жомийнинг меҳр билан тайёрланган муҳташам китоблари яқин қондошларимизга муносиб тухфа бўлди. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўйнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича, оламшумул адаб Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг маҳсус қарорлари, Махтумқули ҳазратларига давлатимиз миқёсида кўрсатилган юксак эъзоз-эҳтиромларнинг ҳамма-ҳаммаси қардошларимиз олдида юзимизни ёруғ, қадду қоматимизни янада

баландроқ қилганини ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Бу улугвор маънавий воқеаларнинг барчаси ёш авлод қалбида мангу муҳрланиб-нурланиб қолмоғи табиий.

Адабиёт атомдан кучли...

Модомики, гап адабиёт хусусида, домла Абдулла Қаҳхор ҳақида кетар экан, донишманд адибимиз 1965 йилда – бундан роппа-роса 53 йил аввал “Ёшлар билан сұхбат”да айтган бир иқтиbosини шу үринде келтириб ўтмоқ жоиз деб ҳисоблаймиз:

“Хозирги адабий ёшларимиз, шубҳасиз, ўзига ҳам, адабиётта ҳам ғубор қўндиrmайдиган ҳақиқий замона ёшларидир. Биз бир-биримизга катта меҳр қўйишимиз, бир-биримизни ҳар томонлама бойитишимиз, бир-биримизни бало-қазодан, ёмон кўздан сақлашимиз зарур, эртаги буюк адабиёт биносининг ҳақиқий меъморлари бўлишимиз керак. Шундоқ бўламиз, бунга бутун адабий жамоатчилик, бутун ҳалқ катта ишонч билан кўз тутаётиди...”

Она диёrimиз эрта-индин жаҳоншумул адабий анжуман “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ҳалқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги ҳалқаро конференция иштирокчиларини кутиб олиш тараддуди билан яшамоқда. Жаҳоннинг 25 та давлатидан келадиган шоиру олимлар, мутаржим ва адабиётшунослар билан дийдорлашувларнинг гашти ҳам, масъулияти ҳам ўзгача. Хиёбонимиз ҳам, уюшмамизнинг янги биноси ҳам адабий сұхбатлару дўстлар дийдоридан янада нурафшон бўлгай. Адабиёт атомдан кучли... унинг кучини мана шундай

улуғвор ва эзгу ишларга сарфлагувчи улуғ зотларга ҳамиша  
элу юртнинг олқишилари муборак бўлсин деймиз.

Она юртим, сен бир йилда  
топган нашуу намолар  
Минг йилда ҳам бўлмаган, дер  
юздан оишган момолар.  
Аслида-ку сел дуч кечса,  
сен симирган халқдирсан,  
Тог келса гар мардонавор  
сен емирган халқдирсан.  
Эй ёронлар, халқни кўринг,  
кўринг орзу-ҳавасин,  
Биз ёзмасак ким ёзгайдир  
бу қунларнинг “Ҳамса”син?!  
Термизийлар айвонидан  
боқсам агар оламга –  
Ҳам отамга ўхшайдирсан,  
ҳам ўхшайсан онамга.  
Ўз халқини рози қилмоқ  
матонатли мард иши,  
Халқ иши – давлат ишидир.  
Давлат иши – халқ иши.

2018 й. 31.07.



## ДҮНЁ БИЗНИ ЎЗГАРТИРАДИ, БИЗ ДҮНЁНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ

---

Иссиқкүл форуми: умид ва орзулар

Буюк адид ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов ташаббуси ва бевосита иштирокида ташкил этилган Иссиқкүл форумининг ilk ҳалқаро аңжумани ўтказилганига ҳам ўттиз икки йил бўлиди. Бақт ва тарих олдида арзимасдай туюлган бу оралиқ муддат давомида замину замон неча эврилишларни бошдан кечирди: Не-не ёлғон тузумлару сохта таълимотлар заволга юз тутди. Бутун бошли империялар ёлғон асосга қурилгани учун емирилиб битди, мафкуралар чиппакка чиқди. Бани башар фарзандлари не-не уруш ва низоларни бошдан кечирмади дейсиз. Тафовут ва жанжаллар

натижасида бутун бошли эллар-элатлар бехонумон бўлди. Дунё саҳнасида мутлақо янги қавм – уйсиз-жойсиз, ватансиз бўлиб қолган “мигрантлар”, яъни тинч-осуда маконга муҳтоҷ бехонумон кўчманчи-қочоқлар номли аҳоли пайдо бўлдики, бу аҳвол Оврупони ҳам, Осиёни ҳам бирдай сергаклантириб, таъбир жоиз бўлса, ташвишлантириб қўйди. Дунё глобаллашув сари юз тутгани маълум гап. Бунинг натижаси ўлароқ, умумбашарий муаммолар пайдо бўлгани ҳам сир эмас.

Маданият – бутун инсоният асрлар давомида бунёд этган иккинчи оламдир, деган эди улуғ адаб 1997 йилнинг 16 июлида Бишкеқда ўтказилган Иссиққўл форумида сўзлаган маърузасида.

Оlam ичра иккинчи буюк олам, яъни одамзод ўзи барпо этган Буюк тамаддун биноси, қасри бунёдини асраб қолиш, ҳар қандай вазиятда ҳам “умумбашарий тафаккур” билан иш кўрмоқ масаласи бугунги сертахлика дунёда, айниқса, янада долзарб муаммога айланди. Мехру оқибат, оиласпарварлик, тинчлик ва тотувлик, одам болаларининг маънавий камолоти сингари юксак инсоний туйгулар ҳам бугунги кунда умумбашарий аҳамият ва эътиборни тақозо этаётир. Табиат муҳофазаси, Еру осмон, сув ва ҳаво тозалиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандларининг тоза ва мусаффо инсоний муносабатига муҳтоҷ бир пайтда, адабиётнинг ўрни, ёзувчининг сўзи сув ва ҳаводай зарурлигини Чингиз Айтматовдек улуғ адаб ўз ижоди билан ҳозир ҳам исботлаб турибди. Шу маънода ҳам 4–7 октябрь кунлари адаб таваллудининг 90 йиллик санасига бағишилаб,

Кыргызстаннинг Бишкек ва Чүлпонота шаҳарларида “Чингиз Айтматов ва бугунги давр таҳдиidlari” шиори остида ўтказилган халқаро Иссиккүл форумида, буюк адабнинг ўзи жисмонан иштирок этмаса-да, унинг төгдай сўзи янграб-гулдираб турганини анжуман қатнашчилари ҳар қадам, ҳар машваратда юрак-юракдан ҳис қилиб, сезиб юрдилар.

Дунёнинг 30 мамлакатидан кўплаб фан ва маданият арбоблари, таникли адаблар ва таржимонлар, ноширлар ва муҳаррирлар йиғилган анжуманнинг очилиш маросими, ундан сўнг давом этган ялти мажлис ва машваратлар қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Ялти мажлисга раислик қилган таникли олим ва адаб Усмонохун Иброҳимов Ўзбекистондан борган делегация ва-килига сўз беришдан аввал катта завқ ва ҳаяжон билан чукур миннатдорлик туйғуларини изҳор этаркан, шундай деди:

– Биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Миронович Мирзиёевдан, ўзбек халқидан жуда миннатдормиз. Ҳали бирор-бир бошқа мамлакатда бошқа бир миллатнинг адаби тўғрисида давлат раҳбарининг маҳсус қарори чиққан эмас. Очигини айтиш керак, Ўзбекистонда Чингиз Айтматов асарларини биздан кўра кўпроқ ўқишиди. Чингиз Айтматов аллақачон ўзбекларнинг ўз туғишган адабига айланганини чукур мамнуният билан эътироф этиш керак. Яна бир марта миннатдорлигимизни қабул этгайсиз.

Биз бу ҳурмат ва эътирофни бутун анжуман давомида ҳис қилиб турдик.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил, 2 априлида қабул қилган қарорида айтилганидек, “Буюк адаб ва

жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда..."

Дунё бизни, биз дунёни ўзгартирдик. Буюк адабнинг бундан қирқ йиллар аввал айтган ўлмас сўзлари ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ўзбекистонда Чингиз Айтматов асарларининг ўзбек тилидаги нашрлари миллион нусхадан ҳам ошиб кетгани, таникли таржимон, заҳматкаш адаб Асил Рашидов таржималари асосида яхлит "Сайланма" қилиб чиқарилган кўркем китоблардан, "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номли тўплам ва яна бир қанча мажмуалардан анжуман аҳлига намойиш қилиб, Қирғизистон Давлат кутубхонаси, Чингиз Айтматов уй-музейи ва Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасига тухфа қилганимизда, муҳтарам мезbonларимиз ўз қувонч ва ҳаяжонларини олқиши ва ташаккурлар билан изҳор этишди.

Делегациямиз аъзоларининг анжуман мажлисларидағи чиқишилари анча сермазмун ва таклифларга бой бўлди. Таникли олим Зухриддин Исомиддинов "Манас"нинг янги ўзбекча таржимаси ва нашри ҳақида гапирди. Аҳмаджон Мелибоев, Ҳамидулла Болтабоевлар адабий алоқаларни янада кучайтириш, адабий нашрлар ҳамкорлигини мутташиб ўйлга қўйиш таклифини ўртага ташлади. Буюк адабнинг

“Амир Темур қибланомаси” асари ҳақида мұлоҳаза юритар-каң, захматкаш олим ва таржимоң Иброҳим Faфуров Чингиз Айтматовнинг қардошлиқ-элдошлиқни ҳақиқий дарддошлиқ ва дилдошлиқка айлантира олған беназир шахс эканлигига алохида урғу берди. Бу сұхбатларнинг натижаси үлароқ Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозогистон Ёзувчилар уюшмалари вакиллари иштирокидаги давра сұхбати Қирғизистон телевидениеси орқали тұғридан-тұғри жонли эфирға узатилди...

Иссиққұл форуми. Аңжуман кузнинг салқын күнларига тұғри келған бұлса-да, барча қатнашчилар “Иссиққұл”нинг рамзий-тимсолий маъносини чин юракдан ҳис қилдилар. Муносабатларда илиқлик, дийдорлашувларда иссиқ бир мұхит пайдо бўлганини барчамиз англаб етдик. Аңжуман иштирокчиларининг дунё ҳамжамиятига қарата қабул қилған Мурожаатида ҳам қалблар ва кафтларнинг шу илиқлиги ўз ифодасини топгани барчани бирдек мамнун этди.

Беназир адебнинг сўнгги романы “Тоғлар ҳам қулайди” деб номланган. Улуғ адебдан тирик ва барҳаёт мерос бўлиб қолган Иссиққұл аңжуманидан Ўзбекистонга қайтар эканмиз, кўнглимиздан кечган бир ташбехни баралла хайқириб ошкор қилгимиз келди: Йўқ, буюк тоғлар қуламайди, Чингиз оға! Айниқса, жаҳолатга қарши маърифат билан курашувчи дарёдай уйғоқ раҳнамолар бор экан, халқларимизнинг сиз янглиғ, сизнинг асарларингиз янглиғ маънавият қоялари пойдор ва устувор экан – тоглар қуламайди!

8, 14 октябрь, 2018 йил




## МАНГУБЕРДИЛАРИ МАНГУ ХОРАЗМ

---

Хива эли, Хоразм халқи бу улуг воқеани роппа-роса 130 йил күтди. Туну күн, кечаю кундуз, тинимсиз ва муттасил күтди. Хоразм – буюк алломалар, дунёга ал-Хоразмийдек жаҳоншумул зотларни берган ховари азим, бетимсол ва улугвор кишварнинг қадим дурдона гавҳари, феруза кўзли узуғи Хива, Хевоқ. “Тошкент – Хива” йўналишида қатновлари йўлга қўйилган поезднинг ilk йўловчилари қаторида ярқираган вагон зинапоясига қадам қўярканман, кўнглимдан кечган бир ташбех-иктибосни манзилга етгунга қадар шеърга айлантирмоқни ният қилиб қўйдим.

130 йиллик муддатни кунларга айлантириб кўрилганда 47 минг 450 кунни ташкил этаркан. 47 минг 450 кун эса 1



миллион 138 минг 800 соатдан иборат эканини ҳисобга олсангиз, тарих билан янги давру замон қаршисида ҳайрат ва ҳавасларингиз ортган сайин ортаверади. 130 йил қайда-ю, 30 чақиримлик темирйўл қайда!.. 47 минг 450 кун – 1 миллион 138 минг 800 соатда амалга ошмаган улуғвор ишларни атиги бир йилда – 365 кун – 8.760 соат ичидаганнадан чиққандай кўркамгина қилиб янги Хива вокзалига пешвоздингизга чиқариб қўйса, бу мўъжизавий манзаралардан ҳайратланмай иложингиз йўқ. 130 йиллик ўтмиш – ортингизда, ярқираган келажак эса шундоққина кўз олдингизда турибди. Бошқасини билмадиму, 130 йилдан кейин Оғаҳий, Феруз боболаримизнинг эвараларидан туғилган шоир ав-

лодлари дафтарларига фахру ифтихор ила шундоқ сўзларни битмоғлари муқаррар: “Хива шаҳрина поезд Президент Шавкат Мирзиёев замонида, ул давлатли зотнинг бевосита саъий-ҳаракати ила сана 2018 йилнинг 4 декабрь кунинда кириб галди...”

Бу тарихга бугунги янги давру замонларнинг янги-янги қасру қўргонлари гувоҳлик бериб турибди.

*Амударёлари абадий азим,  
Мангубердилари мангу Хоразм,  
Эмасдир шунчаки ногаҳий бобо –  
Огоҳ нигоҳингдир Огаҳий бобо.  
Мұхаммад Раҳимхон, Исломхўжалар,  
Етти ёт юртлардан кутган муждалар –  
Бир юз ўттиз йиллик армонларингдир.  
Сегоҳдай нолаю афгонларингдир.  
Фаҳр этсам арзигай, билло, бағоят,  
Кутган карвонларинг келди ниҳоят.  
Амударёлари абадий азим,  
Мангубердилари мангу Хоразм,  
Ичон қалъаларинг –  
Ишонч қалъаларинг бўлди,  
Дишон қалъаларинг –  
Жаҳон қалъаларинг бўлди!*

4, 5.12. 2018 й. Тошкент – Хива – Тошкент

## **МУНДАРИЖА**

### **ВАТАН УЧУН. МИЛЛАТ УЧУН. ХАЛҚ УЧУН**

Сүв келтирған элда азиз .....	7
Бедорликнинг йўл харитаси ёхуд обод қишлоқ манзумаси .....	16
Матонат манзили.....	25
Ўзгаришлар даври .....	37
Янги уйлар қасидаси.....	40
Ободлик.....	43
Эл ва эл боласи.....	48
Улуғлар ва кичиклар .....	51
Ота ва она .....	53
Адолат қўрғонлари .....	56
Бирни кўриб фикр қил .....	59
Янги ҳаёт .....	62
Эзгуликни қуёш этиб ( <i>Шанҳай ҳамкорлигига</i> ).....	66
Буюк Ипак йўли .....	68
Бирлашган эл ( <i>Тожик-ўзбек шоюри Ҳасан Гойиб шеърига тазмин</i> ) .....	72
Ўзбек-туркман манзумаси .....	73
Ўзбекнинг нурли боласи ( <i>ФИФА ҳаками Равшон Эрматовга</i> ) .....	78
Марди майдон ўғлонлар ( <i>Олимпиада голибларига</i> ) .....	81
Жоним Ватан ( <i>Сидқий Ҳондайлиқий газалига тазмин-мухаммас</i> ) .....	87
Янги тонг. Янги кун .....	90
Ватан учун. Миллат учун. Халқ учун .....	94
Манзума ("Топмадим истаб жаҳонда сен каби зебо Ватан...") .....	98

## **ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ**

Ўз болангни ўзинг асра .....	103
Устоз Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида .....	106
Шараф йўли ( <i>Шароф Рашидов хотирасига</i> ).....	110
Икки устоз хотираси .....	114
Китобхонлик .....	117
Китоб олинг .....	120
Назм тогида .....	124
Талабалар баҳори .....	127
Ким тилни билур – элни билур ( <i>Аваз Ўтар газалига мухаммас</i> ) .....	131
Маърифат қасри. Миллий кутубхона .....	133
Маърифат ҳудуди .....	138
Муаллимлар манзумаси .....	141
Адабиёт (Биринчи китоби чиққан шоир укаларимга) .....	143
Ёшлик чогида .....	146
Мутолаа ( <i>Талабаларга</i> ) .....	148
Навоийнинг набиралари .....	151
Навоийнинг боғлари ёхуд адабиёт дарсларида .....	154
Буюк муаллим .....	160
Жайхун шамоллари .....	163
Хавотир ("Куллик ҳам қарамлик палла йўқолди...") .....	166
Интернет .....	168
Бу – сенинг уйингдир .....	172
Инсон ("Бир қўлда куролу, бир қўлда Куръон...") .....	177
Эгрилик ва тўғрилик .....	179
Яхши ва ёмон .....	182
Тафовутлар олами .....	185

## **АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ**

### **Мақолалар. Муносабатлар**

Китобсиз келажак йўқ.....	191
Одамийликнинг олий мезони.....	204
Яхшилар ичра Ватан.....	208
Зомин семинарлари. Соғинч ва ҳаяжонлар .....	215
Беларусь диёрининг севинч ва соғинчлари .....	233
Адабиёт атомдан кучли .....	248
Дунё бизни ўзгартиради, биз дунёни ўзгартирамиз.....	261
Мангубердилари мангу Хоразм.....	266

**УЎК:** 821.512.133-1

**КБК:** 84(5Ў)6

С 22

С 22

**Сайид, Сирожиддин**

**Матонат манзумаси** [Матн]. Шеърлар, мақолалар /

Сирожиддин Сайид. – Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашириёти,  
2018. – 272 б.

ISBN 978-9943-5567-6-8

*Адабий-бадиий нашр*

**СИРОЖИДДИН САЙИД**

## **МАТОНАТ МАНЗУМАСИ**

Мұхаррір: Дилярабо Мингбоева

Бадиий мұхаррір: Ақбарали Мамасолиев

Мусақхық: Нодир Сувонов

Сахіфаловчи: Азамат Қайимов

“MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI”

Нашриёт лицензияси № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ-15. 1-90-үй.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Тел.: +99890 90075-77, +99894 659-94-62

Босишга 2018 йил 14 декабря руҳсат этилди.

Бичими 70x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. "PF Agora Slab Pro UZ"  
гарнитураси. Шартли босма табори 11,2.

Адади 2000 дона. Буюртма № 11.

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шохӯҷаси, 44.  
Тел.: (+998) 71-276-37-00.